

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЊАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ЎЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ИЖТИМОИЙ МАДАНИЙ ФАОЛИЯТ” ЙЎНАЛИШИ**

**“ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ФАОЛИЯТ  
ФАНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ИЛГОР  
ТАЖРИБАЛАР”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2018**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги “\_\_\_”-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув  
режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:**

ЎДСМИ “Маданият ва санъат муассасаларини  
ташқил этиш ва бошқариш” кафедраси мудири  
Шодиев Хамза Холикулович

**Такризчилар:**

**Жанубий Корея Республикаси Конгук  
университети** профессори, PhD Kim In Og

ЎДСМИ “Маданият ва санъат муассасаларини  
ташқил этиш ва бошқариш” кафедраси  
профессори, с.ф.д.

Бекмуродов Мансур Бобомуродович

Ўқув-услугий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институтининг 2018 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_-сонли қарори билан  
нашрга тавсия қилинган.

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	122
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	188
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ .....	112
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	116
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	117
VII. ГЛОССАРИЙ .....	118
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	124

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида яратилган “Ижтимоий –маданий фаолият” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича ишлаб чиқилган намунавий ўқув режа ва дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Ушбу дастурда “Ижтимоий маданий фаолият фанларининг назарий асослари ва илғор тажрибалар” модули бўйича назарий, амалий ва мустақил таълим машғулотларини ташкил этиш, ташкилотчилик асосий қоидалари ва ташкил этиш, фанларни ўқитиш жараёнида шахс имкониятларини, Ижтимоий - маданий фаолиятга оид фанларни ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясини, ташкилий жараённинг анъанавий ва замонавий услубларни, саҳна кўринишларини, маданият соҳасидаги долзарб масалаларни ўрганиш каби маълумотлар баён этилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Ижтимоий – маданий фаолият ” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини амалда тадбиқ этиш;

- умумкасбий ва ихтисослик блоки фанларини ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Ижтимоий-маданий фаолият” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Ижтимоий маданий фаолият фанларининг назарий асослари ва илғор тажрибалар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

– ижтимоий соҳада давлат сиёсати;

– Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларнинг моҳияти ва мазмуни;

– Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатни ривожлантириш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари);

– маданий-маърифий муассасаларининг турлари ҳамда маданият ва санъат муассасаларининг номенклатураси;

– аҳолининг маданий дам олишини ташкил этиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– қишлоқ аҳолисига маданий хизматни ташкил этишни;

– шаҳар ва қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмуш орасидаги фарқларни йўқотиш чораларини;

– шаҳар, туман аҳолисига дам олиш хизматини ташкил этишни;

– ихтисослаштирилган илмий–амалий-услугий марказларини ташкил этишни, маданият тизимида нодавлат секторларни ривожлантириш сиёсатини, ижодий жамоалар хизматини ташкил этишни, аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг асосий тамойилларини;

– хорижий давлатларда маданият, хорижий давлатларда энг кўп тарқалган санъат жанрларига характеристика, маданият ва санъат структураси, бюджети, вазифалари ҳамда унинг жаҳон бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини, илмий-ижодий тадқиқотларни ривожлантиришни;

– маданият ва санъат тизимида кадрларни тайёрлаш сиёсатини, кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни, сертификатлаш, лицензиялаш ва аккредитациялашни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– ижтимоий маданий фаолиятни таҳлил этиш ва сифатини назорат қилиш;

– илмий-ижодий тадқиқотларга асосланган ҳолда таҳлил қилиш, маданият сиёсатида илмий-амалий тадқиқотларга асосланган тўғри қарорларни қабул қилиш;

ижтимоий тизимдаги турли дам олиш муассасаларининг ишини таҳлил қилиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*

#### **Тингловчи:**

ижтимоий соҳадаги давлат сиёсати;

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳа бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларнинг моҳияти ва мазмуни;

- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитиш жараёнида шахс имкониятларини;
- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини;
- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясини;
- арт-терапия методининг ўзига хос жиҳатларини;
- ижтимоий маданий фаолиятда анъанавий ва замонавий услубларни;
- ижтимоий маданий фаолият фанларида муаммоли технологияларни;
- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитишда инновацияларни;
- ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларни **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

ижтимоий соҳасида давлат сиёсати;

- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитиш жараёнида шахс имкониятларини билиш;
- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини амалда тадбиқ этиш;
- ижтимоий маданий фаолият фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясини ўрганиб чиқиш;
- арт-терапия методининг ўзига хос жиҳатларини билиш;
- ижтимоий соҳада анъанавий ва замонавий услубларни билиш;
- ижтимоий маданий фаолият фанларида муаммоли технологияларни ишлаб чиқиш;
- ихтисослаштирилган илмий–амалий-услубий марказларини ташкил этишни, ижтимоий тизимда нодавлат секторларни ривожлантириш сиёсатини, ижодий жамоалар хизматини ташкил этишни, аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг асосий тамойилларини;
- хорижий давлатларда маданият, хорижий давлатларда энг кўп тарқалган санъат жанрларига характеристика, маданият ва санъат структураси, бюджети, вазифалари ҳамда унинг жаҳон бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини, илмий-ижодий тадқиқотларни ривожлантиришни;
- ижтимоий тизимга кадрларни тайёрлаш сиёсатини, кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни,

сертификатлаш, лицензиялаш ва аккредитациялашни билиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- ижтимоий соҳада давлат сиёсати;
- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитиш жараёнида шахс имкониятларидан фойдаланиш;
- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини амалда тадбиқ этиш;
- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясидан фойдаланиш;
- арт-терапия методининг ўзига хос жиҳатларини амалда қўллаш;
- ижтимоий маданий фаолият йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитишда ижодий жараёнлар, технологиялар ва инновацияларни қўллаш;
- мутахасисликка оид асарлардан замонавий усулларда фойдалана олиш бўйича малакаларига эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитишда янги ғоялар устида ишлаш;
- ижтимоий маданий фаолият бўйича ижодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш;
- ижтимоий соҳа кадрларида эстетик жиҳатлар ва бадиий дидни ривожлантириш;
- ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитиш услубларини ижодий ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ижтимоий маданий фаолият фанларининг назарий асослари ва илғор тажрибалар” курси маъруза ва амалий машғулот ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, бир бор мавзу асосида назарий кўрсатмалар ва кўргазмали тасвирий воситалар, амалий ишланмаларни бажариш каби усулларини қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ижтимоий маданий фаолият фанларининг назарий асослари ва илғор тажрибалар” модули мазмуни ўқув режадаги “Арт менежмент” ва “Арт маркетинг” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ижтимоий маданий фаолият соҳасига кадрлар тайёрлаш тизими, ижтимоий маданий фаолият фанларини ўқитишда янги ғоялар устида ишлаш, ижтимоий маданий фаолият таълим жараёнининг тузилмаси, машғулот турлари, шакллари, фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар. фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш. илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиётини ижодий ривожлантиришга доир касбий **компетентликка** эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси					Мустақил таълим
			Жами	жумладан				
				назарий	амалий	машғулот	кўчма	
1.	Давлат ижтимоий сиёсатининг мазмуни, мақсади, йўналишлари. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг назарий асослари.	2	2	2				
	Ижтимоий-маданий фаолият объектлари: ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий жамғармалар фаолияти. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг замонавий тенденциялари.	10	10	2	4	4		
2.	Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳаси бўйича қабул қилинган қонун, қонун ости	4	4					



	хужжатлари ва уларнинг моҳияти, мазмуни.				4		
3.	Ўзбекистон Республикасида ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантириш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари). Ижтимоий-маданий фаолиятда соғлом турмуш тарзи тарғиботи.	6	4	2	2		2
4.	Ижтимоий-маданий фаолият соҳасига кадрларни тайёрлаш сиёсати. Хорижий давлатларда ижтимоий-маданий фаолият тизими. Ижтимоий-маданий фаолият фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши.	8	6	2	4		2
<b>Жами:14 соат</b>		<b>30</b>	<b>26</b>	<b>8</b>	<b>14</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Давлат ижтимоий сиёсатининг мазмуни, мақсади, йўналишлари. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг назарий асослари.** Ижтимоий маданий фаолият эволюцияси.Ижтимоий маданий фаолиятнинг мазмуни, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий маданий фаолиятнинг назарий асослари.

**2-мавзу: Ижтимоий-маданий фаолият объектлари: ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий жамғармалар фаолияти. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг замонавий тенденциялари.** Ижтимоий маданий фаолият объектлари: ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий жамғармалар фаолияти. Ижтимоий –маданий фаолиятнинг замонавий тенденциялари.

**3-мавзу: Ўзбекистон Республикасида ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантириш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари). Ижтимоий-маданий фаолиятда соғлом турмуш тарзи тарғиботи.**

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантириш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари). Ижтимоий-маданий фаолиятда соғлом турмуш тарзи тарғиботи.

**4-мавзу: Ижтимоий-маданий фаолият соҳасига кадрларни тайёрлаш сиёсати. Хорижий давлатларда ижтимоий-маданий фаолият тизими. Ижтимоий-маданий фаолият фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши.**

Ижтимоий-маданий фаолият соҳасига кадрларни тайёрлаш сиёсати. Хорижий давлатларда ижтимоий-маданий фаолият тизими. Ижтимоий-маданий фаолият фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

**Ижтимоий-маданий фаолият объектлари: ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий жамғармалар фаолияти. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг замонавий тенденциялари.**

Ижтимоий-маданий фаолият объектлари: ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий жамғармалар фаолиятини таҳлил қилиш.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг замонавий тенденциялари, маданий маърифий фаолият турларини таҳлил қилиш.

### **2-амалий машғулот:**

**Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳаси бўйича қабул қилинган қонун, қонун ости ҳужжатлари ва уларнинг моҳияти, мазмуни. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.**

### **3-амалий машғулот:**

**Ўзбекистон Республикасида ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантириш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари). Ижтимоий-маданий фаолиятда соғлом турмуш тарзи тарғиботи.**

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантириш стратегияси ва бошқарув тузилмаси:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ бўйича таҳлилий материал тайёрлаш.

2. Ижтимоий-маданий фаолиятда соғлом турмуш тарзи тарғиботи режасини ишлаб чиқиш.

#### 4-амалий машғулот:

**Ижтимоий-маданий фаолият соҳасига кадрларни тайёрлаш сиёсати. Хорижий давлатларда ижтимоий-маданий фаолият тизими. Ижтимоий-маданий фаолият фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил Қарор ва фармонлари таҳлили.
2. ОЎМТВ ва Маданият вазирлиги буйруқлари таҳлили.
3. Ижтимоий-маданий фаолият фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши бўйича амалий машғулот.
4. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизациясини ишлаб чиқиш.

### ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Услужий кўрсатма тайёрлаш. (Мутахассислик бирон бир фани бўйича силлабуси тайёрланади)	1.25	0.75 балл
2.	Мустақил иш ( силлабус бўйича плакатлар ва кўргазмали қурол, слайдлар) ташкил қилинади		0.5 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



### “Ақлий ҳужум”

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (5-7 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

**“Кейс-стади”  
методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш Босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс. Маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошида ташкил этилган бадий хаваскорлик тўғараги ( Вокал чолғу ансамбли) тарқаб кетмоқда.**

### «ФСМУ» методи

#### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари**

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)*
- 2. Вокал чолғу ансамбли қатнашчиларининг қизиқишларини шакллантиришда раҳбар маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)*

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Наврўз” ва “Мустақиллик” байрам томошаларининг гоyasi”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.




**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.



## “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу: Давлат ижтимоий сиёсатининг мазмуни, мақсади, йўналишлари. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг назарий асослари.**

1.1.Ижтимоий маданий фаолият эволюцияси.

1.2.Ижтимоий маданий фаолиятнинг мазмуни, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ва назарий асослари.

*Таянч иборалар: Эволюция, ижтимоий-маданий эҳтиёжлар, диний-маърифий муассасалар, урф-одатлар, маданий-оқартув иши, ҳаётийлик, оммавийлик, ихтиёрийлик, илмийлик, маданий-оммавий тадбирлар, дам олиш тадбирлари, оммавий ўйинлар, қўшиқлар, савол-жавоб кечалари.*

#### **1.1.Ижтимоий-маданий фаолият эволюцияси.**

Ижтимоий-маданий фаолият тарихи қадимийдир. Унинг туб илдизлари инсониятнинг илк уюшувлари даврига бориб тақалади. Илк уюшув шакллари илмий адабиётларда тош, бронза, темир даврларида таркиб топганлиги талқин этилади. Бу даврда одамларнинг маданий ижтимоийлашуви ҳаётни таъминлаш, унинг барқарор давомийлигини белгилаш заруратидан юзага келган. Ҳаётнинг моддий томонларини таъминлаш учун одамлар бир-бирларига ов қилиш, балиқ тутиш, экин экиш, тескари жинсни ўзига жалб этишга эришишни турли ўйинлар, машқлар тарзида ўрганиб борганлар. Ўргатиш узлуксиз, доимий давом этган. Ўргатиш узлуксизлиги ва доимийлиги таълимнинг алоҳида соҳа сифатида шаклланишига сабаб бўлган. Демак ижтимоий-маданий фаолият таълимнинг асоси дейиш мумкин.

Одамлар ташқи табиий кучлар (олов, сув, шамол, ер қимирлаш) таъсиридан кўрқиб яшаганлар. Шу боисдан улар таълимни, яъни илк ўргатиш шакллари олов, сув, шамол, зилзила худоларига ва бошқа турли илоҳий маъбудаларга эҳтиром кўрсатиш билан уйғунлаштириб ўргатишга интиланлар. Бу интилиш эса фольклор ўйинлари шаклида бизгача етиб келган.

Бинобарин, одамларнинг бу шакллардаги ўзаро уюшувини илк ижтимоийлашув кўриниши деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Шу тариқа одамларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишларига ҳаётни таъминлаш ҳамда табиат кучларидан кўрқиб омиллари асос бўлган. Шунингдек, одамларнинг ўзаро уюшувига наслни сақлаш, кўпайтириш, тескари жинсдан роҳатланишдан иборат табиий инстинктив туйғу ҳам кучли таъсир кўрсатган, дейиш мумкин. Шунингдек, муайян гуруҳ, қабила, уруғнинг биологик сақланиши учун бошқа уруғ, қабила таҳдиди, яъни ташқи кучлардан ҳимояланиш зарурати ҳам уларни ўзаро иттифоқлашувига туртки берган.

Инсоният онги, тафаккур тарзининг ривожланиши натижасида одамлараро уюшувининг мураккаб структураси таркиб топа борди. Қабилавий уюшувдан давлатлар даражасидаги уюшувлар, миллат

даражасидаги бирлашувлар таркиб топди. Ўтроқ турмуш тарзи кўчманчиликдан иборат ҳаётга барҳам берди. Одамлар ўз миллатига, давлатига, динига алоқадорлик, шунингдек ўз қизиқишлари, идеалларига мансублик асосида бирлаша бошладилар. Шу тариқа ижтимоий-маданий фаолиятнинг эволюцион жиҳатдан юқори босқичи шакллана бошлади. Ижтимоий-маданий фаолият ўз шаклланиш тарихида қуйидаги босқичларни босиб ўтди:

1. Зардўштийлик даврида оловга, қуёшга нурга сифиниш орқали одамларни эзгулик, иссиқлик, нур атрофида бирлаштиришга интилинган. Бунинг учун одамларни яхшилик эзгулик худоси Митра образи орқали бирлаштиришга интилиш ҳаракати амал қилган;

2. Ислом динини ёйиш учун аҳолини оммавий тарзда қўрқув омили орқали итоатга ундалган. Бу даврда одамларни гуруҳий маърифатга чорлаш ҳаракати бўлган. Шу тариқа:

а) илк маърифий-маиший муассасаларнинг ташкил этилган (ҳонақоҳлар);

б) ҳордиқий муассасалар шаклланиб, ривожланган (чойхоналар, гузарлар; мусофирхоналар);

в) тижорат билан уйғунлашган муассасалар фаолият юритган (карвонсаройлар, работлар);

г) диний-маърифий муассасалар очилган (масчитлар);

д) олий диний ва дунёвий муассасалар ривож топган (мадрасалар).

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг юқори босқичи одамларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, қўшимча касблар, ҳунарларни ўрганиш, қизиқишлар асосидаги клублар, тўгаракларда фаолият юритиш сингари машғулликлар тарзида амал қила бошлади.

Шунингдек, ижтимоий-маданий фаолият турмуш тарзини безаш, анъана ва урф-одатларни ўтказиш, диний маросимларни, табиат ва расмий байрамларни нишонлаш шаклида ҳам намоён бўла борди. Шу тариқа ижтимоий-маданий фаолиятнинг одамлар ҳаётида мустақкам жойлашганлигининг асосий омиллари ойдинлашди. Уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Табиат кучларидан қўрқув асосидаги уюшув эҳтиёжи;

2. Уюшувнинг доимийлигини таъминлаш учун интилиш, яъни, гуруҳ қабила, уруғ лидерлари томонидан муайян диний маросимларни сўзсиз бажарилишининг талаб этилганлиги;

3. Бошқа қабила, уруғлар таҳдидидан ҳимояланишдан иборат ижтимоий эҳтиёж;

4. Қабила, уруғ доирасида амал қилиб келаётган ҳаёт тарзини, унинг давомийлигини таъминлаш мақсадида турли ҳунарлар (ов қилиш, жанг қилиш, экин экиш ва ҳ.к.)ни ёш авлодга ўргатиб бориш зарурати;

5. Наслни давом эттириш заруратидан келиб чиқувчи ижтимоий эҳтиёж ҳамда тескари жинсдан роҳат қилиш иштиёқи;
6. Бўш вақтни қизиқарли ўтказиш хоҳишидан иборат маданий эҳтиёж;
7. Одамларни фавқулодда вазиятларда ялпи сафарбар қила олишга эришиш зарурати;
8. Одамларни ўзаро аҳиллиги, тотув турмуш тарзини таъминлаш учун уларни бирор бир машғулоти тури билан банд этиб туришдан иборат ижтимоий эҳтиёж;
9. Санъат турларидан завқ олиш, гўзалликка интилиш, нафис нарсаларни яратишдан иборат маънавий эҳтиёж;
10. Ёшларни мақсадли тарбиялаш учун муайян иделларга йўналтирувчи соғлом рақобат руҳини яратишдан иборат жамият эҳтиёжи;
11. Ёшларни кенг дунёқараш ва чуқур билимли қилиб ҳаётга тайёрлаш учун уларга қўшимча билим ва ҳунарлар бериш зарурати;
12. Жамиятдаги анъана, маросим, байрам, урф-одатларнинг ўтказилишини маълум тартиботлар асосида мувофиқлаштириб боришдан иборат ижтимоий эҳтиёжлар шулар жумласидандир.

Ижтимоий – маданий фаолият шу омиллар асосида ўзининг асосий функцияларига эга бўлди. Бу функция, яъни вазифалар қуйидагилардир:

- узлуксизлик;
- давомийлик;
- фойдалилик;
- меъёрийлик;
- хавфсизлик;
- гўзалликка ошуфталик;
- маънавий ўзликни сақлаб турувчилик;
- шахсни ва жамоани ривожлантирувчилик;
- эстетик савия, дидни тарбияловчилик;
- таълим, санъат, фан, ишлаб чиқариш ва бошқа турли хизмат соҳалари олдидаги фаолиятлар ҳамда вазифаларни ихтиёрий тарзда жамоавий ёки индивидуал шаклларда ривожлантирувчилик.

Шўролар даврида ижтимоий – маданий фаолият функциялари муайян даражада ўзгартирилиб, коммунистик мафкурага тўла мослаштирилди. Унинг номи маданий – оқартув иши деб атала бошланди. Маданий – оқартув иши таркибига кутубхоналар, клублар, музейлар, маданият ва истироҳат боғлари киритилди. Халқнинг минг йиллар мобайнидаги анъанавий ижтимоий – маданий муассасалари бўлган чойхоналар, гузарлар, боғлар, нодавлат ташкилотлар, диний муассасалар, шунингдек, миллий ва ижтимоий уюшганлик шакллари бўлган одамларнинг кўнгилли уюшмалари, тўйлар, маросим ва анъаналар, урф – одатлар бу таркибдан четда қолди. Бир макон ва замон муҳотида халқ турмуш тарзи ўзгача, советларнинг маданий-оқартув иши ўзгача тарзда амал қила бошлади. Маданий-оқартув ишида оммавийлик тамойили ишламади. Шунингдек бу фаолият одамларнинг миллий руҳига бегона иш ва машғулоти тарзида амал қилиб келди. Шунга қарамай шўроларнинг клуб ва кутубхона муассасалари партия қарорлари ҳамда мустабид ҳокимият йўриқномаларини аҳолининг энг қуйи бўғинларигача

етказиш оммани сиёсий-мафкуравий таъсир доирасида мустаҳкам ушлаб туришда муайян роль ўйнайди.

Биргина мисол: 3-5 минг кишилиқ ҳудудда фаолият юритувчи қишлоқ клубида агар 5-7 ҳаваскорлик тўғарақлари фаолият юритса бу клуб “яхши баҳоланар агар 1-2 тўғарақи бўлса бу клубнинг иши қониқарсиз деб топилар эди. Клублар бир йилда 3та шўро байрамларини ҳамда 3-4 тўғарақда қатнашувчи 20-25 киши билан машғулотлар ўтказиб турувчи жой эди холос. Кутубхоналар эса шўроларнинг сиёсий руҳдаги китоб ва газеталари шўролар ҳаётини бадиий ифода этувчи 3-5минг китоб фондига эга бўлган муассасалар эди. Шўролар даври маданий-оқартув иши мазмуни қўйидагилардан иборат эди:

1. Аҳоли дунёқарашининг узлуксиз бошқариб туриш ;
2. Рухсат этилган ҳаваскорлик тўғарақларига аҳолини жалб этиш;
3. Ҳукмрон коммунистик партия ғояларини тарғиб этиш;

Шундай қилиб, шуролар даврига хос бўлган хусусиятлар қўйидагилардан иборат эди:

- Барча соҳаларда яққа ҳукмронлик қилиш мавжуд эди.
- Тадбиркорлик, тижорат ишлари сиқувга олинган эди.
- Ижтимоий ҳаётда диннинг роли паст эди.
- Жамоат ташкилотларининг фаолияти суст эди.
- Халқаро ҳамжамиятлар билан алоқа деярли йўқ эди.
- Миллий маданий-маънавий меросга ҳурмат сунъий пасайтирилган эди.
- Одамлар дунёда нима бўлаётганини билмас эдилар.
- Аёллар ижтимоий ҳаётда кам иштирок этар эдилар.
- Ёшлар жамиятда хал қилувчи куч эмас эдилар.

Бугунги кунда ижтимоий-маданий фаолият ходими:

1. Одамларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжлари асосидаги таклифларни шакллантирувчилик;
2. Аҳолини турли ижтимоий жамоларга уюштирувчилик;
3. Аҳоли дунёқарашини мақсадли бойитувчилик;
4. Аҳоли истеъдодларини аниқловчилик ва тарбияловчилик;
5. Миллий кадриятларини тиклашга хизмат қилувчилик мақомларига эга бўлди.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг ижтимоий-маданий фаолият тубдан ўзгарди. Бу соҳада туб таркибий ўзгаришлар тадрижий тарзда амалга оширилмоқда. Мазкур ўзгаришлар натижасида ижтимоий – маданий фаолиятнинг асосий иш функциялари таркиб топтирилди. Улар қўйидагилар:

1. Ўзбекистонни мустақил ривожланишини таъминловчи беш асосий тамойилнинг ҳаётдан мустаҳкам ўрин олишига кўмаклашиш;
2. Аҳоли турли қатламларида мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар жараёнига бевосита дахлдорликни шакллантириш;
3. Ҳеч кимдан кам бўлмаган шахс, жамият ва давлатни шакллантиришга фаол кўмаклашиш;

4. Жамиятда ҳушёрлик сезгирлик огоҳликни таъминлашда аҳолини фаол қатнаштириш ;
5. Одамларни шўролар давридаги каби ноилож эмас, балки, дилдан хоҳлаб яқдил бирлашувига хизмат қилиш;
6. Аҳолини бунёдкорлик фаолиятларига йўналтириш;
7. Аҳолини маданият, санъат, техника, ҳунармандчилик ва спорт машғулотлари, клублари, тўғаракларига тўлиқ қамров тамойили асосида кенг жалб этилишига эришиш ;
8. Одамларда миллий анъаналар, урф-одатлар, қадимий байрамларимизга эҳтиром фазилатини таркиб топтириш орқали миллий ўзликни англашга қўмаклашиш;
9. Аҳоли турли табақалари вакилларида истиқлол рамзлари, байрамлари, идеалларига садоқат, фидоийлик фазилатларини шакллантиришга хизмат қилиш ;
10. Одамларда бадиий эстетик диднинг юқори даражада шаклланишига хизмат қилиш ;
11. Аҳолида оила муқаддаслиги қадриятининг мустаҳкамланишига фаол хизмат қилиш ;
13. “Мақтаб-оила-маҳалла” ҳамкорлигини таъминлаш орқали ижтимоий – маданий фаолиятни ривожлантиришга эришиш;
12. Турли ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар, партиялар, миллий – маданий марказлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш;
13. “Замонамиз қаҳрамони” образини ҳудуддаги реал шахслар тимсолида яратиш орқали ибрат омилини кенг тарғиб этиш;
14. Ҳар бир инсонга хос бўлган истеъдодни аниқлаш йўлида доимий фаолият олиб бориш ва уларнинг ҳудудий интеллектуал салоҳият харитасини ишлаб чиқиш ;
15. Жамиятдаги ижобий ўзгаришларни реклама қилиш орқали ёшларда фаол бунёдкорлик фазилатларини шакллантириш;
16. Ҳудуднинг ижтимоий-маданий ривожланиш имкониятлари бўйича асосланган амалий прогнозлар яратиш ишларини олиб бориш;
17. Истиқлол йилларида шу тариқа ижтимоий-маданий фаолият мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг узвий бўғинига айланди.

Бугунги кунда ижтимоий-маданий фаолият касбининг соҳибни қуйидаги соҳаларда ишлашлари мумкин:

1. Маданият вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда; (маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, клублар, музейлар, парклар)
2. Турли ижтимоий ҳаракатлар, партиялар, нодавлат ташкилотларда, қўшма корхоналарда;
3. Ижтимоий ва тижорат реклама муассасаларида;
4. Маҳаллий ҳокимият тузилмаларида, маҳалла бўғинларида;
5. Оммавий ахборот воситаларида, радио ва телевидениеда;
6. Социологик марказлар, илмий-тадқиқот институтларида;
7. Миллий-маданий марказларда;
8. Концерт ташкилотларида; (санъат менежери продюссер)

9. Миллий-маданий меросни сақлаш ва уни тарғиб этувчи муассасаларда;
10. Педагогик фаолиятларни ташкил этишда;  
Ижтимоий-маданий фаолият ходимининг касбий жиҳатдан тайёрланганлик даражасини аниқловчи мезонлар қуйидагилардир:
  1. Аҳоли маънавий ва маданий эҳтиёжларини аниқ белгилай олиш малакасига эгаллик; (0-5 балл)
  2. Аҳолини истиқболдаги маданий эҳтиёжларини, маънавий эстетик таклифларини шакллантира олиш салоҳиятига эгаллик; (0-7 балл)
  3. Аҳолининг ёш, жинс, моддий ҳолати ва ижтимоий мақоми асосида турли фаолиятларни ташкил этиш бўйича асосли таклифлар тайёрлай олиш малакасига эгаллик (1-5 балл)
  4. Турли маданий тадбирларни ўтказиш бўйича сценарийлар ёза олиш малакасига эгаллик; (1-5 балл)
  5. Маданият муассасалари имкониятлари доирасида тадбиркорлик ишларини амалга ошириш бўйича ўз лойиҳаларини асослаб бера олиш; (0-7 балл)
  6. Худуддаги мавжуд иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни, меҳнатга бўлган аҳоли эҳтиёжларини, касбларнинг ривожланиш имкониятларини ўрганиб, шулар бўйича мантиқли маълумотномалар тайёрлай олиш малакасига эгаллик; (0-7 балл)
  7. Худуддаги ижтимоий-маданий муҳитни ўрганиш бўйича социологик тадқиқот инструментарийларини тайёрлай олиш малакасига эгаллик; (0-7 балл)
  8. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг барча соҳалари бўйича иш ҳужжатларини тайёрлай олиш малакасига эгаллик; (0-5 балл)
  9. Аҳоли турли табақалари орасидаги истеъдодлар ҳақида муфассал маълумотномалар тайёрлаш ва улар бўйича тегишли тугараклар, уюшмалар, клублар ташкил этиш таклифларини шакллантириш малакасига эгаллик; (0-7 балл)
  10. Худудда огоҳлик, сезгирлик, хушёрликни таъминлаш бўйича маълумотномалар тайёрлай олиш; (0-5 балл)
  11. Худудда “мактаб-оила-маҳалла” ҳамкорлигини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлай олиш; (0-7 балл)
  12. Худуддаги миллий-маънавий меросга эъзозли муносабатни шакллантириш бўйича асосли таклифлар тайёрлай олиш; (0-5 балл)
  13. Худудда “замонамиз қаҳрамонлари” мақомига муносиб инсонларни ёшларни тарбиялашда ибрат омили тарзида фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлай олиш; (0-5 балл)
  14. Жамиятдаги ва худуддаги ижобий ўзгаришларни тарғиб эга олиш бўйича таклифлар тайёрлай олиш; (0-5 балл)
  15. Аҳолини бўш вақтда турли қўшимча фаолиятлар билан тулик камров тамойили асосида машғул эта олиш бўйича ўз таклифларини тайёрлай олиш; (0-7 балл)
  16. Одамларни миллий анъаналар, урф-одатлар доирасида бирлаштира олиш малакасига эгаллик; (0-7 балл)
  17. Одамларнинг дунёқарашини бойитиб бориш бўйича асосли таклифлар тайёрлай олиш; (0-5 балл)

Ижтимоий-маданий фаолият ходими юқоридаги мезонларнинг 33 баллидан юқори натижа олган бўлса, “фаолият юрита олиши мумкин”, 55 баллдан юқори натижага эришса, “фаолиятни бемалол уддалай олади”, агар 76 баллдан юқори натижага эришса, “фаолиятни ривожлантира олади”, деган мақомларга эришади, деб ҳисоблаймиз.

Хуллас, ижтимоий-маданий фаолият касбининг имконият доираси кенг бўлиб, бозор муносабатларининг талаб ва таклиф тамойили талаблари асосида эркин фаолиятларни йўлга қўйишга йўналтирилгандир.

### **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. “Эволюция” атамасига таъриф беринг.
2. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг шаклланиш босқичларини асослаб беринг.
3. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг собиқ шўролар давридаги ҳолатини изоҳланг.
4. Ижтимоий-маданий фаолият ходимининг касбий йўналишлари.
5. Қизиқишларни тарбиялаш методикасини асосланг.
6. Бадиий ҳаваскорлик ижодиётига бўлган эҳтиёжлар таснифини шакллантиринг.
7. Ижтимоий-маданий фаолият ходими фаолият юритувчи соҳалар қайсилар.
8. Ижтимоий-маданий фаолият ходимининг касб малака даражаларини аниқловчи мезонларни изоҳланг.
9. Ижтимоий-маданий фаолият эволюциясига доир битта кейс тайёрланг.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Эволюция, ижтимоий-маданий эҳтиёжлар, диний-маърифий муассасалар, урф-одатлар, маданий-оқартув иши.*

### **1.2. Ижтимоий маданий фаолиятнинг мазмуни, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ва назарий асослари.**

Ижтимоий-маданий фаолият назариясини узлаштиришда уларнинг моҳияти ва ижтимоий-маданий ҳаётда тутган урнини билиш муҳим булганидек, уларнинг тамойиллари, ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларини илмий асосда урганиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик республикамиз ижтимоий-маданий муассасалари зиммасига буш вақт шароитида ижтимоий-маданий фаолиятнинг моҳиятини ифодаладиган ва унинг йўналиши, мазмуни ҳамда шаклларини белгиладиган энг умумий қоидаларни – ижтимоий-маданий фаолият



тамойилларини шакллантириш имконини ҳам берди.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг узига хос тамойиллари уларни ташкил қилишда йул-йуриқлар курсатадиган асосий манба ҳисобланиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

- ҳаётийлик;
- оммавийлик;
- ихтиёрийлик;
- илмийлик.

Ҳаёт билан, мустақил давлатимизни ривожлантириш амалиёти билан ҳамоҳанглик, бунинг учун кишилар олдида турган вазифаларнинг моҳиятини тушунтириш, уларни мустақилликни мустаҳкамлаш ва келажаги буюк давлат яратишдаги тарихий ролини англаш руҳида тарбиялаш Ижтимоий-маданий фаолиятнинг ҳаётийлигидан дарак беради.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг ҳаётийлик тамойили аниқлик ва мақсадга йўналтирилганлик хусусиятларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бу шунинг англатадики, маданият муассасасидаги ҳар бир тадбир муайян хусусиятга эга бўлиши ва мустақиллик даври талаблари билан боғлиқ ҳолда аниқ ифодаланган мақсадга эга бўлиш керак. Шунингдек, у ўзининг бутун табиати ва мазмуни билан ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришни рағбатлантиради, инсонга ўз қобилияти ва талантини намоён қилиш, ривожлантириш учун кенг имконият беради, инсон ҳаётига ранг-баранглик киритади. Табиат билан мулоқотда бўлишига ёрдамлашади.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг оммавийлик тамойили бир қатор ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли вазифаларни бажаради, яъни омманинг ижтимоий-маданий ижодиётини ҳамда ижтимоий фаоллигини ривожлантиради, оммавий мулоқотда бўлишни ташкил этади ва шулар асосида жамоатчилик фикрини шакллантиради. Шахсга таъсир этиш нуқтаи назаридан оммавийлик тамойилининг ўзига хос тамойили шундан иборатки, ҳар бир киши ижтимоий-маданий тадбирларда фақат томошабин ёки кузатувчи сифатида эмас, балки руй бераётган ходисаларнинг фаол

қатнашчиси, ўз қарашларини исбот қилувчи шахс сифатида иштирок этиши мумкин. Шу билан бирга оммавийлик тамойили инсонга ижтимоий жихатдан ўз-ўзини намоён қилиш имконини ҳам яратади.

Ижтимоий-маданий муассасаси инсонни ихтиёрий асосларда, унга доимий ҳурмат ва ишонч руҳида ижтимоий-ижодий фаолиятга тортади. Ижтимоий-маданий фаолият ҳамма вақт тўла ихтиёрийлик тамойиллари асосида курилади. Агар меҳнат жамоаларида инсоннинг фаолияти баъзан соф моддий сабабларга кура белгиланса, ижтимоий-маданий фаолиятда, биринчи навбатда, фаолиятнинг мазмунига қизиқиш асосида намоён бўлади. Бошқача айтганда, ижтимоий-маданий муассаса жамоаси шахснинг маънавий-ижодий қобилиятини намоён қилиш ва ривожлантириш учун эркинлик беради. Бу тамойилнинг ахамияти ижтимоий-маданий муассасасига катнашишнинг ихтиёрийлиги, у ёки бу ижтимоий-маданий уюшмаларида иштирок этишни тан олиш билан чекланиб қолмайди. Ихтиёрийлик ижтимоий-маданий муассасалари томонидан таклиф қилинадиган куплаб фаолият турларидан бирини эркин танлаб олиш имкониятини акс эттиради ва шахснинг буш вақт шароитида уз ижтимоий-маданий фаолиятининг мазмунини узи томонидан белгилаб олишини ифодалайди.

Ҳозирги замон ижтимоий-маданий ишлари куламининг муттасил ошиб бориши ва мураккаблашуви ундан турли сохаларнинг узаро алоқасини, илмий асосда марказлашган, режали бошқарувни талаб этади. Илмийлик тамойили ижтимоий-маданий фаолиятнинг кузга курунган тамойилларидан бири ҳисобланади. У ижтимоий-маданий фаолиятда тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни, шакли ва услубларини куллашни, бир-бирига яқин фанлар – педагогика, психология, санъатшунослик, эстетика, иқтисодиёт ва бошқарув назариясининг ютуқларидан фойдаланишни талаб этади.

Илмийлик тамойили бир катор белгиларда намоён булади. Улар орасида объективлик белгисига биринчи уринни ажратиш мумкин. Ижтимоий-маданий ишлари тарбиявий таъсир курсатиш керак булган объектнинг хақиқий ҳолати ва бундай таъсир курсатишнинг реал

имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, умуман жамият ва алоҳида шахс ривожланишининг объектив қонуниятларини билиб олиш ва улардан оқилона фойдаланиш асосида қурилиши лозим ва шундай бўлиши керак.

Илмийлик воқеалар, фактлар ва уларнинг моҳиятини очишни, ижтимоий ҳаётнинг реал манзарасини ва унинг ривожланиш жараёнларини, ижтимоий тараққиётнинг боришини белгилаб берадиган кучларни аниқлаш имконини беради. Воқеликни қабул қилишнинг тасодифий таъсирларининг олдини олиш ва бизни ўраб турган дунё ҳақида чинакам илмий тасаввурни пайдо қилиш ижтимоий-маданий фаолиятнинг муҳим вазифаси ҳисобланиб, илмийлик тамойили шахс дунёқарашини шаклланишини кучайтиришга катта ҳисса қўшади.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг тамойиллари бир-биридан алоҳида ҳолда мавжуд бўлмайди, улар яхлит тизимни ташкил этади ва уларнинг ҳар бири буш вақт шароитида омманинг ижтимоий-маданий фаолиятида ягона жараённинг ажралмас қисмини ифодалайди. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг тамойиллари ижтимоий-маданий фаолиятнинг мавжуд қонуниятларини акс эттиради ва барчаси биргалиқда ижтимоий-маданий ишларнинг характери, мазмуни ва шакллари белгилайди. Бу тамойиллардан бирининг бўлмаслиги умумий бир бутунликнинг бузулишига олиб келади.

Ижтимоий-маданий фаолият аҳолининг дам олишини ташкил қилиш, оммага ахборот ва билим бериш, оммани хаваскорлик ижодиётига жалб қилиш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Демак, маданий-оммавий тадбирларни тайёрлашда ижтимоий-маданий фаолиятнинг ўзига хос ташкилий хусусиятларига мурожаат этиш муҳим урин тутади. Чунки ҳар хил ижтимоий-маданий фаолият шаклини ташкил қилишда бу вазифалардан бирдек фойдаланила бермайди. Баъзи шаклларда кўпроқ ахборот берилади, баъзилари, асосан, дам олиш учун хизмат қилади, бошқалари кўпроқ маданий-ижодий жараёнга қатнаштиришга ёрдам беради.

Ижтимоий-маданий фаолиятни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятини билиш шу соҳага оид билимларни конкретлаштиради, уларни эгаллашга аниқлик киритади тадбирлар моҳияти ва хусусиятини тўлароқ ёритиб беришга ёрдам беради.

Ижтимоий-маданий фаолиятдаги тадбирларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири у бир марта ташкил қилиниб, асосан, бир марта намойиш қилинади. Агар спектакллар, кинофильмлар тайёрланганидан сунг юзлаб марта намойиш қилинса, ижтимоий-маданий муассасалардаги тадбирлар, асосан, такроран қуйилмайди. Ижтимоий-маданий фаолият тадбирларининг деярли ҳаммаси худди шу хусусиятга эга. Факат бадиий тарғибот-ташвиқот жамоалари, баъзи мавзули концерт дастурлари бир марта тайёрланиб, ҳар хил жойларда бир неча марта намойиш этилиши мумкин. Улар маълум вақт мобайнида (масалан, маълум мавсумда, иш жараёнида, яъни пахта, ғалла йиғим-теримида...) бир неча марта намойиш қилиниши мумкин. Лекин маълум муддатдан сўнг, албатта бошқа янги дастур тузишга тайёргарлик кўрилади.

Агар театрда қўйилган пьесани яна бир неча йилдан кейин қайтадан саҳналаштириш мумкин бўлса, ижтимоий-маданий муассаса тадбирларида бу ҳолат такрорланмайди. Бирор тадбир сценарийси схемасини иккинчисига қўллаш мумкин эмас. Ҳар қандай янги сценарий янги тузилишни, янги меҳнатни талаб қилади.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг яна бир хусусияти улар, асосан, маҳаллий аҳоли учун, уларнинг реал ҳаётидан олинган материаллар асосида тузилади. Тадбирларнинг бош қаҳрамони сифатида муайян жойда меҳнат қилиб, маҳаллий аҳоли орасида намуна бўлаётган кишилар намоён бўлади. Масалан, «Хотира ва кадрлаш куни»га бағишланган байрамни олайлик. Бунда маҳаллий жойда яшайдиган уруш катнашчилари, меҳнат фахрийларининг кўрсатган жасоратларига асосий урғу берилиши керак. Уруш қаҳрамонларининг ўз сўзларини эшитиш тадбирни жонлантиради ва таъсирчанлигини оширади.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг навбатдаги хусусияти шундан иборатки, уларда жуда кенг кўламда таъсирчан воситалар бирлаштирилади.

Тадбирлар реал ҳаётнинг ўзини ташкил қилиши билан бирга, ундаги муҳим воқеаларни ўз мазмунига сингдиради. Уларнинг моҳиятини очиш ва аҳамиятини ёритиш учун таъсирчан воситаларга мурожаат қилинади. Тадбирда мазмун маълум бир композицион тузилиш ҳолатига келиши учун ундаги барча баён қилиш ва таъсирчан воситалар ҳам бир-бирлари билан бирлаштирилади, уйғунлаштирилади. Акс ҳолда тадбирнинг мазмуни пуч, шакли эса самарасиз бўлиб қолиши мумкин.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг навбатдаги, яъни туртинчи хусусияти бу оммани тадбир катнашчисига айлантиришдир.

Ижтимоий-маданий муассасаларида уюштирилладиган тадбирларни оммавий деб аташнинг боиси шундаки, у омма учун уюштирилади ва омманинг иштирокида утади. Агар театр, кино ҳамда телевизорда асар катнашчилари ва томошабинлар уртасида кўринмас «девор» мавжуд бўлиб, омма фақат томошабин ролини бажарадиган бўлса, ижтимоий-маданий муассаса тадбирларда эса омманинг актив иштироки кузда тутилади.

Албатта, тадбирларда ҳаммани бирдай фаол катнаштириш кийин. Унинг асосий катнашчилари олдиндан белгилаб қуйилган бадий ҳаваскорлик жамоаларининг аъзолари ҳамда сузга чиқадиган кишилардир. Лекин тадбир ташкилотчиси бу асосий катнашчилар билан кифояланиб қолмасдан, балки оммани ҳам фаоллаштириш, тадбир иштирокчисига айлантириш йулларидан фойдаланмоғи лозим. Бунинг учун тадбир иштирокчилари ўртасида оммавий ўйинлар, кўшиқлар, савол-жавоблар каби махсус тадбирлар уюштириш мақсадга мувофиқ. Чунки санъат-одамни томошабин ёки тингловчи бўлиб қолганда эмас, балки у оммавий тадбирларда фаол иштирок этганда ўзига ҳаммадан кўпроқ қамраб олади.

### **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
2. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий вазифаларини айтиб беринг.
3. Ижтимоий-маданий фаолият тадбирларининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
4. Оммани тадбир катнашчисига айлантириш учун ижтимоий-маданий фаолият ходими қандай сифатларга эга бўлиши даркор?

## Таянч сўз ва иборалар

*Ҳаётийлик, оммавийлик, ихтиёрийлик, илмийлик, маданий-оммавий тадбирлар, дам олиш тадбирлари, оммавий ўйинлар, қўшиқлар, савол-жавоб кечалари.*

**2-мавзу: Ижтимоий-маданий фаолият объектлари: ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий жамғармалар фаолияти. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг замонавий тенденциялари.**

2.1. Ижтимоий маданий фаолият объектлари: ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий жамғармалар фаолияти.

2.2. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг замонавий тенденциялари.

**2.1. Ижтимоий-маданий фаолият объектлари: ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий жамғармалар фаолияти.**

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш босқичида давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий-маданий фаолиятини янада такамиллаштириш ғоят муҳим амалий аҳамиятга молик бўлиб, уни мустақил ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган улуғвор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар асосида амалга оширилиши лозим. Зеро, «Миллий давлатчилигимизни қайта тиклашда кўп асрлик беқиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг яна қад ростлашида сезиларли қадамлар қўйилди. Миллий ғуруримиз, орийтимиз тикланмоқда, қалбимизда асл ватанпарварлик туйғулари уйғонмоқда»-.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий тикланиш жараёни, халқнинг маданий ҳаётида кечаётган ислохот режаларини амалга оширишда, жамоат ташкилотларининг фаол иштироки зарурлигини талаб этмоқда. «Биз, - деб таъкидлаган эдилар Президентимиз И.А.Каримов, - фуқаролик жамиятини қуришга интилоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада

ривожлантириш демакдир»-.

Миллий мустақиллигимиз дадил одимлаётган ҳозирги даврда давлат, иқтисодиёт, маданият ва ижтимоий онгининг барча бўғинлари орасидаги ўзаро алоқадорлик ва узвий боғлиқликнинг амалий ахамиятини эътиборга олиб, Ижтимоий-маданий фаолиятни кўтаришга катта эътибор берилмоқда.

Зеро, мамлакатимиз олдида турган долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли каттадир. Айниқса, маҳалла муҳим ижтимоий бўғин ҳисобланади. Шу боис маҳаллалар фаолиятини ҳар жихатдан қўллаб - қувватлаш, уларнинг моддий таъминотини мустаҳкамлашга давлатимиз алоҳида эътибор бермоқда. Мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг таянчи саналган маҳалланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақида Президентимиз И.А.Каримов шундай ёзди: «Жамоатчилик ғоялари, жамоа манфаатларининг бирлиги, кўпчилик фикрининг устунлигига асосланиш – жамиятимизнинг муҳим хусусиятидир. Шу боис жамиятни демократиялаш тизимида, унинг асосий қоидаларини, энг аввало ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришда маҳалланинг роли ғоят каттадир. Ҳозирги вақтда оилаларнинг ҳақиқий моддий аҳолини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишлари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган бошқа тизим йўқ. Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб - қувватлаш механизми бўлиб қолди. У жамиятимизда ислохотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланиши даркор»-.

Жамоат ташкилотларининг миллий мустақиллик шароитида Ижтимоий-маданий фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятларининг асосий мақсади ва вазифалари Президентимиз асарларида-

---

Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқолининг асосий тамойиллари. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 11-бет.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 400-бет.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1996;

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1996;

Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли Тошкент: Ўзбекистон, 1996;

мукаммал баён этилган бўлиб, бу фикрлар давлат ва миллат келажагини белгиловчи илғор ғояларни ўзида мужассамлаштирган.

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг ривожланишида жамоат ташкилотларининг роли масаласи кўпгина ўзбек олиимлари томонидан фалсафа, социология, педагогика ва маданиятшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг Ижтимоий-маданий фаолиятлари бевосита аҳоли маънавий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлиб, турли-туман шаклда воқе бўлиши билан характерланади. Ижтимоий-маданий фаолият қўйидаги умумий жihatлари билан ажралиб туради:

а) у фақатгина устун ривожланган маданий фаолиятга бориб тақалиши мумкин эмас;

б) фаолият мазмуни ва натижалари маданий фаолиятнинг етакчи тамойили хисобланади;

в) маданий қадриятлар яратиш ва оммалаштириш ижодий жараён бўлиб, унда сустгарчиликка йўл қўйилмайди. Ижтимоий-маданий фаолият ўз табиатига кўра коммуникатив фаолият хисобланади.

Ижтимоий-маданий фаолият – бу жамоа миқёсидаги ижодий жараён сифатида намоён бўлади. Қишлоқлардаги жамоат ташкилотлари эса шахсни маданий фаолиятга жалб этишга йўналтирувчи Ижтимоий-маданий фаолиятга нисбатан бундай ёндашувнинг асосий хусусияти шундаки, маданий фаолиятда субъект сифатида жамоат фаолиятининг намоёндаси хисобланувчи алоҳида шахс эмас, балки жамоа, бирлашма, маданий уюшма ёки кнег халқ оммаси ўртасида маънавий фаолият олиб борувчи жамоат ташкилотлари белгиланади. Айти пайтда жамоат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги улар билан индивидуал ижодий фаолият бирлигига боғлиқлигини ҳам хисобга олиш зарур.



Қишлоқ маданияти турли шакл ва кўринишларга эга бўлади. Айрим тадқиқотчилар субъект-объект муносабатларини фаолият турларини гурухлаш учун қабул қилсалар, баъзи олимлар маданий қадриятларни яратиш, тақсимлаш ва оммалаштиришни таснифлайди. Улар белгилар миқдорига кўра фаолиятнинг махсулдор ва номахсул турларини ажратадилар. Гурухлаштириш мезони сифатида эса маданий қадриятларни тарғиб этиш воситалари нашриёт, радио, телевидение ёки маданий фаолиятни ташкил этувчи институтлар белгилаб олинади.

Ижтимоий-маданий фаолиятни ташкил этилишини шаклга кўра ҳам таснифлаш мумкин: жамоа ва индивидуал маданий фаолият. Маданий фаолият субъект хусусиятларига кўра индивид, гурух, уюшма, жамоа ташкилотлари фаолияти каби турларга бўлинади. Маданий фаолиятни амалга оширадиган гурухлар табиатига кўра у оилавий, хизматдошлар ва бошқа турларга бўлинади.

Ижтимоий-маданий фаолият турлари ҳамда уларни ташкил этиш шакллари таснифи хусусида тўхтлаганда таъкидлаш жоизки, маданий фаолиятнинг шахсий ва институт шаклларида ижодий салоҳият бир хил даражада амалга ошиши мумкин эмас. Ижодий режа мазмунига мувофиқ фаолиятнинг у ёки бу шакли белгилаб олинади. Жамиятда демократиялаш жараёни кечаётган ҳозирги босқичда маданий фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий (институтлар даражасида) ҳада шахсий шакллари кенг оммалашиб бормоқда.

Ижтимоий-маданий фаолият иштирок этувчи субъектлар табиатига кўра индивидуал, гурухли ва оммавий каби шаклларга ажратилади. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг ҳар бир турига муайян шакл мос келади. Ўқиш, амалий санъат асарлари билан танишиш санъат асарларини умумлаштиришнинг индивидуал шакли ҳисобланади. Бадиий ижрочилик, туризм ва хаваскорлик ижодий бирлашмалари бадиий қадриятларни оммалаштиришнинг гурухли шакли ҳисобланса, спектакллар, фильмлар,

концертлар томоша қилиш ва байрамларда иштирок этиш маданий фаолиятнинг юқорида баён қилиб ўтилган индивидуал, гуруҳли ва оммавий шакллари муайян маданий анъаналарнинг уйғунлигини назарда тутди.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг ижодий қобилиятини ривожлантириш, тарбиявий ишларни олиб бориш ва дам олишни ташкил этиш каби вазифаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. Чунки маданий фаолиятнинг мазкур йўналишлари қишлоқ маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ жамоат ташкилотлари педагогик тизим сифатида халққа энг яқин турувчи бўғин ҳисобланади. Улар фаолияти орқали аҳолининг маданий ва маънавий савияси ўсиб боради. Натижада аҳоли ўзинининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлсаларда, улар ўзаро алоқадорликда иш олиб бордилар. Уларнинг фаолиятидаги муштараклик мақсаднинг умумийлигида (ҳуқуқий демократик давлат қуришда иштирок этиш, қишлоқ маданиятини давлат қуришда иштирок этиш, қишлоқ маданиятини ривожлантириш), вазифа ва мазмуннинг муштараклигида намоён бўлади. Ҳар бир ташкилотнинг ўзига хос хусусияти эса тарбиянинг муайян шакли, услуб ва воситасини қўллашда кўзга ташланади. Қишлоқда аҳоли эстетик эҳтиёжини қондирувчи Ижтимоий-маданий фаолиятнинг турли-туман шаклларида, хусусан, радиоэшиттириш, телекўрсатув, кино, фан ва маданият арбоблари билан учрашув, суҳбат, маслаҳат ва бошқалардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ахборот манбалари тизимида рўзнома, радио ва телевидение асосий ўринни эгаллайди. Жамоат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар ахборот манбалари орасида олтинчи ўринни эгаллайди. Таъкидлаш лозимки, мазкур тадқиқотнинг дастлабки босқичи ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилиниши арафасида олиб борилди. Табиийки, кўп йиллик мафкуравий қулликда яшаган халқимиз маданий ҳаёти хам ўша даврда шўролар сиёсати исканжасида эди. Бундай инқирозли вазият

қишлоқ аҳолиси маданий фаолиятининг турлари ва манбаларига нисбатан бўлган муносабатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг диққат марказида, асосан моддий ишлаб чиқариш масалалари устивор аҳамият касб этгани холда қишлоқ маданиятини ривожлантириш муаммоларига (гарчи қишлоқ аҳолиси учун уларнинг зарурлиги таъкидлаб турилсада) кам аҳамият бериб келинганлигини кўрсатди. Қишлоқ меҳнаткашларининг эътироф этишларича, маданий фаолиятнинг, асосан халқ ижодиёти, профессионал ҳамда хаваскор жамоаларнинг чиқишини ташкил этиш каби турларига катта эътибор берилиб, шундан сўнггина ишлаб чиқариш ва техника тарғиботига аҳамият бериб келинган. Лекин қишлоқ аҳолиси маданий фаолиятнинг бошқа шакл ва услубларига нисбатан бефарқ эмас. Маданий фаолиятнинг мавзули кечалар, савол-жавоб кечалари, мутахассислар куни байрам, маросим каби шакллари ҳам самаралидир.

Жамоат ташкилотларининг Ижтимоий-маданий фаолиятлари муаммосига бағишланган назарий манбалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг маънавият ва маданиятни ривожлантириш борасидаги ҳужжатларини ўрганиш асосида олиб борилган тадқиқотлар давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий-маданий фаолиятни ривожлантириш борасида фаолиятларнинг услубий тизимини ишлаб чиқишда муҳим назарий аҳамият касб этди.

Қишлоқ маданиятини ривожлантириш мақсадида иш олиб борувчи жамоат ташкилотлари фаолиятининг услубий тизими маданий фаолият субъекти; маданий фаолиятнинг шакл ва турлари; маданий фаолият ижтимоий ташкилотларининг ўзаро алоқаси; маданий фаолиятни режалаштириш ҳамда дастурлаштириш предмети каби узвлардан таркиб топади.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг аҳоли маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ фаолиятлари тизими – бу қишлоқда маданиятнинг шаклланиши, сақланиши ва мустахкамланишига қаратилган тадбирлар мажмуасидир. Давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек,

аҳолининг маданиятини ривожлантиришдаги юқори ижтимоий фаоллигига эришиш мазкур тизимнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу вазифа ташкилий, ижтимоий ва иқтисодий тадбирлар мажмуасидан иборат жараён бўлиб, давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлари орқали амалга оширилади.

Тизим таркибига қуйидаги компонентлар киради:

1. Давлат ва жамоат ташкилотларининг қишлоқ маънавий маданиятини ривожлантириш борасидаги фаолиятлари.

2. Давлат ва жамоат ташкилотларининг моддий ўзгартирувчанлик ва ярнатувчанлик борасидаги маданий фаолиятлари.

Аҳоли маданиятини ривожлантиришнинг режалаштирилаётган даражасига эришиш бутун аҳоли ва ҳар бир шахс маданий савиясининг ўсиши билан бевосита боғлиқдир. Тизимни ишлаб чиқишда жамоат ташкилотларининг қишлоқда олиб бораётган маданий фаолиятларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш, қишлоқдаги моддий-маданий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари миқдорини аниқлаш ҳамда социологик тадқиқотлар олиб бориш назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда қишлоқ турмуш тарзини ривожлантиришга йўналтирилган маданий фаолият тизимини ишлаб чиқиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Жамият аъзоларининг маданий ривожланишга бўлган талаблари ва шахснинг маънавий комилликка бўлган эҳтиёжларини қондириш мазкур тизимнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу орқали маданий фаолият тизимида жамоат ташкилотлари фаолиятларининг самарадорлигини ошириш, моддий маданият ёдгорликлари захирасини бойитиш, маданият ходимлари ва муассасаларини ташкил этиш мумкин бўлади. Тизимнинг мақсади жамоат ташкилотлари, алоҳида шахс ва бутун қишлоқ аҳолисининг маданий фаолиятини оширишдан иборатдир. Жамоат ташкилотлари маданий фаолиятларининг мазкур тизимдаги предмети маданий кадриятлар, яъни маънавий бойликларни бунёд этиш ва

Ўзлаштириш, сақлаш ва тарғиб этишни ўз ичига олади.

Бозор муносабатларига ўтиш босқичи аҳоли маданиятининг ривожланишини режалаштиришда, дастурлаш ҳамда янгича ёндашувни жорий қилишни талаб этади. Чунки бусиз ижтимоий ва маданий жараёнларни бошқариш мумкин эмас.

Жамоат ташкилотларининг қишлоқ маданиятини ривожлантиришдаги иштироки тизимини ишлаб чиқиш тажрибаси қуйидагиларга асосланади:

а) Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилиниши арафасида қишлоқда маданий фаолиятнинг мавжуд ҳолати;

б) Мустақил Ўзбекистоннинг янги шароитда юзага келган маданий фаолият имкониятлари;

в) Қишлоқ аҳолисининг маданий-маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг янги усул ва захиралари мавжудлиги.

Давлат ва жамоат ташкилотлари Ижтимоий-маданий фаолиятларини ташкил этиш учун унинг тизимий меъёрлари аниқланди:

1) қишлоқ аҳолисининг у ёки бу маданий тадбирларга жалб этилганлиги;

2) у ёки бу турга мансуб маданий фаолиятнинг изчиллиги;

3) бўш вақтни кўнгиллиўтказишнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлар.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг маданий фаолиятлари мазмуни ҳар бир киши ўзининг бўш вақтида тадбир ва машғулотларнинг муайян бир турини танлаши учун кенг имкониятлар яратади. У шахс ривожда бир хиллик ва меъёрийликни назарда тутмайди. Фақатгина муайян тадбирни танлаш эркинлиги шахс маънавиятининг изчил ривожланишини белгилаб беради. Давлат ва жамоат ташкилотларининг маданий фаолиятлари ўз мазмунига кўра аҳолининг умумий маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, қуйидагиларни ҳисобга олади:

а) умумий маданий эҳтиёжларнинг ривожланиш истиқболлари;

б) аҳолининг маданият соҳасидаги ижодий фаолиятлари учун етарли шароит яратиш.

Давлат ва жамоат ташкилотлари Ижтимоий-маданий фаолиятларининг турларини яхлитлаштирган ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Фаолият вақти ва шаклини шахснинг ўзи танлайдиган маданий фаолиятнинг уй тури.

2. Клуб, кутубхона, музей, кўрғазма ва бошқа Ижтимоий-маданий муассасаларда амалга ошириладиган уйдан ташқаридаги фаолият тури.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган фаолиятлари унинг самарадорлигини мунтазам равишда оширишни назарда тутиб, ҳаморликда ишлашга қаратилган.

Бугунги кунда Республикамизда давлат ва жамоат ташкилотлари таркиби шаклланиб, фаолият кўрсатмоқда. Унинг асосий турлари:

- жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари, партиялар, ижодий уюшмалар, жамғармалар ва бошқалар);

- халқ хаваскорлик жамоалари, маҳалла қўмиталари ва б.

давлат ва жамоат ташкилотларининг Ижтимоий-маданий ишларини ривожлантириш борасидаги маданий фаолиятлари тизими мазмунини ишлаб чиқишда қуйидаги омиллар асос қилиб олинади:

а) Республикамизда аҳоли барча қатламларини маънавият ва маданиятни ривожлантиришга кенг жалб этиш; демократия жараёнларини жадаллаштириш, турғунлик даври қолдиқларини бартараф этиш; миллий маданиятни, маънавий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш ишлари олиб борилаётганлиги, Ватанга содиқлик, эл-юртга мухаббат, юксак маънавийлик сифатларини шакллантирган ўз харакати ва қарорларига жавоб бера оладиган фаол фуқаро позициясида турувчи кишини сиёсий маданиятли

шахс деб ҳисоблаш мумкин.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятлари ҳам шахсда худди шу сифатларни тарбиялашга қаратилган. Бундай фаолият самарадорлиги нафақат амалга оширилган тадбирлар миқдори ва сифатига кўра, балки уларни ким ташкил этганлиги ҳамда амалга оширганлиги, шунингдек, уларда аҳолининг иштирок этши даражасига уларда аҳолининг иштирок этши даражасига кўра ҳам баҳоланади.

б) умумаҳамиятга молик вазифаларни ҳал этшига қаратилган халқ ижодиётини ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги; давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий-маданий фаолиятга тўғри педагогик раҳбарлик қила олиши бунинг асосий замини ҳисобланади. Педагогик раҳбарлик вазиятни, билим ва кўникмаларни оқилона уйғунлаштиришни назарда тутди. Давлат ва жамоат ташкилотлари алқ ўртасида амалга ошириладиган маънавий-маърифий мулоқотлар асосида шахснинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширувчи воситага айланади, шунингдек, жамият тафаккурининг шаклланишида ҳам фаол иштирок этади.

в) ҳозирги даврда қаҳвахоналар, видеосалонлар, студиялар, ўйин хоналари мусиқа ва спорт анжомларини ижарага бериш. Оилавий тантаналарни ўтказиш бўлимларини ташкил этиш орқали аҳолининг пуллик хизматга бўлган талабини қондириш мумкинлиги.

г) бозор иқтисодиёти шароити ва муносабатлари маданияти моддий-техника салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда маҳаллий корхоналар ёрдамида ва хомийлар кўмагидан кенгроқ фойдаланишни талаб қилаётганлиги.

Давлат ва жамоат ташкилотлари ўз маданий-ижодий фаолиятларини дам олиш вақтида амалга оширадилар. Дам олиш фаолияти ўз навбатида шахснинг мустақил ижодий салоҳиятининг амалга ошишига кўмак беради, шунинг учун ҳам у қизиқарли, ақлий ва руҳий жиҳатдан бой бўлиши лозим.

Шу жиҳати билан у хаваскорлик ижодиётидан фарқланади ва кенг

халқ оммасини ўзига жалб қилади. Ижтимоий-маданий муассасалар қошида ва улардан ташқарида бадиий уюшмалар, коллекционер ва техник ижодкорлар жамиятлари, оилавий ҳамда ўсмирлар спорт клублари ва бирлашмалари ташкил этилиб, фаолият кўрсатади. Ушбу ижодий бирлашмалар фаолияти халқнинг қизиқарли тадбир ҳамда мулоқотга бўлган эҳтиёжлари асосида юзага келган.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг тарбиявий салоҳиятлари халқ оммаси ҳаётини демократиялаш вазифаларини ўз зиммаларига олишларида намоён бўлади. Бу эса сиёсий, ахлоқий, иқтисодий, ҳуқуқий маданиятни ўзлаштириш, ижтимоий фаоллик самарадорлигини ошириш, аҳолига билим ҳамда кўникмаларни чуқур эгаллаш имкониятини беради.

Жамият ҳаётини демократиялаш жараёнида ижтимоий адолат тамойилларининг тадбиқ этилиши ва мустаҳкамланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Адолат – бу ахлоқ ва ҳуқуқ тушунчасидир. Ижтимоий онг ва ахлоқий тафаккур ижтимоий адолат ёрдаида кишилар ҳуққининг ижтимоий аҳамиятга молик жихатларини, ижтимоий сиёсат моҳияти ҳамда жараёнларини ўзида акс эттиради.

Давлат ва жамоат ташкилотлари маданий фаолиятлар тизимини тавсифлашда социологик тадқиқот натижаларига таяниш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот қишлоқ ҳаётида маҳалла кўмиталари мавқеининг ошиб бораётганлигини кўрсатди. Бу эса 36,2 фоиз сўралувчиларнинг жавобларида ўз аксини топди.

Тадқиқот натижаларига кўра маҳалла кўмиталарининг ва ўз-ўзини бошқариш идораларининг етакчи мавқега эгаллиги аниқланди. Маҳалла кўмиталари аҳоли бўш вақтининг кўнгилли ўтишига муҳим таъсир кўрсатадилар (24,3 фоиз); кишилар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшадилар (25,8 фоиз)% хашарлар, шанбаликлар, ёрдам кўрсатишларни амалга оширишда кўмаклашадилар (39,6 фоиз).



Кишилар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда маҳалла кўмиталаридан сўнг касаба уюшмалари, жамоа хўжаликлари бошқаруви раҳбарлари, қишлоқ кенгашлари катта ҳисса қўшадилар.

Давлат ва жамоат ташкилотлари қишлоқдаги барча маданий-оммавий тадбирларни маданият уйлари ва саройлари орқали амалга оширади.

Клуб жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориб, улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи манбага айланади, улар билан биргаликда Ижтимоий-маданий муассасалар ўз фаолиятини қуйидаги шаклларда ташкил этиш имкониятига эга бўлади:

- қишлоқ маданиятини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи, экологик тарбия, ҳуқуқий маданият ва бошқа долзарб масалалар юзасидан жамоат фикри минбари вазифасини бажариш.

Урф-одат ва анъаналар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Халқ удумларининг тикланиши, мустаҳкамланиши ва ривожланиши жамоат ташкилотлари фаолиятидаги катта ижтимоий масала ҳисобланади. Удум ва анъаналар муҳим эстетик тарбия воситаси бўлиб, халқимизнинг миллий қадриятларни улуғлаш ғоясини мустаҳкамлайди, ахлоқий сифатларни шакллантиради.

Хулоса қилиб айтсак, маданият кишиларнинг ижтимоий яратувчанлик жараёнидаги иштирокининг меъёри ҳамда шахс ижодий салоҳиятини фаоллаштириш воситаси ҳисобланади. Маданият ижодий фаолият сифатида кўпгина билим ва тажрибаларни эгаллашни, улардан фаолиятнинг турли шаклларида самарали фойдаланишни назарда тутди.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг янги шароитида сиёсий маданият ижодий фаолият сифатида тушунилади ва бу фаолият натижаси минтақавий барқарорлик ва халқаро ҳамкорликни, республикамизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этишдан иборат.

Маданият таркибини таҳлил этиш давлат ва жамоат

ташкiлотларининг маданиятини ривожлантириш борасидаги фаолиятларининг асосий йўналишлари ҳамда мазмунини аниқлаш имкониятини беради:

1. Маданият инсон ижодий фаолиятининг ўзига хос кўриниши сифатида ижтимоий уюшмалар, жамият, жамоа, шахс томонидан амалга оширилади.

2. Маданият ўз таркибига кишилар моддий ҳамда маъанвий фаолиятлари ва унинг натижаларини қамраб олади. Бундан ташқари, унинг сиёсий, ҳуқуқий, экологик, меҳнат, маиший ва турмуш, жисмоний тарбия маданиятлари каби таркибий узвлари ажратилади. Маданиятнинг мазкур турлари тушунчаларининг бирлиги. Уларнинг жамият ва шахс умумий маданиятини ташкил этишларида, шу билан бирга ҳар бири алоҳида тарзда ижодий фаолиятни ва унинг натижаларини ифодалашларида намоён бўлади.

3. Кўриб ўтилган ҳар бир маданиятдаги ижодий фаолиятда куйидагилар фарқ қилади: маълум ижтимоий ва сиёсий ходиса юзасидан билимларни эгаллаш, уларни мушоҳада ва қайта ишлаш жараёни ва ниҳоят, мазкур маданиятни ривожлантиришда фаол иштирок этиш.

Маданиятнинг моҳияти, таркиби ҳамда турларини тадқиқ этишга бундай ёндашув жамоат ташкiлотларининг қишлоқ маданиятини ривожлантиришдаги иштирокининг ўзига хос услуби ва меъёрларини очиқ бериш имкониятини берди.

Ўзбекистон Республикасида жамоат ташкiлотлари ҳамда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда «сиёсий партиялар, бирлашмалар, қасаба уюшмалари, ёшлар ташкiлотлари, турли хил хайрия ва ижодий жамғармалар ҳамда уюшмаларда»- иштирокини янада кучайтириш, уларнинг давлат олдидаги мавқеини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилмоқда.

Жамоат ташкiлотларининг Ижтимоий-маданий фаолиятларининг

хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

а) ушбу фаолиятнинг мақсади шахсда муайян хусусият ҳамда сифатларни тарбиялашдан иборатдир;

б) кишилар ўртасидаги мулоқот жараёнида ғоялар, малака ва билимлар алмашинуви мазкур фаолият воситаси ҳисобланади;

в) жамоат ташкилотлари фаолияти ёки индивидуал фаолият маданий фаолиятни амалга ошириш усулидир.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг аҳоли маънавий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ маданий фаолиятлари хилма-хил бўлиши билан ир қаторда унга қуйидаги умумий жиҳатлар ҳам хосдир:

а) у фақатгина бир устувор маданиятга таяниши мумкин эмас;

б) фаолият мазмуни ва натижалари маданий фаолият мезонлари ҳисобланади;

в) маданий фаолият мезонларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш сустварчиликка йўл қўйилмайдиган ижодий жараёндир.

Қишлоқда маданий фаолият ўзининг турлари ва шакллариға кўра фарқланади. Маданий фаолият шаклларини уларнинг ташкил этилиш тавсифига кўра жамоавий ва индивидуал; маданий фаолият субъекти тавсифига кўра индивид, гуруҳ, уюшма, жамоат ташкилотлари; маданий фаолият олиб борилаётган гуруҳ туриға кўра эса оилавий, хизматдаги дўстлар ва бошқа турларға бўлиб таснифлаш мумкин.

Жамиятни демократиялашнинг ҳозирги босқичида маданий фаолият тараққиёти уюшган (ташкилотлар даражасига) ҳамда шахсий шаклларда амалга оширилади.

Аҳоли маданиятини ривожлантиришда юқори кўрсаткичларға эришиш жамоат ташкилотлари, ижтимоий-маданий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг энг олий вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани хал этишнинг йўлларида бири жамоат ташкилотларининг маданиятни ривожлантириш

борасидаги фаолиятларини бошқаришни такомиллаштириш ва илмий ёндошишдан иборат бўлиши мумкин.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг қишлоқ маданиятини ривожлантириш йўналишидаги фаолиятлари тизими ўзининг мақсади, вазифалари ва мазмунини амалга оширишнинг энг самарали воситаларидан бири-мулоқотдир. Мулоқот бизнинг нуктаи назаримизда услубий тизимнинг мухим белгиси, миллий маданиятни ривожлантиришнинг қадимий воситаси, ўзбек халқ педагогикасининг етакчи унсурларидан бири сифатида олиб кўрилди.

Мулоқот тавсифи оммавий ахборот воситалари (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар), ҳаваскорлик ижодиёти, байрамлар. Сайллар бевосита таъсир кўрсатади. Давлат ва жамоат ташкилотлари мулоқотнинг машҳур кишилар билан учрашув, оила кунлари, қизиқувчилар бирлашмалари каби шаклларидадан фойдаланиладилар.

### **Назорат учун савол ва толшириқлар**

1. Миллий-маънавий тикланиш жараёнида давлат ва жамоат ташкилотларининг роли қандай?
2. Президентимизнинг қайси асарларида жамоат ташкилотларининг ижтимоий-маданий фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятларининг асосий мақсади ва вазифалари баён этилган?
3. Жамоат ташкилотларининг қишлоқ маданиятини ривожлантиришдаги иштироки тизими ни ишлаб чиқиш нималарга асосланади?
4. Жамоат ташкилотлари ижтимоий-маданий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Ҳаваскорлик жамоалари, халқ ижодиёти, жамоат ташкилотлари, маданий ижодиёт, учрашув, оила кунлари, қизиқувчилар бирлашмалари*

## **2.2.Ижтимоий –маданий фаолиятнинг замонавий тенденциялари.**

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг ғоявий эмоционал воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Махсус материалларсиз уй қуриб бўлмаганидек, воситаларсиз маъданий-маърифий тадбирларни ташкил қилиб бўлмайди. Воситалар тадбирнинг таркибий қисми, асосий механизмлари сифатида хизмат қилади.

Восита деганда, кишиларнинг хиссиётига, психологиясига ва онгига таъсир этувчи ва билим олиш самарадорлигини оширувчи ғоявий-хиссий қуроолларни тушунамиз.

Ижтимоий-маданий фаолиятда қўлланиладиган воситаларнинг диапозони жуда кенг ва уларнинг сони кўпдир. Маъданий-маърифий тадбирларда жонли сўз, матбуот, кўргазмали қурооллар, адабиёт ва санъат, ҳар хил техник аппаратлар каби воситаларда кенг фойдаланамиз.

**ЖОНЛИ СЎЗ.** Асосий таъсирчан воситалардан бири- бу жонли сўздир. (Баъзи ҳолларда «оғзаки сўз» деб ҳам юритилади). Жонли сўз маъданий-маърифий шаклларнинг ҳаммасида энг асосий восита сифатида қўлланилади. Ижтимоий-маданий тадбирларда жонли сўз фақатгина мазмунни ёритишда хизмат қилмасдан балки тадбир сюжети билан оммавий ҳолатларни ҳам бири-бирига уйғунлаштириб боради. Айни жонли сўз воқеа маъносини томошабинга етказди, бир эпизодни 2-га боғлайди, бошқарувчининг аудитория билан мулоқотда бўлиши учун шароит яратади. Жонли сўзининг яна бир афзаллик томони шундаки, баъзан фикрини ҳеч қандай таъсирчан восита томошабинга етказиб бера олмайдиган дақиқаларда жонли сўз ёрдамига келади.

Оммавий тадбирларда бошқарувчи сўзи асосий ўринни эгаллайди, баъзи ҳолларда эса у кеганнинг бошидан то охиригача етакчи восита сифатида қўлланилади. У кириш сўзи (монолог) шаклида ёки муқаддима сифатида яхши хизмат қилиши мумкин. Тадбир давомида эса бошқарувчи, шарҳловчи, хикоячи ёки интервью берувчи айланиб, жонли

сўздан фойдаланиш. Тадбирларда жонли сўздан фойдаланиш имкониятлари жуда кўп.

Жонли сўз бошқарувчининг гапидан ташқари, тадбир қаҳромонининг нутқи ёки ундаги қатнашчининг сўзи, кеча қаҳрамонига аталган табрик, меҳнат ветеранлари, уруш иштирокчиларининг сўзи бўлиши мумкин.

**БАДИИЙ СЎЗ** - айтилмоқчи бўлган фикрни бадиий-эмоционал тарзда етказиб беришга хизмат қилади. Ижтимоий-маданий фаолият шаклларида бадиий сўзнинг шеър ўқиш, прозаик ва шеърини монологлар, жуфт ёки кўпчилик томонидан ўқиладиган шеърлар каби турлардан кенг фойдаланилади.

Бадиий сўз бошқа материаллар билан бир вақтда ижро этилиши мумкин. Масалан, шеър ўқилалаётган бир вақтда шеърнинг маъносига мос келадиган кино парчалари кўрсатилиши мумкин.

Бадиий сўзни вужудга келтириш учун бадиий асарларда келтиришнинг ўзи камлик қилади. Ёзма шеър-ёзма бадиий сўздир. Уни жонли бадиий сўзга айлантириб, ижро этиш учун ижрочининг шеърдаги фикрини муносабати, рухий кечинмалари, хис-хаяжонли талаб қилади. Акс холда шеърнинг оддий, жонли сўздан фарқи қолмайди. Яна шуни унутмаслик керакки, чуқур англаш, фикрнинг туб мазмунига етиб хисқхаяжон билан айтилган ҳар бир жонли сўз бадиий сўзга айланиб кетиши мумкин. Агар «1941» ёки «1991» деган иборани шундай айтиб ўтсак, у қуруқ рақамнинг ўзи бўлиб қолади. Лекин кўз олдимизга урушнинг бошланишини келтириб, дахшатли воқеаларни хис қилиб, мантиқ талаб қиладиган дамми кайфиятда, маъноли «минг... тўққиз юз.... қирқ бир...» десак бу сўз бадиий-эмоционал таъсир этади. Шундай қилиб, оддий сўз бадиий сўзга айланиб кетиши учун ундаги фикрий мантиқ хис қилиниб, ижро этилиши керак.

**МАТБУОТ ВОСИТАЛАРИ.** Маълумки, маданий-маърифий тадбирларга аҳоли янги, уларга ҳали маълум бўлмаган ва қизиқарли воқеалардан хабардор бўлгани учун келади. Бу ишда матбуот воситалари,

яъни янги газета, журналлар, айниқса, китоблар битмас туганмас манба бўлиши мумкин.

Матбуот энг асосий ахборот тарқатувчи ва сақловчи воситадир. Шундай экан тадбир тайёрловчилар тадбирнинг мазмунини бойитиш учун уларга хар доим мурожаат қилмоғи лозим. Тадбирларда кўпроқ томошабинларнинг назарига тушмаган материаллардан фойдаланишга харакат қилиш керак.

**МУСИҚА.** Ижтимоий-маданий тадбирларда муסיқа етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Тадбирларда мусиқадан 2 хил вариантларда фойдаланиш мумкин.

1. Тадбирнинг алохида номери сифатида.

2. Тадбирларда акс этилаётган воқеаларнинг таъсирини ошириш учун қўшимча восита (мусиқавий фон) сифатида, 1-вариантда бадий хаваскорлик жамоаларининг тайёр ёки махсус тайёрланган номеридан фойдаланилади. Бундай пайтда номер тадбир мазмуни ва мавзуига мос равишда эпизоднинг таркибий қисмига айланиб кетмоғи керак. Масалан, хотин-қизлар байрамига бағишланган тадбирларда оналарга бағишланган. «Онажонлар, ассалом» қўшиғи ижро этилади. Бу қўшиқ алохида номер сифатида берилди. Мусиқадан фойдаланишнинг бу варианты тадбирларда жуда кенг қўлланилиб, шеър ўқиладиганда ҳам, кино лавхалар кўрсатиладиганда ҳам драмматик парчалар кўрсатиладиганда ҳам бу воситаларнинг таъсирчанлигини ошириш мағсадида хизмат қилади.

Муסיқа, асосан тадбир таъсирини кучайтирувчи восита сифатида ҳам ишлатилиб, айтиладиган фикрнинг нозик кечинмаларини оммага етказиб беришга хизмат қилади.

**ДРАММАТИК ПАРЧАЛАР.** Санъатнинг бу тури бошқа бадий асарлардан фарқ қилиб, унда ғоялар кураши, қарама-қарши кучлар тўқлашуви, конфликтлар ёрқинроқ, ойдинроқ ёритилади. Шунинг учун театрлаштирилган тадбирларда мазмун ривожига қараб, драмматик парчалардан кенг фойдаланилади.

Тадбирларда драммутик парчалардан фойдаланишнинг 2 хил усули бор:

1. Тайёр асарлардан олинган парчалар
2. Сценаристнинг ўзи тадбир учун махсус ёзган драммутик эпизодлар.

Театрлаштиришда фақатгина пьесалардан парчалар олинши билан кифоланиб қолмасдан, кеча йўналишига қараб, бадий адабиётлардан ҳам парчалар олинши мумкин.

Драммутик парчалардан фойдаланишнинг 2-усули ҳам кейинги пайтда кенг қўлланилмоқда. Тадбирнинг асосий вазибаларидан бири махаллий воқеаларни акс эттириш бўлгани учун, сценарий муаллифлари жойларда бўлган воқеаларни кичик драммутик лавха шаклига келтириб, ундан самарали фойдаланмоқда.

Тажрибада шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ аҳолисида Ижтимоий-маданий тадбирларга бўлган қизиқишнинг сабабаларидан бири бу махаллий фактларни, воқеаларни инсценировка шаклида кўрсатишдир. Айниқса махаллий воқеалар асосида ёзилган интермедиялар аҳолига манзур бўлмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, барча сахна асарларидан, пьесалардан олинган драммутик парчалар ёки бадий адабиётлар асосида қилинган кичик инсценировкалар ёки махсус сценарий учун ёзилган лавхалардан фойдаланиш-тадбир мазмунининг ривожига ёрдам бермоғи керак.

КИНОЛАВХА- бадий ёки хужжатли фильмлардан олинб, тадбир ташкилотчиларига кенг имкониятлар яратади.

Кинонинг «сехрли кучи» шундан иборатки, у бўлиб ўтган воқеаларни хаққоний тасвирлайди ва жонли акс эттиради. У тарихий воқеаларнинг гувоҳи сифатида хизмат қилади. Улардан фойдаланиш тадбирларнинг мазмунини бойитади, воқеаликнинг хаққоний образини кўргазмали гавдалантиради. Асосан, кинолавхалардан фойдаланиш тадбир сценарийси ёзилётганда ривожлантирилади ва танланади. Кўпгина тадбирларда фильмлардан олинган лавхаларнинг ўзи яхлит бир эпизодни



ташқил қилиши мумкин. Баъзида кинолавлар бошқа воситалар, яъни жонли ва бадий сўз, кўшиқлар билан параллел акс этирилади.

**ТЕХНИК ВОСИТАЛАР.** Хозирги кунда Ижтимоий-маданий ишларни, жумладан Ижтимоий-маданий тадбирларни техник воситаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки тадбир махсус нур билан безатилмаса, ташқил қилинаётган тадбир шакли кўримсиз ва камбағал бўлиб қолади.

Техник воситаларнинг яна бир вазифаси сахнага ҳар хил ранглар бериш, проекцион тасвирлар тушириб, тадбирни гўзаллаштириш ва бадий-ғоявий безашдан иборатдир.

Ижтимоий-маданий тадбирларда фойдаланиладиган техник воситалар, асосан, 2 гуруҳга бўлинади:

1. Нурли-проекцион аппаратлар
2. Овозли техник воситалар

Нурли-проекцион аппаратлар томошабинларнинг кайфиятини кўтаришда, уларнинг диққатини тадбир воқеаларининг керакли томонига жалб қилишда муҳим роль ўйнайди. Проекцион аппаратлар ёрдамида сахнанинг тўрига, яъни экранга ҳоҳлаган катталиқда тасвир тушириш мумкин. Овозли техник воситаларга овозларни ёзадиган ва тарқатадиган аппаратлар, яъни магнитофон, диктофон, радио, аудио, видео аппаратуралар, микрофон ва овоз кучайтиргичлар киради. Улар керакли овозларни, шовқин-суронларни, мусиқа, ашула ва нутқларни олдиндан ёзиб олиб, уларни тадбирда эшиттириш учун яхши имкониётлар яратиб беради.

**КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР.** Тадбирларда кўргазмали воситалардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга. У тадбир мазмунининг яхшироқ ёритилишига ёрдам беради, томошабиннинг кайфиятини кўтаради ва таассуротларини бойитади. Кўргазмали воситалардан ижтимоий-маданий тадбирларнинг барчасида фойдаланилади.

Томошабиннинг бўлажак тадбир билан илк бор таништирувчи кўргазмали восита-бу афишалар ва таклифномалардир. Эълонларда фақат тадбир бўлиши ҳақидаги хабарнинг ўзинигина ёзиб қўйиш кифоя қилмайди,

балки унинг тузилишига қараб, кўргазмали безаш ҳам лозим, шеърлар ёзиш мумкин. Бу томошабиннинг тадбирга қизиқишини оширади. Кўргазмалар тадбир мазмунига тўғри келиши керак.

Юқоридагилардан ташқари яна Ижтимоий-маданий фаолият тадбирларида халқ ижодидан ҳам фойдаланилади.

Халқ ижоди меҳнаткаш халқ оммаси томонидан яратилиб, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб тобора такомиллаштириб, сайқал топиб тараққий этган ижод маҳсулидир. Унда халқнинг меҳнат фаолияти, ижтимоий ва маиший ҳаёти, турмуши, табиат ҳақидаги тушунчалари, маданияти, эътиқоди, орзу-истаклари, хис-туйғулари ва тафаккурининг бой олами, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўйлари ўз ифодасини топади.

Ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган халқ ижодини мутахассислар шартли равишда қуйидаги турларга бўладилар:

- 1). Халқ оғзаки ижоди;
- 2). Халқ мусиқаси, фольклор мусиқаси;
- 3). Халқ рақс санъати;
- 4). Халқ театри;

Ижтимоий-маданий тадбирларда халқ оғзаки ижоди жанрларида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Сценарийларда «сўз кўрки-мақол» дан, халқ донишмандлиги ҳисобланган афсона ва ривоятлардан фойдаланиш тадбир «тили» ни бойитади, таъсирчанлигини оширади.

Латифа, лоф, аския тадбирларнинг қизиқарлилигини оширади, мазмунини мустаҳкамлайди, томошабинларни активлаштиради. Топишмоқлар тадбир ижрочилари билан аудитория ўртасида «жонли» алоқа ўрнатишга яхши имконият беради. Айниқса болалар учун тайёрланган тадбирларда эркак ва дostonлар қахрамонлари уларни ғоявий-эстетик тарбиялашда муҳим роль бажаради. Масалан, Алпомиш, Гўрўғли, Зумрад, Кенжа ботир...

Халқ мусиқа фольклори-истеъдодли халқ ижрочилари-созанда, хофиз ошиқ, оқин, бахши, халфалар томонидан қўшиқлари муҳим ўрин тутди. Инсон ҳаётининг бошланишидан то сўнгги хотимасигача бўладиган ҳар бир маросим, тўй байрам ва бошқа воқеаларда ижро этиладиган қўшиқлар мавжуд. Жумладан, бола туғилиши, тарбияланиши, илк бор сочини олдириши, тиши чиқиши биринчи мустақил қадам ташлаши маросимга бағишланган қўшиқлар, никоҳ тўйларида айтиладиган ёр-ёр. Лапар, ўланлар, мотам маросимларида айтиладиган марсия, йиғиқ йўқлов каби аза қўшиқлар оилавий тадбирларнинг муҳим халқининг табиват ва меҳнат байрамлари ҳам махсус ижро этиладиган қўшиқларсиз ўтмаган. Ижтимоий-маданий фаолият шакллари тайёрлашда ҳар бир тадбирга мос халқ қўшиқларини излаб топмоқ ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқ рақс санъати-воқеаликни ҳаракатлар орқали тасвир этадиган ижод туридир. Ўзбек халқида рақс санъати ашула ва мусиқа билан чамбарчас боғланиб кетган ва шу анъана ҳозиргача давом этмоқда. Ҳозирги кунда республикамиз бадиий хаваскорлик ижодининг энг ривожланган жанри-бу ашула ва рақс ансамблларидир. Халқ рақс санъатидан восита сифатида Ижтимоий-маданий тадбирларда фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Халқ театри санъати-асосан, сўз ва ҳаракат санъатидан ташкил топган. У қадимдан ўзида қўшиқ, мусиқа, қизиқчилик, акробатика, найрангбозлик, кўзбойлағичлик каби элементларни бирлаштирган. Дастлабки пайтларда у овчилик, деҳқончиликда учрайдиган воқеаларни образли ҳаракатлар (ўйинлар) орқали тасвирлаш асосида вужудга келган ва халқ байрамлари маросимларида ривожланиб, халқ театр санъати даражасига кўтарилган. Жамият тараққиёти давомида халқ театр санъати ижрочилари бир неча соҳалар бўйича мутахассислаша боришган. Ўзбек анъанавий халқ театрининг қуйидаги асосий турлари шаклланган:

1. Масхарабозлик ва қизиқчилик.
2. Дорбозлик, найрангбозлик (цирк санъати).

### 3. Қўғирчоқбозлик.

Кейинги вақтларда дарбозлик ва масхарабозлик санъатига қизиқиш ортиб бормоқда. Кўпроқ унга ёшлар жалб этилмоқда. Томоша репертуарларининг ранг-баранглиги, ижрочиларнинг махорати ортаётганлиги қувонарли холдир.

### **Назорат учун савол ва толшириқлар**

1. Ижтимоий-маданий фаолият воситалари деганда нималарни тушунасиз?
2. Ижтимоий-маданий фаолият воситалари турлари нималардан иборат?
3. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг ғоявий-эмоционал воситаларига камида ўнта мисол топиб ёзинг.
4. Ҳозирги кунда ижтимоий-маданий фаолиятда яна қандай воситалардан фойдаланилади?

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Жонли сўз, бадиий сўз, матбуот воситалари, мусиқа, драммутик парчалар, кинолавхалар, техник воситалар, кўрғазмали воситалар, халқ оғзаки ижоди жанрлари, овозли техник воситалар.*

### **2.6. Ижтимоий-маданий фаолият усуллари**

Ижтимоий-маданий фаолият кўп қиррали фаолият бўлгани учун унда жуда кўп усуллардан фойдаланилади.

Ижтимоий-маданий фаолият-бу тарбиявий, маърифий, ижодий ва дам олиш ишларининг ўзига хос бирлашуви натижасида вужудга келади. Шундай қилиб Ижтимоий-маданий фаолиятда фойдаланадиган усуллар қуйидагилар:

1. Тарбиявий усуллар.
2. Маърифий усуллар.
3. Ҳордиқ чиқариш ва ижодий жараёни ташкил қилиш усуллари (буни фаоллаштириш усули дейиш ҳам мумкин).
4. Ташкилий усуллар.

I. ТАРБИЯВИЙ УСУЛЛАР - Ижтимоий-маданий фаолият, энг аввало, тарбиявий жараён бўлгани учун уларда педагогикага оид тарбиявий усуллардан фойдаланиш қонунийдир. Лекин бу уларни тўғридан-тўғри, кўр-кўрона қўллаш, деган гап эмас. Тарбиявий усул куйидаги турларга бўлинади: ишонтириш усули, намуна кўрсатиш, тақдирлаш, танқид қилиш усуллари.

ИШОНТИРИШ УСУЛИнинг асосий вазифаси аудиторияга таъсир кўрсатишдир. Бунинг учун тадбирнинг мазмунини ишонарли ҳаққоний қилиб, тузиш керак. Омма ташкилотчиларининг фикрига қўшила олмаса, берилган маълумотларга ишонмаса, у ҳолда тадбирнинг мақсади амалга ошмайди. Бунга йўл қўймаслик учун тадбирда ҳаққоний, мантиқли, ишонарли ва қизиқарли ҳужжатлардан манбаалардан фойдаланиш керак. Тадбир мазмуни ишонарли бўлгани учун уни умумийлаштирилган бадиий тўқима асосида вужудга келтирмасдан, балки реал ҳаётда бўлиб ўтаётган ҳаққоний ва ҳужжатли материаллар асосида тузиш лозим.

НАМУНА УСУЛИ орқали мустақил юртимизнинг энг яхши фазилатлари тараннум этилади. Яхши ўқиётган. Яхши ишлаётган намуна кўрсатаётганлардан ўрнак олишга ундайди.

ТАҚДИРЛАШ УСУЛИ- Ижтимоий-маданий тадбирларнинг асосий воситаларидан бири шундаки, улар кишиларни маънавий тақдирлайди. Масалан, тадбирларда ғолибларни фахрий ёрликлар, мақтов қоғозлари, китоблар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар билан манфаатдор бўлишга, яхшироқ ишлашга, халққа ҳалол хизмат қилишга ундайди.

ТАНҚИД ҚИЛИШ УСУЛИ, педагогикада бу усул жазолаш деб ҳам юритилади. Жазолаш усули мунтазам ишлайдиган жамоаларда: ишлаб чиқаришда, ўқув юртларда қўлланилади. Ижтимоий-маданий тадбирлар вақтинча йиғилган аудитория бўлгани учун унда танқид қилиш усулидан ўзиган хос йўл билан фойдаланилади. Танқид объектига ҳаётнинг ривожига ҳалақит берувчи барча «Салбий қаҳрамонлар» кириши мумкин. Тадбирларда уларнинг сатира ва юмор орқали танқид қилиниши уларнинг омма орасида

фош этилиши, 1-дан, уларни ўзи хақида чуқур ўйлашга олиб келади, 2-дан, кишилари бундайларга қарши курашишига ундайди.

II. МАЪРИФИЙ УСУЛЛАР-Ижтимоий-маданий тадбирларнинг асосий вазифаларидан бири оммага янги ахборот ва билим беришдан иборатдир. Тадбирларда кенг қўлланилиши мумкин бўлган маърифий усуллар- бу баён этиш, ўрганиш ва намойиш қилишдир.

БАЁН ЭТИШ УСУЛИнинг асосий мақсади шундан иборатки, у тадбирнинг ғояси, мазмуни, ахборот ва факторларни аудиторияга жонли сўз орқали баён қилиш шаклида етказиб беради. Оммавий тадбирлар таркибида кўпинча шундай фактлар ва маълумотлар бўладики, улар батафсил тушунтиришни талаб қилади. Худди шундай дақиқаларда баён этиш катта ёрдам беради. Бу усул ёрдамда маълумотларнинг моҳияти очилади, хусусиятлари ёритилади ва тўлиқ билим берилади. Бу усул кўпроқ мавзули кечаларда кўпроқ қўлланилади.

НАМОЙИШ ҚИЛИШ УСУЛИ тадбир мазмунидаги воқеаларнинг образли тасвирини кўргамали шаклда аудиторияга етказишга ёрдам беради. Намойиш қилиш усули, асосан таъсирчан воситалар орқали бажарилиб, унда воқеалар ёки кеча қахрамонларининг ҳаётига оид маълумотлар хужжатли, реал акс эттирилади.

III. ХОРДИҚ ЧИҚАРИШ ВА ИЖОДИЙ ЖАРАЁНГА ҚЎШИЛИШ, ЯЪНИ ФАОЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ. Маълумки, ижтимоий-маданий тадбирлар омманинг ишдан бўш, дам олиш вақтида ижодий жараёнга қўшилиши натижасида вужудга келади.

Ҳордиқ чиқариш ва ижодий жараёнга қўшилиш усулида оммани фаоллаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг учун тадбир катнашчиларидан интервью олиш улар билан савол-жавоб уюштириш, баъзиларни сўзга чиқариб, фикрини билиш, викторина уюштириш кабиларни бажариш мумкин.

Баъзан сахнавий ҳаракатларни зал, омма ичига кўчириш ҳам аудиторияни активлаштиришга кўмаклашади. Оммани тадбир қатнашчисига

айлантириш учун бошқа барча усуллардан самарали фойдаланиш билан бирга махсус ҳолатлардан фойдааниш кўзда тутилади. Масалан, аудитория ичида ашула айтиш, оммавий рақслар ташкил қилиш, халқ ўйинларидан фойдаланиш, умумий қарорлар қабул қилиш ва бошқа ҳолатлар, сўзсиз аудиторияни тадбир қатнашчисига айлантириб юборади.

IV. ТАШКИЛИЙ УСУЛ иллюстрациялаштириш ва театрлаштириш усуллари орқали амалга оширилади.

ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАШТИРИШ УСУЛИ - бу бошқарувчининг сўз мазмунига ва мақсадига мос келадиган турли-туман бадиий ва санъат воситаларидан фойдаланишдир. Бу усулда асосий урғу жонли сўзга уни кучайтириш ва тўлдириш учун хизмат қилади. Мусиқа, қўшиқ, рақс шеър, монолог, кинолавхалардан иллюстрация сифатида фойдаланилади. Бу усул асосида тайёрланган тадбирларда кўпинча ягона сюжет линияси бўлиши шарт эмас. Чунки тадбирдаги қисмлар бир-бирлари билан механик бирлашиб кетади.

Иллюстрациялаштириш усулида бошқарувчи маълум мавзулар ҳақида сўз юритади, нутқининг мазмуни кўрғазмали ва жонли бўлгани учун баён этилган воқеаларга оид кинолавхалар кўрсатилади. Нутқ мазмуни тасвирий лавхалар билан бойитилади. Бу усул Ижтимоий-маданий тадбирлардан мавзули кечаларда, бадиий композицияларда кенг қўлланилади. Иллюстрациялаштириш усули орқали соф тарқибот-ташвиқот иш шакллари бадиийлаштирилган тадбирга айланиб кетади.

ТЕАТРЛАШТИРИШ УСУЛИ - алоҳида мақсадга қаратилган, бадиий образли ташкил этилган, театр қонунлари асосида, драматургия талабларига жавоб бера оладиган тадбирларда мўз ифодасини топади. Бунда тадбир жараёнида қўлланиладиган барча ғоявий эмоционал воситалар ҳамда оғзаки чиқишлар комплекс тарзда бирлашади. Ва ягона сюжет тизимини вужудга келтиради.

Театрлаштириш усули алоҳида мақсадга қаратилган, бадиий образли ташкил этилган, театр қонуниятлари асосида, драматургия талабларига

жавоб бера оладиган тадбирларда ўз ифодасини топади. Бунда тадбир жараёнида қўлланиладиган барча ғоявий эмоционал воситалар ҳамда оғзаки чиқишлар комплекс тарзда бирлашади ва ягона сюжет линиясини вужудга келтиради.

Театрлаштириш усулида қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

1. Театрлаштирилган тадбирларда, энг аввало, ягона ғоявий-бадий сюжет ва композицион тузилиш бўлиши керак. У композицион тузилиш-муқаддима, асосий воқеа, тугун воқеалар ривож, кульминация ва финал каби қисмлардан иборат бўлиши керак.

2. Театрлаштирилган тадбирда фойдаланадиган воситалар алохида ажралиб қолмасдан сюжетга сингиб кетиши, унинг ривожланишига ёрдам бериш лозим. Шунинг учун унда сюжет мазмунига қараб керакли таъсирли воситалар мантиқан танланади.

3. Театрлаштирилган тадбирларга реал қахрамон образли ёки бадий асарлардан олинган образлар киритилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Театрлаштирилган шаклларда омма оддий томошабин эмас. Балки тадбир қатнашчисига кетиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, илмографиялаштириш усулини ҳам, театрлаштириш усулини ҳам шохлаган шаклга нисбатан ишлатиб бўлмайди. Ҳар бир усулнинг ўзи талаб қиладиган тадбирлари бор. Масалан, илмографиялаштириш усулини оммавий байрамларга қўллаш яхши натижа бермайди, лекция ёки суҳбатни театрлаштиришнинг хожати бўлмаса керак. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, илмографиялаштириш усулидан ташкил ташкил қилиши осон, ҳар куни фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Театрлаштириш усулини буюк саналарга ва байрамларга бағишланган тадбирларда қўллаш лозим.

### **Назорат учун савол ва толшириқлар**

1. Ижтимоий-маданий фаолият тарбиявий, маърифий, ижодий ва дам олиш ишларининг ўзига хос бирлашуви натижасида вужудга келади.



Шундай экан ижтимоий-маданий фаолият усулларини мазкур йўналишлар бўйича таснифлаб беринг.

2. Оммага янги ахборот ва билим беришдан иборат усул қандай аталади?
3. Ҳордиқ чиқариш ва ижодий жараёнга қўшилиш усулида оммани фаоллаштириш йўлларини кўрсатинг.
4. Театрлаштириш усулида қандай талабларга риоя қилиш керак?
5. Театрлаштириш усулини қандай тадбирларда тадбирларда қўллаш кўп самара беради?
6. Ижтимоий-маданий фаолият усулларининг ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини изохлаб беринг.

### **Таянч сўз ва иборалар**

*Тарбиявий усуллар, маърифий усуллар, ҳордиқ чиқариш, ижодий жараённи ташкил қилиш усули, фаоллаштириш усули, ташкилий усуллар, намуна усули, тақдирлаш усули, ишонтириш усули, танқид қилиш усули, намойиш қилиш усули, баён этиш усули, иллюстрациялаштириш усули, театрлаштириш усули.*

**3-мавзу: Ўзбекистон Республикасида ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантириш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари). Ижтимоий-маданий фаолиятда соғлом турмуш тарзи тарғиботи.**

**3.1.Ўзбекистон Республикасида ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантириш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари).**

Инсоннинг меҳнат қилиши, бирор фаолият билан шуғулланиши канчалик зарурат бўлса, унинг жисмоний ва руҳий чарчоғини ёзиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши ҳам шунчалик табиий эҳтиёждир. Абадий, узлуксиз ишлайдиган бирор ускуна ёки механизм бўлмаганидек, дам олмасдан, бетўхтов фаолият юритадиган одамнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Меҳнат қилиш, жисмоний ва ақлий зўриқиш даражаси билан дам олиш, ҳордиқ чиқариш ўртасидаги мутаносибдикнинг сақланиши кишининг соғлом фаолият юритиши, ишининг самарали бўлиши гаровидир.

Жамият ва инсон ҳаётида бўш вақтнинг ўрни ва аҳамияти муаммоси билан XVI асрдаёқ инглиз файласуфи Томас Мор шуғулланиб, ўзининг “Утопия” номли асарига бу ижтимоий ҳодисанинг мазмун-моҳиятини очиб берган. Кейинчалик италян файласуфи Томмазо Кампанелла “Қуёш шаҳри”, инглиз олими Френсис Бекон “Янги Атлантида” номли китобларида Т.Мор фикрларини қўллаб-қувватлаган. Янги даврда жаҳондаги кўпгина файласуф ва социологлар бўш вақт феномени билан шуғулланишган.

Одатда киши бўш вақтида дам олади, турли хил маданий-ҳордиқий фаолият билан машғул бўлади ва чарчоқлардан холи бўлиб, ўзини янги меҳнат жараёнига ҳозирлайди.

Демак, ҳар бир шахснинг иш вақтидан сўнг ҳордиқ чиқариши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан ривожланиши, ўз қизиқишлари бўйича фойдали машғулотлар билан шуғулланиши учун қанчалик миқдорда бўш вақт имконияти яратиб берилганлиги жамиятнинг инсонпарварлигидан, унда адолат қоидаларининг устуворлигидан далолат беради.

Истиқлол туфайли асрий орзулари рўёбга чиққан халқимизнинг ҳаётида ишдан, ўқишдан кейинги бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказишга эҳтиёж кучайди. Шунинг учун мамлакатимизда аҳолини кенг қўламда соғломлаштириш, ижтимоий ҳимоялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши ҳамда уларнинг бугунги тезкор ва фан-техника мисли кўрилмаган даражада ривожланган XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама баркамол шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Одатда, кишининг вақтини иккига — **иш вақти** ва **ишдан ташқари вақтга** бўлишади.

**Иш вақти** — ишлаб чиқариш, жамиятнинг моддий бойликларини яратиш, шахсий моддий эҳтиёжини қондириш учун сарф бўладиган вақт миқдори.

Бундай меҳнатнинг мақсади фақат шахсий эҳтиёжларни қондириш бўлиб қолмай, балки жамият бойлигини ривожлантириш, мамлакат моддий техника базасини мустаҳкамлашдан иборатдир. Иш вақти йиллик вақт бюджетининг ўрта ҳисобда 17% ни ташкил қилади.

Ишдан ташқари вақт *деганда, белгиланган ижтимоий фойдали меҳнат вақтидан ташқари инсон ҳаёти–турмуши учун зарурий вақт ҳам ва дам олиш учун зарур бўлган бўш вақт ҳам тушунилади.*

**Зарурий вақт** — *инсон ҳаёти ва турмуши эҳтиёжларини қондириш учун керакли дамлар.* Уни тахминан қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин: а) меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлган тушки танаффус, ишга бориш ва келиш учун сарфланадиган вақт; б) оила эҳтиёжи учун, болалар тарбияси, овқат тайёрлаш, бозор қилиш, дўконлардан керакли буюмларни сотиб олиш, уй жиҳозларини, кийимларни тартибга келтиришга кетадиган вақт; в) физиологик эҳтиёжлар, овқатланиш, гигиена ва ухлаш учун сарфланадиган вақт.

**Бўш вақт** — *дам олиш, чарчоқни чиқариш, маънавий ва жисмоний раванқ топиш учун сарфланадиган вақт.* Ундан қандай фойдаланиш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида бўлади. Бўш вақтда билим ва малака ошириш, ижтимоий–сиёсий фаолият, спорт ва ҳаваскорлик ижоди билан шуғулланиш, маданий дам олиш, сайр қилиш каби кўплаб фаолиятлар билан шуғулланиш мумкин.

Кўриниб турибдики, ишдан ташқари зарурий ва бўш вақтлар ўртасига чегара қўйиш, унинг аниқ миқдорини белгилаш жуда қийин. Шундай бўлсада, ҳафталик вақт бюджети 168 соатдан иборат бўлса, унинг тахминан 40 соати иш вақти, 50 соати уйқу билан ўтар экан, 34 соати бўш вақт бўлар экан, 44 соатдан ортиғи зарурий юмушлар, маиший эҳтиёжни қондириш ишлари ва ҳоказоларга кетар экан.

Агар кишиларнинг кундалик (24 соат) умумий вақт бюджетини 4 қисмга бўлсак, унинг бир қисмини — иш вақти (7–8 соат), иккинчи қисмини — бўш вақт (4–5 соат), учинчи қисмини — уйқу (7–8 соат), қолган қисмини бошқа

зарурий фаолиятлар — ишга бориш учун транспортда, пиёда юриш ва хоказолар (4–5 соат) ташкил қилар экан.

Социологларнинг ҳисобича, ҳафтада шаҳарликларнинг бўш вақти 34–36 соатга, қишлоқ жойлардаги меҳнаткашларнинг бўш вақти эса 28–32 соатга тўғри келарди. Шаҳарликларнинг бўш вақти деярли уларнинг асосий иш вақтига тенг келиб, йилига тахминан 1700 соатни ташкил қилади. Бўш вақт йиллик вақт бюджетининг тахминан 17–19%га тенг эканлиги намоён бўлади. Бўш вақт миқдорига кўра дам олиш вақти қуйидагиларга, яъни кундалик дам олиш, ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари ва йиллик дам олишларга бўлинади.

**Кундалик дам олиш** — бир кун давомида, яъни иш вақти тугагандан бошлаб то ухлашгача бўлган бўш вақтда қилинадиган фаолиятларни ўз ичига олади. Кундалик дам олиш фаолиятлари ичида кенг тарқалганлари тоза ҳавода сайр қилиш, радио ва телевидение дастурларини эшитиш ва томоша қилиш, китоб мутолаа қилиш, бадантарбия билан шуғулланиш кабиларни киритиш мумкин.

**Ҳафталик дам олиш** — шанба ва якшанба кунлари бажариладиган фаолиятларни ўз ичига олади. Бу дам олиш кунлари тавсия этиладиган фаолиятларга шаҳар чеккасидаги сайилгоҳларга чиқиб ҳордиқ чиқариш, қариндош–уруғ, ёру дўстлардан хабар олиш, томорқа ишлари билан шуғулланиш кабиларни киритиш мумкин. Кундалик ва ҳафталик дам олишларнинг мазмунли ва мароқли ўтишида маданият, санъат муассасалари ва спорт тўғараклари фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Одатда хурсандчилик, шодлик ва қувончга бой дам олиш дақиқалари байрам кунлари содир бўлади. Байрам кунларига кишилар олдиндан тайёргарлик кўради, ўзларининг энг яхши либосларини кийишади, лаззатли таомлар тайёрлашади. Бу кунларда радио, телевидение, санъат ва клуб муассасалари ўзларининг энг яхши дастурларини намойиш этади. Парк ва хиёбонларда, кўчаларда намойиш ва сайиллар, турли хил томошалар уюштирилади.

Хуллас, байрам кунларини энг мароқли ва самарали дам олиш дақиқалари деса бўлади.

**Йиллик дам олишда** ҳар йили қонуний равишда ҳақ тўланиб, ҳордиқ чиқаришга имконият берувчи таътил–отпускарлар киради. Отпускарларда самарали дам олиш ва соғлиқни мустаҳкамлаш учун меҳнаткашларга дам олиш уйлари, санаторийлар, туристик базаларга йўлланмалар берилади. Отпускар вақтида асосий иш билан шуғулланмаслик, об–ҳаво ва муҳит шароитини ўзгартириш, табиатнинг гўзал ва шифобахш жойларида дам олиш тавсия қилинади. Ўз–ўзидан равшанки, отпускар пайтида бўш вақтнинг кўп бўлиши кишиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун имкониятлар яратади.

**Маданий-ҳордиқий фаолият** деганда, одатда кишиларнинг бўш вақтини фаол маданий дам олиш билан ўтказиши тушунилади. Аммо шуни эсдан чиқармаслик кракки, инсоннинг ҳаёти ва амалий фаолияти ўта хилма-хил ва ранг-баранг. Шунга кўра дам олиш шакли ва воситалари ҳам турли-тумандир.

Фан-техника тараққиёти натижасида қўл меҳнати тобора механизациялашган ва бўш вақт тобора кўпаяётган ҳозирги пайтда аҳолининг маданий дам олишини ташкил этиш муҳим масалалардан бирига айланди. Бинобарин, бўш вақт замирида шахс ва бутун жамиятнинг ривожини, кишиларнинг маънавий бойишлари, соғлом бўлишлари, умрларига умр кўшилиши учун, улар ҳаётини янада мазмунли ва ранг-баранг қилиш учун чексиз имкониятлар мавжуд.

Бўш вақтдан оқилона фойдаланиш масалаларига тўхтар эканмиз, энг аввало, бўш вақтнинг шахс камолоти ва жамият тараққиёти учун зарур омиллар каторида турадиган бебаҳо манба эканлигини таъкидлаш лозим. Чунки бўш вақт–ижтимоий бойлик ҳисобланиб, шахс ва маънавиятнинг ривожланиши учун хизмат қилади. Пировард натижада бўш вақт меҳнат унумдорлигини орттиришда муҳим омил ҳамдир. «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам», дейди халқимиз. Агар инсон қанчалик яхши ва унумли меҳнат қилса, шунчалик

самарали ва мазмунли дам олишга эҳтиёж сезади. Ўз навбатида шу нарса эътиборга молиқки, яхши ҳордиқ чиқара олмаган киши кўнгилдагидек меҳнат қила олмайди. Шундай экан, бўш вақтдан самарали фойдаланиш кишиларнинг меҳнат жараёнида сарф бўлган куч–қувватларини тиклаш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, руҳиятларини тетиклаштириш демакдир.

Тошкент, Фарғона, Марғилон, Қўқон саноат корхоналарининг базаларида ўтказилган тадқиқотларга қараганда, дам олиш зоналарида махсус уюштирилган дам олиш кунларидан кейин баъзи ишчиларда меҳнат унумдорлиги одатдагидан 26–31 % юқори бўлган, яъни эркекларда 26%, аёлларда 31%. Санъатшунослик Бутуниттифоқ илмий текшириш институти ўтказган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, театр, музей, клуб каби маданият муассасалари тадбирларига тез–тез қатнашиб турадиган ёки спорт билан шуғулланадиган кишиларнинг меҳнат унумдорлигини бошқаларга, яъни бўш вақтини бекор ўтказадиганларга қараганда 10–15% юқори бўлар экан.

Инсон ҳаёти, меҳнати, турмушини ўзаро боғлаб турган ва уларнинг тараққий этишида муҳим рол ўйнаган, бўш вақтни қадрламаслик, ундан оқилона фойдаланмаслик, меҳнаткашлар дам олиш жараёни учун керакли шарт–шароитларни ўз вақтида яратмаслик натижасида турғунлик йилларида жиддий ижтимоий муаммолар вужудга келди.

Бўш вақтни етарлича баҳолай олмаслик ва ундан оқилона фойдалана билмаслик натижасида вужудга келган муаммолар барча соҳаларда ўз аксини топди. Жойлардаги кўпгина салбий ҳодисалар, ишлаб чиқаришдаги режанинг бажарилмаслиги, маҳсулотлар сифатининг пастлиги, меҳнат интизомининг бузилиши, ишдан кейинги дам олиш кунларидаги ичкиликбозликларнинг содир бўлиши, касалларнинг кўпайиши, кўпгина жамоаларда носоғлом муҳитнинг вужудга келиши, оилалардаги уруш–жанжаллар туфайли эр–хотиннинг ажралишларини кўпайиши, болалар тарбиясининг бузилиши, уларнинг безорилик кўчасига киришлари ҳам маълум маънода аҳоли бўш вақтига етарлича эътибор бермасликнинг оқибатидир.

Инсоннинг ички руҳий олами, психологияси шундай тузилганки, у ҳаёт гўзалликларидан баҳра олишга, лаззатланишга интилади. Бунинг учун эса бўш вақт қулай имкон. Аммо кишиларнинг бўш вақтда роҳатланиши, баҳра олиши учун махсус шарт–шароитлар яратилмаганлиги сабабли, баъзилар бунга сунъий йўллар, яъни алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиш орқали эришишга интиладилар. Бўш вақтда кишиларнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари, биринчидан, уларнинг соғлиғига зарар етказса, иккинчидан, оила ва жамоада носоғлом вазият келиб чиқишига, охир–оқибат жиноий ишларга йўл очиб бериши учун замин яратиши мумкин.

Ҳозирга вақтда маънавий, маданий–маърифий ишларга эътибор бериш йўли билан ичкиликбозликка қарши кураш олиб бориш ўзининг самараларини бермоқда. Бироқ, буни ўзи камлик қилади. Шунинг учун ичкиликбозликни аста–секин ҳаётдан сиқиб чиқарадиган маданий дам олиш шакллари кенг оммага тушунтириб боришимиз керак. Хусусан, жойларда шундай маданий шароит ва муҳит яратмоқ керакки, одамлар бўш вақтида ҳаётдан сунъий эмас, балки табиий лаззат ола билсинлар, табиат гўзалликларидан, халқ санъатидан, маросимлардан, қолаверса, ўз ижодий иши маҳсулларидан роҳатлана билсинлар. Дарҳақиқат, меҳнаткашлар ва айниқса, ёшлар бўш вақтдан самарали фойдаланиш — энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, ҳозирги пайтда унга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор берилмоқда. Бўш вақтдан оқилона фойдаланишдаги, янги истиқболли йўллари излашни, мавжуд резервлар ва имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланишни кун тартибига қўйишни, жойлардаги клуб муассасалари, спорт иншоотлари ва бошқа дам олиш масканлари шоҳобчаларини ривожлантиришни, уларнинг иш савиясини яхшилаш учун моддий техника базасини мустаҳкамлашни тақозо этади.

Шундай қилиб, бўш вақт, биринчидан, маданий дам олиш, ҳордиқ чиқариш, сарфланган кучларни тиклаш, иккинчидан — маданий–маърифий бойликларни эгаллаш, учинчидан, ижодий ва жисмоний фаолиятлар, яъни физкультура, спорт ва бадий ҳаваскорлик билан шуғулланиш, тўртинчидан,

кўнгилли жамоат ишлари, ижтимоий фойдали меҳнат турлари — жамият равнақи учун фойдали иш, холис хизмат қилиш учун зарур.

Бўш вақтнинг ҳар бир дақиқаси режали, оқилона, самарали фойдаланган киши ҳаётда кўп нарсаларга эришиши мумкин. Таниқли социолог олим С.Н. Иконникова ўзининг «Маданият ҳақида суҳбатлар» китобида кўплаб тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилар экан, бўш вақтдан турлича фойдаланувчи кишиларнинг олти тоифасини кўрсатиб ўтади:

*Биринчи тоифа*даги кишилар бўш вақтини ўта кадрлаб, ундан ҳар томонлама фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг ҳар бир соат ва минутлари ҳисобда бўлиб, қизиқарли ва муҳим нарса, ҳодисалар улар назаридан четда қолмайди. Бундай кишилар қизиқарли китоблар, спектакллар, кинофильмлар, концертлар, кўргазмалардан хабардор бўлишга интиладилар, мободо маданий ҳаётда бўладиган бирон–бир маданий ҳодиса билан танишишга вақтлари етмай қолгудек бўлса, ҳатто, бундан қаттиқ афсусланадилар ҳам.

*Иккинчи тоифа*даги кишиларнинг диққати бир фаолиятга қаратилган бўлиб, улар бўш вақтни қизиқишга алоқадор нарсаларга сарфлайдилар. Улар спорт, бадиий хаваскорлик ёки ижоднинг бошқа бир индивидуал тури билан астойдил шуғулланишади.

*Учинчи тоифа*га мансуб кишилар бўш вақтини ўз касбига бағишлайди, асосий иш вақтида бажариши қийин бўлган фаолиятлар билан шуғулланади, маҳоратини ўстиришга, янгилик яратишга ҳаракат қилади, ихтирочиликка интилади. Бундай кишиларга кўпроқ олимлар, рассомлар, артистлар, ёзувчилар киради. Уларни қишлоқ хўжалик ходимлари, ишчи–рационализатор ва техник ходимлар орасида ҳам учратиш мумкин.

*Тўртинчи тоифа*даги кишиларга бўш вақтни асосан уйда ўтказишга интилувчилар киради. Улар театр, кино, клуб, паркларга бориб, дам олишга эринадилар. Телевизорни эса эртадан кечгача томоша қилишлари мумкин.

*Бешинчи тоифа*дагилар бўш вақтни таниш–билишлари, дўстлари, ҳамкасблари даврасида суҳбат–мулоқот билан ўтказишга ҳаракат қилади. Бундай кишилар ёлғиз қолишса, ҳеч нарса билан қизиқмайди, тасодифий



компанияларга тушиб қолганларида, ҳар қандай фаолиятга қўшилиб кертaveraди, яккаликдан зерикади, мустақил иш билан шуғуллана олмайди.

*Олтинчи тоифа*дагилар ҳеч нарса билан қизиқмайди, вақтни умуман қадрламай, умрни бекор ўтиб кетаётганидан умуман афсусланмайдилар. Бундай маънавий қашшоқ кишиларга овқат, кийим–кечак бўлса бас, бошқа нарсалар улар учун бари–бир, фақат уларни ҳеч ким безовта қилмаса булди.

Инсон организми шундай тузилганки, унда хилма–хил фаолият турлари мунтазам такрорланиб туради. Шунга қарамай кўпчилик кишилар асосан бир хил фаолият билан машғул бўлишади. Жумладан:

- *Ақлий фаолият:* кўпроқ олимлар, ижодий ходимлар, илмий техник ходимлар ишида намоён бўлади.
- *Жисмоний фаолият:* асосан ишчилар, деҳқонлар, спортчилар, хизматчилар ишида намоён бўлади.
- *Эмоционал–руҳий фаолият:* ўқитувчилар, врачлар, тарбиячилар, актёрлар, санъаткорлар ва бошқа касб кишиларида намоён бўлади.

Мана шу уч хил фаолият ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида қанча кўп алмашилиб турса, у шунчалик нормал ҳаёт кечиради, қобилиятлари яхшироқ тараққий этиб боради. Киши ҳадеб жисмоний меҳнат билан машғул бўлаверса, ақлий жиҳатдан яхши такомиллашмай қолиши ёки фақат ақлий меҳнат қилаверса, жисмоний томондан заифлаша бориши мумкин. Шу сабабли иш вақтида ақлий фаолият билан шуғулланувчилар бўш вақтида жисмоний ҳаракат билан боғлиқ дам олиш турларидан фойдаланишлари маъқул. Ўз навбатида жисмоний меҳнат билан банд кишилар ақлий фаолият турлари билан шуғулланишлари яхши натижа беради. Хуллас, дам олиш, фаолият алмаштириш, демакдир. Фаолият алмаштиришни Лев Толстой ўз ҳаётида жуда ўринли қўллаган. У дунёга машҳур романларини ёзиш билан бирга мактабда дарс берган, ер чопган, велосипед ҳайдаган. Шу боис Лев Толстой бадий ижодда зўр муваффақиятларга эришган, қолаверса узок умр кўрган. Шундай қилиб, бўш вақтда шуғулланиш лозим бўлган фаолиятни, энг аввало, асосий иш, меҳнат, касб характерида келиб чиқиб танлаш лозим.

Инсон ўзидаги меҳнат жараёнида рўёбга чиқмайдиган лаёқатларни бўш вақтда ривожлантирмоққа интиломоғи лозим.

Маълумки, дам олиш вақти — бўш вақтнинг бир бўлаги бўлиб, энг аввало, инсоннинг ишлаб чиқаришда сарф бўлган куч–ғайратини тиклаш, чарчоғини чиқариш учун хизмат қилади.

Маданий дам инсоннинг бўш вақтдан оқилона фойдаланган ҳолда кенг дунёқарашга эга бўлишда маънавий–эстетик жиҳатдан камол топишида, жисмоний соғлом бўлишида муҳим омиллардан ҳисобланади. Дам олишнинг бундай шаклига кейинги вақтда жуда катта эътибор берилмоқда. Бу эса ўз навбатида дам олиш маданиятини юксалтириш имконини бермоқда.

Ҳозирги замон социологларининг ҳисоб–китобларича, асосий ишдан ташқари шуғулланиш мумкин бўлган фаолият турлари 500 тага етар экан. Уларга зарурий вақтдаги юмушлар ҳам кириб, соч олдиришдан ҳаммомга тушишгача, даволанишдан меҳмондорчиликка боришгача, томорқа участкалардаги ишлардан уй ҳайвонларини парваришлагача, уйни таъмирлашдан то балиқ овигача бўлган фаолиятлар ҳам киради. Бўш вақт фаолиятларининг 150 тасидан дам олиш фаолияти сифатида фойдаланса бўлар экан (уларнинг асосий гуруҳларига узлуксиз билим олиш ва малака ошириш, жамоат ишлари, ҳаваскорлик ижоди билан шуғулланиш, спорт билан машғул бўлиш, дўстлар билан ўзаро мулоқотда бўлиш, санъат асарларидан баҳраманд бўлиш ва ҳоказолар киради).

Бўш вақтдан унумли фойдаланиш ва маданий дам олиш шакллари шартли равишда 4 туркумга бўлиш мумкин. Ҳар бир туркумда дам олиш шакллари мураккаблашиб, самарадорлиги ортиб боради.

*Биринчи туркумга* дам олишнинг энг оддий шакллари — кам ҳаракатли ҳордиқ чиқариш чарчоқни тарқатиш фаолиятлари киради.

*Иккинчи туркум* дам олиш шакллари маданий–маънавий бойликларни эгаллаш, яъни китоб, газета, журналларни мутолаа қилиш, радио ва телевидение дастурларини тинглаб, томоша қилиш, театр, кинотеатр ва

клубларда намойиш этиладиган кинофильм, спектакль ва бадий–оммавий саҳналарни томоша қилиш кабилардир.

*Учинчи туркум* дам олишга ижодий ва жисмоний фаолиятлар билан шуғулланиш, яъни бадий ҳаваскорлик, физкультура ва спорт тўғаракларига катнашиш киради.

*Тўртинчи туркум* дам олишга ижтимоий фойдали фаолият турлари — жамоат ишлари, яъни ишдан ташқари вақтда меҳнат, ўқув жамоалари, тураржойлар аҳолиси учун зарур бўлган юмушларни амалга ошириш киради. Бу кўнгилли, айни вақтда жамият равнақи учун фойдали иш — холис хизмат ҳисобланади.

Амалиётда бўш вақтдан фойдаланишниг хилма-хил усул ва шакллари мавжуд бўлгани ҳолда илмий адабиётларда унинг учта асосий типини ажратиб кўрсатилади. Булар:

1. *Ижодий тип.* Номидан ҳам билиниб турибдики, индивидни ўзига жалб қиладиган фаолият турларидан энг аҳамиятлиси – унинг ижодий ниятларини рўёбга чиқаришга ёрдам берадиганлари. Шуниси борки, инсон ўз ижодий ниятларини амалга ошириш учун астойдил киришади. Ҳатто бу ижодий фаолият қайси соҳада (адабиёт, санъат, техника ва бошқа) бўлса ҳам, ундан кутилаётган пировард-натижа моддий ёки маънавий маҳсулот бўладими – бундан қатъи назар индивид ижодга бағишланган бўш вақтини берилиб ўтказади, чунки бу иш унинг кўнгил иши, ўз шахсини, маънавий оламини ифодалаш воситасидир.

2. *Маданий истеъмолчилик тип.* Бу типнинг ажралиб турадиган хусусияти шундан иборатки, индивид бўш вақтини маънавий бойликлар билан мулоқотга сарфлайди ва ўз маънавий маданиятини оширишга интилади. Маданий-маънавий бойликларни эгаллаш, яъни кутубхона ва музейларга бориш, радио ва телевидение дастурларини тинглаб, томоша қилиш, театр, кинотеатр ва клубларда намойиш этиладиган кинофильм, спектаклларни кўриш кабилардир. Булар орасида энг муҳими китоб

мутолаасидир. Маданий бойликларни эгаллашда бадий китоб, илмий, публицистик адабиётлар ўта муҳим рол ўйнайди. Китоб – инсониятнинг барча билим тажрибаларини ўзида мужассамлаштирадиган муҳим восита, олдинги авлоднинг кейинги авлодга қолдирадиган маънавий бойлиги, кишиларнинг ўтмиши ва ҳозирги ютуқлари ҳақида маълумот берадиган бебаҳо манба. Китоб инсоннинг шаклланишида, билим ва дунёқарашининг кенгайиши, касб сирларини эгаллаши, ҳақиқий мутахассис бўлишида хизмат қилади. Шу билан бирга, китоб кишиларнинг ҳаётини гўзаллаштириш, меҳнатини энгиллаштириш, дам олишини янада мазмунли бўлишига ҳам хизмат қилади. “Ҳар даврнинг ўз китоблари бор. Савод энди чиққан пайтда ўқиладиган китоблар бор – ўқимаган болалик – кемтик, умр шомида ўқиладиган китоблар бор – ўқимаган кексалик – зулмат. Китоб ўқиш мобайнида ҳар ҳаяжонланганда қалб силкиниб, гардлари қоқилади, кўзлар ҳар сафар намланганда эса ювилиб покланади.”<sup>1</sup>

3. *Рекреатив тип* (“рекреация” лотинчада “қайта соғлом бўлиш”, “тикланиш” деган маъноларни беради). Бу типга дам олиш ва кўнгилочар тадбирларнинг барча турлари мансуб. Жумладан, физкультура ва спорт, балиқ овлаш, туризм, ресторан, кафе, чойхонага тушиш, рақс кечаларида қатнашиш, улфатлар билан ўтириш, қариндошларникига меҳмондорчиликка бориш ва ҳ.к.з.

Кўриниб турибдики, бўш вақтни ўтказишнинг биринчи ва иккинчи типлари учинчисига қараганда мазмунлироқ ва маданийроқ туюлади, аммо бу ижтимоий ва шахсий ҳаётда учинчи типдан воз кечиш керак дегани эмас. Бунинг устига амалда кўпчилик кишилар бўш вақтни ўтказишнинг бу типларидан навбатма-навбат фойдаланадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда дунёда кечаётган жараёнлар кўпчилик кишиларнинг, шу жумладан ёшларнинг ҳам бўш вақтларининг мазмунига ўзгартишлар киритди. Натижада бўш вақтни лаззатланиб ўтказишга қаратилган мойилликлар ва бу соҳада хизмат қилишга

---

<sup>1</sup> Аъзамов А. Китоб (Китоб ўқимайдиганларга фойдаси йўқ пандлар) //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2004.-27 авг.

йўналтирилган муассасалар пайдо бўлдики, бу ҳолни *гедонистик* (лаззатталаб) тип деб баҳолаш мумкин.

Бўш вақтни ўтказишнинг бу типи гиёҳвандлик, алкоголизм, фоҳишабозлик, қиморбозлик каби ахлоқий жиҳатдан салбий баҳоланувчи турли фаолиятларни ўз ичига олади.

### **3.2. Ижтимоий-маданий фаолиятда соғлом турмуш тарзи тарғиботи.**

Ижтимоий маданий тадбирларини чуқур ва яхшироқ тушунмоқ учун уларнинг асосий моҳиятига, ўзига хос хусусиятларига, қисқача тарихига, ташкил қилиш методикасига ҳамда тарбиявий аҳамиятига тўхталамиз. Бу ҳақдаги билимлар бадий–оммавий тадбирларнинг конкрет шакллари ташкил қилиш борасида малакага эга бўлишга, амалий ишга киришишга катта ёрдам беради.

**Тўйлар.** Маълумки, ўзбек халқи тўйларни севади. У тўй қиламан, эл дуосини оламан, бошқаларни қувончимга шерик қиламан деган мақсадда яшайди. Шунинг учун тўй ўзбек миллати ҳаётида муқаддас ҳодиса ҳисобланади. Бироқ, совет даврида ўзбек оилавий маросимларини бир қисми тақиқланди, бошқа тақиқлаш мумкин бўлмаганлари (масалан, «никоҳ тўйи») янгича умумсовет анъаналари асосида ўзгартирила бошланди.

Мустақиллик шароитида бу хатоларни тўғрилаш мақсадида оилавий маросимларнинг асосий тадбирлари, чунончи, «исмлаш» одати, «чилла» удумлари, «соч тўйи», «тиш тўйи», «бешик тўйи», «суннат тўйи», «мучал ёши», «никоҳ тўйи» анъаналарини тиклаш учун йўл очилди. 1998–йилни «Оила йили», 2003–йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши оилавий анъаналарга эътибор бериш ва ривожлантириш учун қулай имкониятларни юзага келтирди. Ижобий анъаналар қувватланиб, салбийлари жамоатчилик танқиди объектига айланди.

Оилавий кадриятларнинг ялпи тикланиш жараёни миллий–маънавий тикланиш жараёнидаги муҳим босқич бўлди. Аммо, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, бир иқтисодий тизимлардан иккинчисига ўтиш

пайтида оилавий маросимларни ўтказиш жараёнларида нотабий ҳодисалар ҳам кўзга ташланмоқда.

Сўнги вақтларда ўзбек одатларининг ижобий томонларига кўпроқ диққат жалб этилиб, бу соҳада пайдо бўлаётган салбий асоратлар эътибордан четда қолган эди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов бундай салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида (1998–йил 28–октябрь) махсус фармон чиқарди. Унда айтилишича, кейинги вақтларда тўй–ҳашамлар, марака ва маросимларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабазлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл–юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз–кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол–аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларда соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафсониятларига тегмоқда, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда.

Фармонда кенг жамоатчиликнинг бу борадаги эътирозлари ҳисобга олиниб, бундай сохта хўжакўрсинлик, шуҳратпарастлик одатлари ўрнига, эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, хайр–эҳсон, меҳр–мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева–бечораларга ёрдам бериш, турар жойларини обод қилиш, йўллар, кўприклар куриш, ишлаб чиқаришга сарф қилиш — шундай олийжаноб саъй–ҳаракатлар орқали эл–юрт олдида ўзларига ҳақиқий обрў орттириш каби таклифлар ва маслаҳатлар берилди.

Мазкур фармон, ўзбек тўйларида вужудга келган муаммоларга диққатимизни жалб этди. Дарҳақиқат, баъзи моддий бойиган, бироқ маънавий қашшоқлигича қолган раҳбарлар, бизнесменлар тўйларини «ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам ўтакетган дабдабали равишда ўтказишлар ота–боболаримиздан қолган миллий расм–русумларимизга путур етказиш, муқаддас анъаналаримизни

обрўсизлантиришга олиб келмоқда». Кўпгина иқтисодий бақувват оилалар дабдабали ва ҳаддан ташқари харажатлар билан исрофгарчиликка йўл қўйиб тўй ўтказса, кам харажатли оилалар болаларнинг ризқини қийиб, қарзга ботиб тўй қилишмоқда. Кўпгина маросимлар, масалан, «Бешик тўйи», «Суннат тўйи» оила, қўни–қўшни ва қариндошлар ўртасида ўтказилиши ўрнига, катта байрамга айлантириб кетмоқда.

«Никоҳ тўйи»га оид «нон синдириш», «маслаҳат оши», «куда чақирди», «қиз базми», «юз очди», «келин кўрди», «келин чорлар», «куёв чақирди» каби одатлар алоҳида–алоҳида тадбирга айланиб кетмоқда. Улар ортиқча дабдаба ва катта харажатсиз, ихчам шаклда, оила аъзолари, яқин қариндошлар иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Жойларда катта тўйга айланиб кетаётган «Туғилган кун»лар, «Бешик тўйи», «Суннат тўйи», «Пайғамбар ёши» каби маросимлар ҳам кичик, ихчам, оилавий тадбир сифатида яқин қариндош ва қўни–қўшнилар иштирокида нишонлашни тақозо этади. Ҳозирги даврда ўз бойликларини тарғиб қиладиган — «Кийим кўрди», «Сарпо ёзди», «Тугун қайтди», «Эшик очди» каби ортиқча маросимлардан воз кечиш керак бўлмоқда. Жойларда мол олиш, мол бериш, уй жиҳози, мебель, сарпо, совға ва бошқалар устивор бўлиб, тўйларнинг маданий, ахлоқий аҳамияти кейинги ўринларга тушиб қолмоқда. Шу боисдан ҳам тўй базмларини мазмунли, файзли, юқори бадий савияда ўтказишга ҳам жиддий эътибор бериш кун тартибига қўйилди. Жойларда шаҳар, туман, хўжалик раҳбарлари ёш келин–куёвларга моддий ва маънавий ёрдам бериш кераклигини жамоатчилик томонидан ўртага қўймоқда. Уларни ҳал қилиш учун жойларда — туман, шаҳар, маҳаллаларда нуфузли ва обрўли кишилардан ташкил топган оилавий маросимлар кенгашлари (тўй комиссиялари) ташкил этила бошланди. Бу кенгашлар ўз фаолиятини маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этишга ва жойлардаги оилавий маросимларни муносиб тараққий этишига масъул жамоат марказлари ҳисобланадилар.

Тўй — ҳаётнинг катта шодиёнаси, оила бахт–саодати ва фаровон турмуш рамзи, инсон умрининг гултожи, ҳаётнинг энг бахтли, энг қувончли

дамларидир. Дунёдаги барча халқларда тўй ўтказиш удуми мавжуд. «Тўй» ўзига хос ибрат олиш тантанасидир. Зеро, тўй маросимида баҳамжиҳатлик, аҳиллик, иноқлик, иззат–икром, меҳр–оқибат, меҳмоннавозлик каби фазилатлар ўз ифодасини топади. Инсон зотини қадрлаш, хурматлаш ва улуғлашда тўйлар ана шундай беқиёс қимматга эга.

Халқимизда қадимдан «Бешик тўйи», «Суннат тўйи», «Никоҳ тўйи» ва «Пайғамбар ёши тўйи» кабилар бўлганлиги маълум. Ҳозирги пайтда никоҳ тўйларининг янгича, замонавий шакллари қарор топмоқда. Кейинги пайтларда ўзбек халқи ҳаётига янгилик сифатида кириб келган кумуш, олтин ва олмос тўйлар, юбилей тўйларини ўтказиш ҳам оммалашиб бормоқда.

Тўй бир кишининг шахсий хусусий иши бўлмай, у кенг жамоатчилик ташаббуси ва иштироки билан ўтадиган тантанадир. Шунинг учун тўйларни замон талаби даражасига кўтариш доимо муҳим муаммо ҳисобланади. Чунки ҳозирги пайтда тўйларни ташкил қилиш борасида кўпгина муаммолар мавжуд. Тўйларнинг моддий томонига кўп эътибор берилади. Аммо тўйларнинг маънавий–бадий савияси замон талабидан анча орқада қолмоқда. Тўғри, маҳалла, қишлоқ кенгашлари қошида ташкил этилган тўй комиссиялари ушбу халқ тадбирларини замон талаблари даражасида ўтказишга интилмоқда. Лекин баъзи жойлардаги комиссиялар тўйларнинг моддий ва маиший томонлари билангина машғул бўлиб қолмоқдалар, холос. Комиссия таркибига тўйнинг бадий қисмини ташкиллаштиришга ёрдам берувчи клуб ходимлари ва ижодкорларни ҳам қўшиш зарур. Тўйнинг бадий дастурини тузиш, оммавий рақс, қўшиқларни бошқариб бориш кабиларга ёрдам бериш уларнинг асосий вазифаси қилиб белгиланиши керак. Комиссия ўзининг махсус иш режасига эга бўлиши, тўйлар махсус сценарий асосида ўтказилиши лозим. Сценарийда тўйнинг барча икир–чикирлари (дастурхонга нима қўйилишидан, кимга сўз берилиши ва ким қайси қўшиқни ва бошқа бадий номерларни ижро этишигача) ўз ифодасини топмоғи керак. Чунки маълум режага мувофиқ ўтказилмаган тўй тартибсиз, файзсиз бўлади. Маданият ходимлари ёрдамида тузилган сценарий тўй комиссиясининг



кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, тасдиқланиши муҳим аҳамиятга эга.

Тўйларни ўзига хос байрам тарзида ташкил этиш, уларни ҳар томонлама тартибга солиш, ихчамлаштириш, айниқса, бадий жихатдан бойитиш ҳозирги давр талабидир.

Бугунги кунда никоҳ тўйларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Никоҳ тўйлари аввалги замонларда бўлганидек, ота–оналарнинг ўзаро келишувига биноан эмас, балки йигит–қизнинг розилиги, ўзаро муҳаббати асосида ўтказилади, келин–куёвнинг қайси табақага мансублигидан қатъий назар, уларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланади. Балоғатга етмаган ёшларни никоҳдан ўтказиш бутунлай йўқолди. Булардан ташқари, «қалин» «сут пули» каби ортиқча харажат талаб қиладиган қадимий удумлар деярли барҳам топди, ортиқча харажатлар бутунлай йўқ қилинмасада, уларнинг ўрнини янги оила учун зарур бўлган жиҳозларни олиб бериш анъанаси эгаллади.

Ўзбек никоҳ тўйлари ҳозирги пайтда асосан учта маросимдан иборат бўлмоқда:

1. «Нон синдириш» маросими —келин ва куёвнинг ота–онаси, қариндошларининг никоҳ тўйини ўтказиш режасини тузиб олишлари учун зарур бўлган мулоқот–кенгаш вазифасини ўтайди.

2. Келин ва куёвнинг ФХДЁ рўйхатидан ўтиши. Бу — янги анъана оиланинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунлаштириш вазифасини бажаради.

3. Тўй маросими («Бахт кечаси») ёш йигит–қиз оила қурганлигини тантанали нишонлаш учун хизмат қиладди.

Ҳозирда «Тўй базми», «Бахт кечаси», «Муҳаббат кечаси» ёки «Висол кечаси» деб юритиладиган никоҳ тўйларининг замонавий анъаналари вужудга келмоқда. Эндиликда тўй тадбири ўтказиладиган жойни безаш, тўрда давра тўрига сержило гиламлар очиб, унга келин–куёвнинг исмини ёзиш ва никоҳ рамзи — бирлашган икки ҳалқа тасвирини тушириш, тўй дастурхонини турли ноз–неъмат ва мевалар билан безаш, келин–куёвларни

«Тўйлар муборак» кўшиғи билан тантанали кутиб олиш, маҳалла кўмитаси раисининг тўйни очиши, тўй иштирокчиларининг икки ёшга дил сўзлари ва истакларини баён қилиши, куй–қўшиқлар ижро этиши, базм иштирокчиларининг ўйин–рақсга тушиши, келин–куёвни «Биринчи висол оқшоми»га кузатиш, ниҳоят, хонадон бошлиғи ёки маҳалла оқсоқолларидан бирининг тантана якунида тилак билдириши каби замонавий ўзбек тўйларининг асосий элементларига айланган.

Оилавий маросимлар, турли тўй тадбирларининг таъсирчанлигини янада ошириш учун: турар жойларда халқ маросимлари кенгашини тузиш; анъанавий халқ одатларининг энг яхши жиҳатларини кенг тарғиб қилиш; кам даромадли оилаларнинг тўйларини маҳаллий раҳбарлар ёрдамида уюштириш; никоҳ тўйи маросимларини ихчамлаштириб, барча тадбирларни бир кунда ўтказиш; маросим либослари бўйича кўрик–танловлар ўтказиш; маросимларни ихчам, файзли ва юқори маданий–бадий савияда уюштириш; яқин қариндошларнинг бир–бири билан куда–анда бўлишини тушунтириш; диний одатлар орасида пайшанбалик, якшанбалик, учлик, етти, йигирма, қирқ каби шариатда бўлмаган удумларни ихчамлаштириб, уларни оила доирасида ўтказиш лозим.

Оилавий маросимларнинг маданий, маънавий, ахлоқий, тарбиявий жиҳатларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Оилавий маросимларни ўтказиш жараёнида намоён бўладиган инсонпарварлик, меҳрибонлик, меҳмондўстлик, олижаноблик, иноқлик каби фазилатлар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Бу тадбирлар давомида авлоддан–авлодга ўтиб келаётган халқ одатлари, фольклор жанрлари (ўлан, лапар, ёр–ёрлар, маросим кўшиқлари), рақслар, ўйин–мусобақалар, дуолардан фойдаланиш — ёшларнинг маънавий камол топиб улғайишида хизмат қилди.

**Юбилейлар.** (Юбилей сўзи лотинчадан келиб чиққан бўлиб, бирор бир санага бағишланган ёки бирор бир шахс ҳаётининг муҳим йирик кунига бағишланган тадбир, тантанани ифода этади).

Бугунги кунда шахс, оила, жамоа, маҳалла, кишлоқ, шаҳар, туман, вилоят, республиканинг йирик саналарига ҳам бағишланиб тантанали тадбирлар ўтказилмоқда. Уларни ҳам кенг маънода юбилейлар дейишади.

Мустақиллик туфайли қадимий тарихий шаҳарлар: Тошкентнинг 2200 йиллик, Бухоро, Хива, Термизнинг 2500 йиллиги, Қарши ва Шаҳризабзнинг 2700 йиллик, Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейлари нишонланиши олқишларга сазовар. Шунингдек, жаҳон маданияти равнақига муносиб ҳисса қўшган аجدодларимиз таваллуд кунларини нишонлаш ҳам анъанага айланди.

Азалдан мустақкам анъаналарга эга бўлган ўзбек оилалари ҳаётига ўзига хос оила юбилейлари, яъни эр–хотиннинг 25 йил, 50 йил ва 75 йил биргаликда оилавий ҳаёт кечирганига бағишланган қумуш, олтин ва олмос тўйини ўтказиш билан боғлиқ янги тантанали тадбирлар нишонланмоқда.

Киши ҳаётида ижтимоий характерга эга бўлган кўпгина ҳаяжонли ҳодисалар ҳам юз берадики, улар ҳам байрамона ёки тантанали кайфият яратади. Шахс ҳаётининг муҳим санасига бағишланган тантанали тадбир йирик воқеалар сирасига киради. Шунинг учун киши ҳаётида 50, 60, 70, 80 ёшини нишонлаш маросимлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нафақат атоқли давлат арбоблари, маданият ва санъат ходимлари, ёзувчиларнинг «юмалоқ» саналари, балки ишчи, хизматчи, деҳқон, боғбон, чорвадорларнинг юбилейлари жамоаларда муҳим воқеа сифатида нишонланиши катта маданий–тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки улар кўп йиллар меҳнат қилиб, жамоанинг умумий ишига ўз ҳиссасини қўшган. Унга ва жамоа аъзоларига бу дақиқалар жуда ҳаяжонлидир. Бу воқеани эсда қоладиган байрам тарзида тантанали ўтказиш одамнинг кўнглини кўтаради, йиллар давомида қилган меҳнатига эътиборни билдиради. Ушбу маросим республикамизнинг баъзи корхона ва ташкилотларида, маданият муассасаларида яхши анъана тарзида нишонланиб келинади. Бу маросим тадбирини ўтказишнинг умумий жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади ва қуйидагича ўтказилади: Аввало тадбир ўтадиган жой (корхона ёки муассасанинг мажлислар зали, клуб, маданият уйи) меҳнат ҳақидаги

мақоллар ва ҳикматли сўзлар билан безатилади. Шунингдек, юбилярнинг ҳаёти ва меҳнатига бағишланган кўргазма ташкил қилинади. Кўргазма экспонатларида фахрийларнинг меҳнат самаралари, улар ишлаган жамоа қандай кўрсаткичларга эришганлиги ва қанча шогирд тайёрлаб етиштирганлиги ҳақидаги маълумотлар акс этади.

Залда корхона раҳбарлари, ишчи–ҳодимлар, юбилярнинг шогирдлари, оила аъзолари, дўстлари ўтиришади. Юбиляр меҳнат йўли ва ютуқлари ҳақида сўз борганда, улар ҳужжатлар, фотосуратлар, кинокадрлар орқали мусиқа оҳанглари ва шеърлар жўрлигида намойиш қилинади. Сўнг бошқарувчи юбилярнинг оиласи ҳақида сўз юритади.

Юбилярнинг биринчи шогирдлари, ҳамкасблари ўзларининг дил сўзларини айтишади. Жамоанинг эсдалик совғаси хотира сифатида фахрийнинг шаънига билдирилган табрикномага қўшиб топширилади ва тантана маросимнинг кульминациясидир. Фахрий ёрлик топширилар экан, унинг тўланишининг қонун–қоидалари, яратилган қулайликлари ҳақида қисқа гапирилади. Юбиляр ўзининг жавоб сўзида барчага миннатдорчилик изҳор қилиб, ўзини доимо шу жамоа билан биргаликда ҳис қилишини, тажрибалари ва маслаҳатлари билан ёшларга ёрдам беришга ҳамиша тайёрлигини алоҳида таъкидлайди.

**Байрамлар.** Қадимги даврдан жамоа ҳаётида муҳим ўрин тутган ҳодиса ва хурсандчилик билан ўтадиган воқеалар замирида маросим ва байрамлар шаклланган.

Қадимги фетешистик, анимистик, тотемистик, магия политеистик каби эътиқодлар асосида табиатнинг асосий унсурларини илоҳийлаштириб, куёшни «Куёш бобо», ойни «Ой момо», ерни «Она ер», ҳавони «Момо ҳаво», сувни «Оби ҳаёт» деб уларга бағишлаб аждодларимиз маросимлар ўтказишган. Ёмғир тилаш — «Суст хотин», шамол чақириш — «Чой момо», куёш чорлаш — «Куёшжон», табиий офат бўлганида қурбонлик қилиб, исчиқариш одат–маросимларини ташкил қилишган.

Қадимги байрамлар табиий эҳтиёж заминида пайдо бўлган ва табиат билан узвий боғланиб уларда меҳнат жараёни ҳамда турмушнинг муҳим воқеалари таъсирчан тарзда акс эттирилган, табиат шодлик ва хурсандчилик ҳолатини вужудга келтиргандагина нишонланган. Масалан, баҳор келиб табиат уйғониши, далаларнинг ям-яшил либосга бурканиши кишиларда беихтиёр байрам кайфиятини уйғотади. Ёзда қуёш тик келиб, энг узоқ кун ва энг қисқа тун содир бўлганда, ҳарорат юқори даражага кўтарилиб, сувга эҳтиёж кучайганида сувга бағишланган ҳайитлар («Ангом ҳайит», «Вахш ангом») ўтказилган.

Кузда тун билан кун тенг бўлганида, деҳқонлар ҳосилни йиғиб олган пайтда — ҳосил байрами («Меҳржон» — Чирӣ–руж», «Ним–сарда»)ни нишонлаш хоҳиши туғилган.

Қишда энг узоқ тун ва қисқа кун содир бўлганида ёки қиш чиқиш палласида одамларда исиниш эҳтиёжи кучайиб, улар «Сада» — «Олов (гулханларда исиниш) байрами»ни ўтказишган. Демак, йилнинг тўрт фаслидаги бу байрамларнинг барчаси табиий эҳтиёжлар асосида вужудга келган. Наврӯз ва куз байрамлари табиатдаги қувончли ўзгаришларни қутлашга асос берган бўлса, ёздаги «Ангом ҳайити» ва қишдаги — «Сада» табиатда вужудга келган ноқулайликни унинг ўзида мавжуд бўлган сув, олов орқали қулайлаштиришга интилишни билдирган.

Ёзнинг иссиқ фаслида сувга тушган, изғирин қишда оловда исинган одам роҳат қилиши табиийдир. Шу боис одамлар ўзларига ҳузур, шодлик ато этган сув ва оловга чуқур эҳтиром билан қарашган. Сув ва оловни илоҳийлаштириб, уларга бағишланган байрамларни ўйлаб топишган.

Ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаёти раванқ топган. Айни шу даврда уларнинг байрам–маросимларида ривожланиш юз берган. Айниқса, IX — XII асрлар ва XIV — XV асрларда бу ўлкада байрамлар жуда катта тантаналар билан нишонланган. Бу даврда ўлкада ислом дини кенг ёйилиб, ушбу динга хос «Рўза ҳайити», «Қурбон ҳайити», «Рамазон» каби байрамлар халқ ҳаётидан ўз ўрнини топди. Байрамларни ташкил қилиш учун

«Намозгоҳ», «Ийдгоҳ», «Мусалла–ийд» каби шаҳардан ташқари масканлар барпо этилди.

Халқнинг қадимий байрамлари ўрта асрлар бошида сақланган бўлса–да, кейинчалик бу байрамлар ўтказилишига қарши кураш натижасида улар ўз мавқеини йўқота бошлаган. «Наврўз»нинг эса табиат ўзгаришлари билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли уни таъқиқлаш, халқ ҳаётидан сиқиб чиқариш самара бермаган. «Наврўз» ўрта асрларда ҳам халқнинг севимли байрами бўлиб қолган.

Давлатчилик ривожланиши натижасида ҳукмдорлар ҳаёти билан боғлиқ тўйлар, унинг фарзандлари ва неваралари ҳаёти билан боғлиқ маросимлар ва давлат миқёсидаги ижтимоий–сиёсий воқеалар билан боғлиқ байрамларни ўтказиш кенг ёйилган. Темурийлар даврида ўлкамизда маданият раванқ топиб, байрам–маросимлар кенг ривожланган. XVI–XIX асрларда эса тез–тез урушлар бўлиши, хонлик ва бекликларга бўлиниш юз бериши байрам, маросимлар ўтказилишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ўлкада Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари юзага келиши натижасида, бу ҳудудларда ўтказиладиган байрамларда айрим ўзига хослик пайдо бўлган бўлса–да, байрамларга хос умумий жиҳатлар сақланиб қолаверган. Амир ва хонлар халқ ўртасида ўз обрўйини кўтариш мақсадида байрамларга алоҳида эътибор бериб, ўз манфаатига мос келувчи ғояларни байрам томошаларига сингдиришга ҳаракат қилишган.

XVI—XIX асрларда ўлканинг зиёлилари, санъаткор ва шоирлари (Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Файзий Фаёзий, Муҳаммадали Соиб, Мирзо Бедил, Калим Кошоний, Садриддин Айний) халқ байрамларини кенг тарғиб қилган. Уларнинг илғор ғоялари туфайли халқимизнинг гўзал байрамлари сақланиб қолинган. Бу даврда ислом байрамларига эътибор кучайгани ҳолда, зардуштийлардан қолган қадимий байрамлар (Меҳржон, Сада) деярли унутилган.

Ўрта Осиё халқларининг анъана ва байрамлари табиат ўзгаришлари, иқлим, йил фасллари, аҳолининг турмуш шароити, меҳнати, маданияти

асосида шаклланиб ва ривожланиб боргани учун ҳар фаслга мос: баҳорда — меҳнат мавсумига киришдан олдин, ёзда — ҳосилни йиғиштиришдан олдин, кузда — ҳосил йиғиб олинганидан сўнг ва қишда чорвадор–деҳқонларда бўш вақт кўпайганида мавсумий маросим ва байрамлар ўтказилган. Бу мавсумий байрам–маросимлар ўзида аجدодларимизнинг асрлар давомида шаклланган бой маданий меросини мужассамлаштирган.

XIX аср охири — XX аср бошларида Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг истилочилар ўз сиёсати билан бирга, бу ерга ўз маданияти ва одатларини ҳам олиб киришга интилди.

1917–йилдан сўнг шўролар ўзларининг коммунистик ғояларига хизмат қилувчи ва барча жойларда нишонланиши шарт бўлган ижтимоий–инқилобий байрамлар тизимини: Янги йил байрами (1–январь), хотин–қизлар байрами (8–март), Чикаго фожиаси муносабати билан пролетариат курашини нишонловчи кун (1–май), Иккинчи Жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалаба куни (9–май), октябрь инқилоби куни (7—8–ноябрь) кабиларни жорий этди. Бу байрамлардан мақсад кишиларга коммунистик ғояларни чуқур сингдириш эди.

Шўро ҳокимияти даврида барча миллат кишиларини ягона совет халқига айлантириш мақсадида миллий онг, халқ анъаналари, маънавий қадриятларга қарши норасмий кураш олиб борилди. Натижада, ўзбек халқ анъанавий маданияти ҳам ўз «томирлари»дан узилиб қолди. Жуллас, анъанавий ўзбек халқ байрамлари шўролар даврида кўплаб таъқиб, тазйиқларни бошидан кечирди.

Мустақиллик туфайли ўзбек байрамлари тарихида янги саҳифа очилди. Ўзбекистон раҳбарияти энг аввало, халқимизнинг эҳтиёжи, орзу–истакларини ҳисобга олиб, азалий байрамларни тиклашга ва янги истиқлол байрамларини халқнинг қадимий анъаналарига монанд ҳолда шакллантиришга катта эътибор бера бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фармонлари асосида «Наврўз», «Рўза ҳайит», «Қурбон ҳайит»лар расман тикланиб, халқ ўртасида кенг нишонлана бошланди.

Шунингдек, истиклолни шарафлайдиган байрамлар «Мустақиллик куни», «Конституция куни», «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» жорий этилди. Давлат тили ҳақидаги қонун чиққан кун (21–октябрь) табиий равишда «Тил байрами»га айланиб кетмоқда. Ўзбекистон тақвимида қадимий шаҳарлар куни, жумладан «Самарқанд куни» ҳам пайдо бўлди. Ўз навбатида Ўзбекистонда истиклолгача пайдо бўлган барча байрамларни тақиқламай, улар орасидаги умуминсоний ғоя ва қадриятларни тарғиб қилувчи «Янги йил байрами», «Хотин-қизлар байрами» кабилар сақлаб қолинди.

Мустақиллик шароитида жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аجدодларимизнинг таваллуд кунларининг йирик саналарини нишонлаш ҳам халқимизнинг энг улуғвор анъаналарига айланмоқда. Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган Тошкент кинофестивали (1996), «Шарқ тароналари» (Самарқанд, 1997), «Театр фестивали» (1997), «Симфоник мусиқа фестивали» (1998) каби халқаро анжуманлар ҳам халқимизнинг маданият байрамларига айланиб кетмоқда.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг асосий давлат байрамлари шаклланди, халқаро даражадаги анжуманлар, йирик санага бағишланган тадбирлар ўтказиш тажрибалари вужудга келди.

**Сайиллар.** Халқ сайлида ҳар ким ўзига ёққан томоша, кўрик, мусобақа, қизиқарли ўйинларда қатнашиши мумкин бўлган. Бир жойда байрам кўргазмалари, кўрик–конкурслари; 2–жойда — дор ўйини, полвонлар мусобақалари; 3–жойда — аскиячи, қизиқчилар чиқиши, театр томошалари; 4–жойда — бадий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор–этнографик ансамбллар концертлари; 5–жойда — спорт мусобақалари (кураш, пойга, чавандозлик) кабиларни уюштириш мумкин.

Ўзбек халқи жуда сайилларга бой, жумладан, баҳорги — «Сумалак сайли», «Гул сайиллари», ёзги — «Сув сайли», кузги — «Қовун сайли», «Узум сайли», «Анор сайли» «Анжир сайли», кабилар.

Қуйида уларнинг баъзиларига тўхталамиз.



«Бойчечак сайли»да болалар бойчечак очилиши билан уни теришган, сўнг уйма–уй кириб қариялардан суюнчи ва дуо олишган.

Сумалак тайёрлаш ва қозонга солиб пишириш чоғида қилинадиган ўйин–кулги; сумалакхўрлик қилиш, сумалакни одамларга улашиш — «Сумалак сайли» уюштирилган.

Қир–адирларда, лолалар қийғос очилган пайтларда кишилар далада сайир қилишган, лола теришган, мусобақа ва ўйин–кулгилар ташкил қилишган, лаззатли таомлар тайёрлаб ейишган ва мароқли дам олишган.

Тут пишганда кишилар тутзорларга боришиб, аввал унинг пишган меваларидан териб ейишган, сўнг соя–салқин жойларда турли мусобақалар, ўйин–кулги ва томошалар уюштириб, табиат қўйнида дам олишган.

Ўрта Осиё иқлими шароитида сувга бўлган табиий эҳтиёж кучайганда кишилар сувни эъзозлаш, унинг қадрини англаш билан бирга, сув ҳавзаси ёнида дам олишган ва чўмилишган.

Энг яхши узум навлари етиштириш бўйича мусобақалашган боғбонлар боғ–роғларда ўйин–кулги қилишиб, дам олишган, бозорларда узум савдолари ҳам ташкил қилиб, узум сайли ўтказилган.

Қовун пишганда полизларда, бозорларда ўзига хос кўрғазмалар қилиниб, ғолибларни мукофотлаб, томошалар уюштирилган.

Кузнинг охирида боғларда дарахт барглари сарғайиб тушаётган вақтда, дов–дарахтлардаги охирги меваларни териш ва бу йилги мавсум билан хайрлашиш мақсадида «Боғ сайли» уюштирилган.

**Дам олиш ва маданий ҳордиқ тадбирларини ташкил этишда анъана, одат ва маросимларнинг ўрни бекиёс.** Ҳар бир халқнинг ижтимоий–маданий ҳаётида азалий анъана, урф–одат, маросим, байрамлар алоҳида ўрин тутади. Улар кишилар турмуш тарзининг ўзига хос ҳодисаси сифатида маданий ҳордиқ жараёнларини ташкил этишда (баъзи мустаснолар билан) алоҳида аҳамият касб этади.

**Анъана** — тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, авлоддан–авлодга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида, кишилар онгига сингган,(умум ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуа ҳисобланади.

Халқ анъаналари — узоқ тараққиёт жараёнида халқнинг маданий–марифий тафаккури ижтимоий–маънавий эҳтиёжлар асосида вужудга келиб, уларнинг ақлий–ижодий фаолияти асосида, атроф–муҳит, табиат, меҳнат жараёнига боғлиқ ҳолда авлоддан–авлодга ўтиб, тараққий этган ва асрлараро аждодлар фикрлари, орзу–ўйлари, тажрибаларини мужассамлаштирган бебаҳо ижтимоий–маданий меросдир.

Аждодларимиз эътиқоди асосида касалликнинг олдини олиш ёки ундан сақланиш учун исриқ тутатиш, турли маросимларда шам ёқиш, тўйларда гулхан атрофида айланиш, ўт атрофида кечки базмлар уюштириш, чавандозларнинг катта гулхан алангаси устидан сакраш ўйинлари, баъзи беморларнинг шифо топиш мақсадида гулхан устидан хатлаб ўтишлари, чақалоқни олов устидан ўтказиб олиш, муқаддас дарахтлар шохига турли латталардан «алам» боғлаш каби удумларни учратиш мумкин.

**Одат** (урф–одат) — кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти–ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ–атвор қоидаси, кўникмасидир. Масалан, кичикларнинг катталарга салом бериши, уй–ҳовлини тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, байрам арафасида кекса қариялар, касал, ожиз, қийналган кишилар ҳолидан хабар олиш, кўни–қўшнилари билан бирор ишига ёрдам бериш, ҳашарга бориш қабиладиган ўзбек халқига хос яхши одатлар ҳисобланади.

«Одат» деган тушунча психологияда ҳам мавжуд, у маълум шароит таъсирида вужудга келиб, кишининг феъл–атворида мустаҳкамланиб қолган ва кейинчалик ўз–ўзидан беихтиёр бажариладиган ҳаракат маъносини

билдиради ва муайян бир кишининг турмуш тарзи, хатти–ҳаракати, хулқ–атвори, мулоқоти ва оилавий муносабатларида намоён бўлади.

**Маросим** — инсон, оила, жамоа ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган, расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтадиган, умум қабул қилинган қоида–тартибларга амал қилинадиган ҳаётий тадбир. Масалан, исм қўйиш, никоҳдан ўтиш, дафн қилиш, хотирлаш, экишга киришиш (уруғ қадаш), ўримга киришиш каби маросимлардир.

Маросим инсон ҳаётида муҳим ҳодисалар содир бўлганида вужудга келади ва кишилар ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни (масалан, туғилиш, уйланиш, ўлим) қайд этади, расмийлаштиради. Ўзбек оилаларида ёш авлодни тарбиялаш учун ўзига хос маънавий «зина» сифатида хизмат этадиган, чақалоқ туғилгандан, то улғайиб, янги оила қургунгача бўлган ҳаётий муҳим воқеаларни қайд қиладиган ва маросимлар тизими («Чақалоқ дунёга келиши», «Исм бериш», «Чақалоқ чилла», «Бешик тўй», «Соч тўй», «Тиш тўй», «Биринчи қадам», «Суннат тўй», «Мучал ёш», «Никоҳ тўй» кабилар) вужудга келган.

Маросимларни ўтказишда авлоддан–авлодга ўтадиган, рамзий ва расмий анъаналар, қоидаларга амал қилинади. Маросимга бўлаётган воқеага «гувоҳ» сифатида одамлар чақирилади. Одамлар кимнингдир ғами ёки қувончига шерик бўлишади, келажак учун яхши ниятлар қилишади. Ҳар бир маросимнинг ўзига хос умум қабул қилинган тузилиши (бошланиши, ўртаси, охири) бўлади.

Инсон ҳаётида бўлиб ўтаётган муҳим воқеани нишонлаш жараёнида анъана ҳам, одат ҳам, маросим ҳам мужассамлашади. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин: Ёшлар вояга етганида — йигитлар уйланади, қизлар турмушга чиқади. Бу авлоддан–авлодга ўтиб келадиган анъана саналади. Йигит–қизнинг оила қуриши учун никоҳ тўйи ўтказилади. Никоҳ тўйи ўтказиш эса инсоният ҳаётига сингган, муайян қоидага, маълум тартибга эга бўлган урф–одат ҳисобланади.

Никоҳ тўйларининг асосий шартларидан бири, куёв ва келиннинг никоҳдан ўтишидир. Ҳар бир даврда бу тўй билан боғлиқ ўзига хос одатлар вужудга келган. Масалан, ҳозирги пайтда махсус безатилган машиналарда кўчаларда юриш, гувоҳлар билан «Бахт уйи»га бориш, никоҳдан ўтаётганда давлат гимни янграши, «Бахт уйи» ходимларининг саволларига жавоб бериш, керакли хужжатларга имзо чекиш, никоҳ узукларини алмашиш каби одатларга амал қилинади. Бу расмий ва тантанали равишда ўтадиган маросимга айланган. Никоҳ тўйидаги одатларнинг адо этилиши келин–куёв, уларнинг қариндош–уруғи, ёру дўстлари учун ҳақиқий шодиёна саналади.

«Анъана», «одат», «маросим» бир–бири билан бевосита боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Шу боис анъаналарнинг таркибий қисми одат, одатнинг таркибий қисми эса маросим ҳам бўлиши мумкин. Масалан, билим юртини битирган ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқаришга бориб иш бошлаши одат тусига кириб қолган. Бу муҳим воқеа муносабати билан анъанавий тадбирлар ташкил қилиш мумкин. Бу одатнинг таркибий қисми — ёшларни тантанали равишда меҳнат жамоасига қабул қилиш ўз–ўзидан маросимга айланади.

Баъзи ҳолатларда «анъана», «одат» ва «маросим» тушунчалари алоҳида ишлатилса, улар мавҳум маънони англатиши ҳам мумкин. Бундай пайтда уларга аниқловчи сўзлар қўшилиб, масалан «анъанавий тадбир», «анъанавий байрам», «анъанавий фестиваль», «анъанавий кеча» ёки «мукофотлаш маросими», «тўй маросими», «пенцияга кузатиш маросими» тарзида қўлланади. «Маросим» сўзи жамоатчилик иштирокида ўтказиладиган катта тадбир маъносини билдиради.

Баъзи маросимлар (дафн қилиш ва қайғули ҳодисалардан ташқари) байрамларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши мумкин. Баъзи маросимлар байрам кунидан бошқа пайтларда ташкил қилинса ҳам, у байрам тусини олади. Масалан, «чигит қадаш», «диплом топшириш» маросимлари ўз–ўзидан байрамга айланади. Тантанали равишда аттестат топшириш маросими ҳам ҳар бир ўспирин учун катта байрам. Булар маросим байрамларининг таркибий (ёки асосий) қисми эканлигини билдиради.

Байрам деганда бирор бир муҳим ҳодиса, воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш тушунилади.

«Анъана», «маросим», «байрам» атамалари ўзгармас тушунчалар эмас. Замона тараққиёти ва турмушдаги ўзгаришлар таъсирида тушунчалар мазмуни ҳам кенгайиб боради.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида талабга жавоб бермай қолган анъана ва байрамлар аста–секин унутилади, моҳиятан халқчил, ижтимоий салмоққа эга бўлган анъаналар тараққий этади. Масалан, «Наврўз», «Қовун сайли», «Лола сайли» ва ҳоказо байрамлар замонавий талабларга жавоб бергани учун асрлар давомида яшаб келмоқда. Халқ турмушининг ўзгариши унга мос анъаналарни вужудга келтиради. Ўзбек халқи ҳаётида ҳам яқин йиллар ичида авваллари мавжуд бўлмаган кўплаб ижтимоий ва шахсий–оилавий анъана, маросим ва байрамлар пайдо бўлди. Мустақиллик даврида пайдо бўлган «Офарин», «Ниҳол» кўрик–танловлари янги маросим бўлиб, улар ижодкорни илҳомлантириш ва тақдирлаш учун қулай имконият яратмоқда. «Ниҳол» кўрик–танловлари ғолибларини тақдирлаш маросимларида уларнинг номлари эълон қилинади. Ёшлар ўз ижодларидан намуна кўрсатишади ва уларнинг ҳар бирини таниқли санъаткорлар қутлаб, «Ниҳол» мукофоти топширилади. Қолибларга аталган бадий «СОВҒА» тақдим этилади.

«Офарин» мукофоти истеъдодли ёзувчилар, журналистлар, санъаткорларнинг энг яхши асарлари учун бериб борилади. Самарали ижод қилган санъаткорларни аниқлаш учун махсус ҳайъат ишлайди ва ғолибларни аниқлайди. Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида махсус маросим–концерт уюштирилиб, унга Республикамиз зиёлилари, адиб ва шоирлар, санъаткорлар таклиф этилади. «Офарин» мукофоти нишони ва қимматбаҳо совғалар эгаларига тантанали суратда топширилади. Улар шаънига дил сўзлари айтилиб, кўшиқлар бағишланади. Албатта, мукофотлар ижодкорларга «кўш қанот» бўлади.

#### **4- машғулот:**

**Ижтимоий-маданий фаолият соҳасига кадрларни тайёрлаш сиёсати. Хорижий давлатларда ижтимоий-маданий фаолият тизими. Ижтимоий-маданий фаолият фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши.**

**4.1.Ижтимоий-маданий фаолият соҳасига кадрларни тайёрлаш сиёсати. Хорижий давлатларда ижтимоий-маданий фаолият тизими.**

“Ижтимоий маданий фаолият” таълим жараёнини “Ижтимоий маданий фаолият” таълим йўналиши ДТС, ўқув режаси ва фан дастурларига асосан ташкил этилади.

Ижтимоий маданий фаолиятни замонавий тарзда ташкил этиш ва бошқариш бўйича кадрлар тайёрлашда, асосан муассасаларнинг фаолияти жараёнида аста қотадиған, зарур назарий ва амалий билимларни бериш ДТС ва малакавий талабларда кўрсатиб ўтилган. Маданият ва санъат соҳаси ташкилотчи ходими адабиёт, санъат ва маданият фанларининг назарий, тарихий жиҳатларини ўрганиши касб талаби ҳисобланади. Шунинг учун умумкасбий фанлар блокада Жаҳон ва ўзбек адабиёти, театр тарихи, мусиқа тарихи, тасвирий ва амалий санъат тарихи, маданият тарихи ва халқаро маданий алоқалар каби фанлар кетма-кетликда талабаларнинг соҳа бўйича тарихий, назарий билимларга эга бўлишини таъминловчи фанларни ўзлаштирадilar. Бу фанлар мутахассислик фанларини тўлдирувчи фанлар бўлиб энг асосий аҳамият касб этади.

Асосан мутахассислик фанлари соҳанинг тарихий –илмий назарий асосларига оид фанлар билан биринчи босқич бошланади.

Бўлажак маданият ходимлари доимий иш фаолияти давомида аҳоли билан мулоқотда бўлишида нутқ асосий ўрин эгаллайди. Шунинг учун 1 курсдан нутқ маданият фани ўқитилади. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида ижтимоий маданий фаолият ходимларининг энг асосий фаолияти маданий тадбирларни ташкиллаштиришдир. Шу соҳа билим ва кўникмасини эгаллаши учун театр-томоша тадбирларини ташкил этиш , лойиҳалаштириш ва режалаштириш фани кўл келади. Ҳар қандай фаолият тўғри лойиҳа ва режалаштириш билан амалга оширилади. Бу фанни

Ўқитишда 3та босқич инобатга олиниши керак. 1-лойиҳалаштириш, 2-режалаштириш ва 3- ташкил этиш жараёнлари ўқитиш тизимида ташкиллаштирилади. Шу жараённинг тўла таъминоти учун маданият ва санъат соҳасининг молиявий ҳисобини талабаларга тўлиқ ўргатиш лозим. Агар замонавий мутахассис молиялаштириш ва иқтисодий тизимни тушунмаси иш жараёнида доимий муаммоли вазият юзага келиш эҳтимоли бўлади. Юқори босқичда маданият ва санъат соҳаси фаолияти аҳолининг регионал хусусиятлари, эҳтиёжлари асосида ташкиллаштириш учун худуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши шарт. Хоразм, Бухоро, фарғона-Тошкент ва Сурхондарё, Қашқадарё худудларининг урф одатлари, анъаналари ва санъати, ижро усулларида ўзи хослик англанади.

1999 йил 19 июнда Европанинг 29 давлатининг таълим тизими вазирлари томонидан Болония декларацияси имзоланди ва 2010 йилга қадар Европанинг барча давлатлари ана шу тизимга кириши назарда тутилган.

Европа талабалари кенгаши (11 миллион талаба 37 давлатдан) 2001 йил Баллония жараёнини қўллашга қаратилган ҳаракат фаолиятиини ўз зиммасига олди ва 2 йил давомида талабаларнинг фикрларини ўрганади. Албатта қарама-қарши фикрлар кўп бўлган. Ижобий жиҳатлари ва камчиликлар аниқланган. 2005 йил ушбу жараённи танқидий ўрганишга кирилишган ва “Черная Книга Болонского процесса” деган маълумотномани тақдим этилди. Унда кредит тизимини самарасига ва магистратурада ўқиш учун катта маблағ талаб этилаётгани, талаларга етарли даражада эркинлик берилмаётганлиги ва ҳаддан ташқари меҳнат бозорига специализация қилинаётганлиги ҳақида ёзилган.

### **Ижобий жиҳатлари:**

1. Балония жараёнига қўшилиш талабалар ва педагогларнинг мобил ҳаракатини таъминлайди. Талаблар билан алмашиш кенгайди.
2. Иш билан таъминланиш даражаси кенгайди.

Замонавий педагогик технологияларни бир неча турга бўлиш мумкин:

1. Муаммоли таълим технологиялари.
2. Дидактик- ўйинларга асосланган технологиялар.

3. Ҳамкорлик технологиялари.

4. Модулли технологиялар.

**Мудулли технологиялар**- энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган, Б.К.М. диагностикасида турли шаклларидадан фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи яхлит жараён.

**Модуль** - мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.

**Модуль дастур**- бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисидир.

**Ўқув модули** – нисбатан мустақил , мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда яқуний назорат каби қисмлардан иборат.

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўзлаштириш бўйича самарали натижани таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб қолмоқда. Модул бу шундай мақсадгша йўналтирилган боғламки, у ўзида ўрганиладиган мазмунни ва уни ўзлаштириш технологиясини акс эттиради.

Бугунги кунда талаба шахсини барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта таълим шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади. Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида талабанинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу элементлар ҳисобга олинган тақдирда ўз-ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади.



Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалардан бири бу субъект-объект муносабатларидир. Бу ёндашув немис педагоги И.Ф.Гербард томонидан (1776-1841йиллар) киритилган. Бундй ёндашувда педагог субъект рлини бажаради ва қандай ўқитиш, қандай талабаларни ишлаб чиқиш, талабалар жамоасини қай йўналишда ривожлантиришни фақат ўз ёндашуви асосида ҳал этади. Талабалар эса пассив ҳолда объект рлини бажаради. Талабаларнинг асосий фаолияти эслаб қолиш, тушиниш, қўллашга ўрганиш ҳисобланади. Бу парагдимага қарши ғояни америкалик педагог Д. Дьюи ишлаб (1859-1952 ) чиқади. Унинг фикрича нимани ва қандай ўқиш лозим деган саволларга жавоб топишда талабага ҳам эркинлик бериш ва унинг ҳохишларини ҳисобга олиш лозим. Токи талаба ўз фаолиятини, ўз тақдирини, ўз ҳаётини мустақил бошқаришга фаол киришсин. Бу концепция “субъект-субъект” муносабатлари сифатида тан олинди ва кўпгина ривожланган давлатлар таълим тизимида ўз ўрнига эга.

Айтиш жоизки, таълим тарихида йиғилган бой дидактик тажрибанинг ижобий жиҳатлари ўз аксини модулли таълимда топди.

“Модулли таълим ” тушунчаси 1971 йилларда Дж.Рассел томонидан киритилди. Рассел модулни ўқув пакети сифатида талқин этади ва унга ўқув материалининг концептуал бирлигини ўрганишга оид ҳаракатларни киратади. Б.М.Гольдшмид – модулни талабага маълум кўзланган натижага етишга ёрдам берувчи мустақил бирлик сифатида талқин этади (1972 й).

Г.Оуенс модулни ёпиқ комплекс сифатида талқин этади ва бу комплексга ўқитувчи, ўқувчи, ўрганиладиган ахборот материали, воситаларни киратади.(1975 й).

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А.Юцявичене модулни маълум даражадаги мустақил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П. Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини

Ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модулларни ажратиш мумкин:

- мустақил концептуал кичик бирлик;
- модул мустақил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блокларни ўзида мужассам этади;
- модул маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади;
- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

Бундан ташқари “модул” тушунчасига тегишли бўлган бир қанча **хусусиятларни ажратиш мумкин:**

- Мақсад;
- Турли хил турдаги ўқув фаолиятини интеграцияси;
- Методик таъминот;
- Мустақил ривожланиш;
- Таълим жараёнидаги талабанинг мустақиллиги;
- Ўқув ахборотини таҳлил қилиш ва структуралаштириш кўникмаси;
- Назорат ва ўз-ўзини назорат;
- Талабанинг таълим олишдаги шахсий траекторияси.

**Модуль бир неча блоклардан иборат бўлиши мумкин:**

1. Блок. Кириш назорати- янги мавзуни ўрганиш учун мавжуд базавий ва қолдиқ билимларни текширишга қаратилган.
2. Блок. Назарий блок. Мавзунинг ҳар бир мантиқий бўлаги учун тузилган ахборот ва кўргазмали материаллардан иборат (Ахборот расм, диаграмма, схемаларда тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ).
3. Блок. Назарий ахборотни ҳар бир бўлагини талабалар билан биргаликда таҳлил этишга қаратилган.
4. Блок. Амалий блок. Назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.
5. Блок. Чуқурлашиб борувчи блок. Мавзуга оид соҳа бўйича мураккаб топшириқларни бажариш.

6. Блок. Назорат блоқи. Бажарилган топшириқларни назорат қилиш.
7. Блок. Назорат натижаларини таҳлил этиш. Умумий йўл қўйилган ҳатоликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.
8. Блок. Чиқиш назорати. Мавзу бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва топшириш.

#### **Модулли ёндашув тамойиллари:**

- ◎ Модуллилиқ
- ◎ Мазмунни структуралаштириш
- ◎ Динамик ҳаракатни таъминлаш (соддадан-мсураккабга)
- ◎ Фаолиятлилиқ
- ◎ Мослашувчанлик (гибкость)
- ◎ Натижаларни олдиндан аниқлаш
- ◎ Маслаҳатларнинг турли-туманлигини таъминлаш.

#### **Модуль туралри:**

- ◎ Назарий модульлар(Назарий билимларни шакллантиришга йўналтирилган модульлар).
- ◎ Амалий модульлар (Амалий кўникмаларни ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модульлар).
- ◎ Технологик ёки аралаш модульлар (назарий билим, амалий куникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модульлар).

Модул дастур комплекс дидактик мақсаддан (КДМ) ва бу мақсадга эришишга хизмат қилувчи модуль блоклари йиғиндисидан иборат.

Модул дастурини ишлаб чиқиш учун асосий ғояларни ажаратиб олиш ва блок-модульларда структуралаштириш, сўнгра комплекс дидактик мақсадларни шакллантириш талаб этилади. Комплекс дидактик мақсадлар модул-блокларининг мақсадларига, яъни интегратив дидактик мақсадларга (ИДМ) ва хусусий дидактик мақсадларга (ХДМ) бўлинади, уни эса ўз навбатида ўқув элементлари ташкил этади.

Модул дастурларнинг мақсади албатта малакали мутахассисни етиштиришга хизмат қилади. Модул дастурнинг мақсадини тузишда ана шу мутахассисга қандай талабалар тизими қўйилаётган эканини аниқлаб

олишдан бошланади. Бугунги кунда Россияда мутахассисга қўйиладиган умумий талабалар тизими ўрганилиб уларни уч асосий гуруҳга ажратилмоқда. Мутахассисни компетентлигини аниқловчи критерийларни қўйидаги категорияларга бўлиш мумкин

**\* Инструментал компетенциялар:**

- анализ ва синтез қобилиятига эга бўлиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти;
- умумий базавий билимларга эга эканлиги;
- мутахассислик бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги;
- она тилида бемалол мулоқатга кириша олиш;
- ахборот технологияларидан фойдалан олиш малакалари;
- ахборот материали билан ишлаш қобилияти;
- муаммоларни ечиш қобилияти;
- Қарорлар қабул қилиш қобилияти.

**\*Комуникатив компетентлик:**

- танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш;
- груҳда фаолият кўрсатаолиш;-ўзаро мулоқатга кириша олиш;
- ахлоқий қадриятларни тан олиш;
- турли халқлар маданиятига хурмат билан қараш;
- бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга кириша олиш.

**\*Тизимли компетентлик:**

- билимларини амалда тизимли равишда қўллай олиш;
- тадқиқот олиб бориш;
- янги ўароитга мослашиш;
- ижод қилиш;
- лидерлик қобилиятини ўстириб бориш;
- индивидуал ҳолда фаолият юритиш қобилияти;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш;
- тадбиркорлик ва янги ғояларни илгари суриш;
- масулиятлилилик;

-муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги<sup>2</sup>.

Танланган мутахассислик бўйича умумий дидактик мақсадлар тасдиқланган стандартда ўз аксини топган. Модул дастурини ишлаб чиқишда ана шу стандарт талабларига асосланилади.

Модулларни ишлаб чиқишда учта асосий компонентга эътибор қаратиш лозим:

1. Модул спецификацияси.
2. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.
3. Модулнинг ўқув материални ишлаб чиқиш.

**1.Модул спецификацияси**-ана шу модул ҳақида тўлиқ маълумотни ўзида акс эттиради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

**1.1.Модулнинг номи.** Модулларнинг номлари мазмунга мос бўлиши ва қайтарилишларга йўл қўймаслик лозим.

**1.2.Ўқитишнинг мақсади.** Мана шу модулни ўзлаштириш натижасида қандай фаолият юритиш имкони туғилиши, касбий тайёргаликдаги ахамияти ёритиб берилиши лозим. Талабанинг режали тараққиёти акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

**1.3.Ўқитиш натижалари.** Модулни ўрганиш натижасида қандай билимларни эгаллаши, қанадй кўникма ва малакалар шакллантирилиши санаб ўтилади. Ўзлаштириш жараёни тугагандан сўнг талаба қандай фаолиятни қандай шароитларда бажара олиши кўрсатилади. Натижалар узвий бирликка эга бўлиб, ўқитиш мақсадларидан четга чиқмаган ҳолда шакллантирилиши лозим. Натижаларни текшириш жараёнида бир неча кўникмаларни эгалланиши назарда тутилиши лозим. Одатда бир модул 3-5 турдаги кўникмани эгаллашга қаратилган бўлиб, уни эгалланганлиги мақсадга эришилганлик даражасини кўрсатади. Эришиладиган натижалар аниқлаштирилган мақсадларни шакллантириш қоидалари асосида шакллантирилади.

---

<sup>2</sup>Проворова О.Г.Принципы модульного обучения. Красноярск-2006-32 с.

## **1. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.**

- 1.1. **Баҳолаш мезонлари.** Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фаолият объекти, бажариладиган фаолият тури, фаолият сифати, бажарилган фаолиятнинг стандартлари кўриб чиқилади. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ўқитиш натижаларига мос ҳолдаги фаолият тури ишлаб чиқилиши лозим. Ҳар бир натижани текшириш мезонлари 4 ёки 6 тадан ошмаслиги тавсия этилади.
- 1.2. **Ўзлаштириш даражаси.** Ўзлаштирилганлик даражасини чуқурлигини кўрсатувчи мезонлар ишлаб яқилади, баъзи ҳолларда уни ишлаб чимқиш шарт эмас, агар у баҳолаш мезонларида кўрсатилган бўлса. Ўзлаштирилганлик даражасини исботловчи эришилган натижа турли кўринишда бўлиши мумкин. Ўзлаштириш объекти- тайёрланган предмет, амалий топшириқ, оғзаки ёки ёзма жавоблар тарзида бўлиши мумкин.
- 1.3. **Модулга кириш назорати.** Модулни ўрганиш учун зарур бўлган таълим ва билимлар тизимини кўрсатади.
- 1.4. **Ўқув жараёнини давомийлиги.** Давомийлик Ўқув соатлари ёки зачёт бирликлари кўринишида акс этади.
- 1.5. **Баҳолаш.** Баҳолаш тизимини ишлаб чиқаётганда унинг ҳаққонийлигига ва ишончли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Якуний назорат алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Баъзи модулларда ягона баҳо ҳам қўйилиши мумкин. Баҳолаш тизими модулнинг характеридан келиб чиқиб танланади.
- 1.6. **Модулнинг тушунтириш хати.** Ушбу хат тавиялар кўринишида бўлиб, педагог шахсига йўналтирилган. Унда педагогга қўшимча тавсиялар, баҳолаш жараёнини олиб боришнинг янги имкониятлари, қўллаш мумкин бўлган усулларга тавсиф берилади. Проект, портфолио каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

## **2. Ўқув материали.**

Ўқув материали ахборот матнини ва дидактик воситаларни ўзида акс эттиради. Ахборот матнида адабиётлар, иловалар ва ҳаволалар

ўз аксини топади. Қайтар алоқани амалга ошириш учун ахборотни ишлаб чиқишда жорий назорат учун топшириқлар ва уларни ишлаб чиқиш намуналарини киритиш тавсия этилади. Ахборот материали тушунарли , лўнда ва кўргазмали бўлиши лозим.

Модулли таълим индивидуал ёндашув воситасидир. Талаба мустақил равишда ёки педагогнинг маълум маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда қўйилган дидактик мақсадга эришади. Ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади. Ўқитувчига ўзлаштириш жараёнини тўғри баҳолаб бориш, талабанинг мустақил фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг тараққиётини кузатиб боришек масъулият юклатилади. Талаба фаолиятини самарасини баҳолаш, ўз вақтида коррективлар киритиб туриш лозим.

#### **Модулни таркибий қисмлари:**

1. Модульни номи.
2. Модульни ўзлаштиришдан мақсад.
3. Модуль билан ишлаш учун методик тавсиялар.
4. Назарий ахборот банки ва таянч тушунчалар.
5. Семинар, амалий ва лабаратория ишларининг мазмуни, топшириқлар ва уларни бажаришга ёрдам берувчи тавсиялар.
6. Жорий назорат топшириқлари.
7. Индивидуал ҳолда бажариладиган мустақил топшириқлар.
8. Ёзма назорат вариантлари.
9. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.
10. Талаба йиғиши мумкин бўлган рейтинг баллари.

Хулоса қилиб айтганда, модулли ёндашувнинг **мақсади** - ахборотни ўзлаштириш, идрок этилган ахборотни мустақил таҳлил қилиш, ўз мустақил фикрларини билдиришни тақазо этувчи ва қисқа муддатда оптимал усуллар ёрдамида белгиланган мақсадларга эришишдир<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Карпов В. В. Инвариантная модель интенсивной технологии обучения при многоступенчатой подготовке в вузе. — М.; СПб.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 1992. — 141 с.

#### **4.2.Ижтимоий-маданий фаолият фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши.**

Инсоният яхшилик, эзгулик дунёсини барпо этиш учун яратилган бўлса, тарбия уни шакллантириш, такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос воситадир. Инсон ҳаёти ва кўп қиррали фаолияти, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, феълени оқилона тартибга солиш орқали ҳам таълим тизими такомиллашиб борган. Тарбия ижтимоий жараён сифатида аста-секин, босқичма-босқич ривожланиши билан у ҳақидаги оддий, содда қарашлар, фикрлар муайян тизимга яъни, тарбия ҳақидаги назария, фанга ҳам эҳтиёж туғдирди. Шу аснода педагогика фан соҳаси юзага келди. Демак, тарбия ҳақидаги қарашлар, билимлар тизими, тарбия ҳақидаги фан ҳам инсоният табиий тарихий амалиётининг маҳсулидир.

Жамият нафақат устувор ғоясиз, балки оқилона тарбия тизимисиз ҳам барқарор бўла олмайди. Тарбия жамиятнинг ахлоқий-маънавий қиёфаси, аъзоларининг хулқи, давлат фуқароларининг тартиб-интизоми, умуман, инсон ҳаёти, турмуш тарзининг асосини ташкил қилади. Жамиятда инсонийликка хос бўлган барча хислат ва фазилатлар тарбия орқали сингдирилади ҳамда ривожланади. Умуман, тарбия жамиятшунослик нуқтаи назари билан айтганда, инсониятнинг ҳам ибтидоси, ҳам интиҳоси ва жамиятнинг асосий устунларидан биридир.

Тарбия жараёни тарбиячи (субъект) ва тарбияланувчи (объект)нинг ўзаро иштирокида амалга ошади. Ота-она фарзандларига, ўқитувчи ўқувчиларига, меҳнат ва ўқув жамоаларда раҳбар ўз аъзолари, ходимларига у ёки бу даражада тарбиявий таъсир ўтказади. Албатта, ота-онанинг фарзандларига, ўқитувчининг ўқувчиларига берадиган тарбияси етакчи ва белгиловчи рол ўйнайди. Тарбиянинг ривожланиш тарихи инсоният мавжудлиги ва ривожланиш тарихининг ажралмас таркибий қисмидир. Бу табиий-тарихий жараён, ўз навбатида тарбия шакллари ва усулларини ўзида мужассамлаштирган тарбия тизими, тарбия шакл-тамойиллари, давлатда тарбия сиёсати, илм-фанда тарбия назариясига ҳам таъсир қилиб боради. Чунки, кишилар маънавий-руҳий дунёсининг асосини ташкил этувчи онг, фикр, тафаккур, ақл-заковат ва тарбияда ўзгаришлар бўлмаса, кутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Янги жамиятга хос бўлган янгича онг, тафаккур, ақл-идрок, дунёқараш, феъл-атвор ва руҳият тарбияси зарур. Тажрибадан шу нарса аёнки, одамзоднинг онглилик даражаси қанчалик юқори бўлса, меҳнат унумдорлигини оширишдан тортиб то жиноятчиликни камайтиришгача бўлган жараёнгача ижобий таъсири шунчалик самарали бўлади.

Маънавий тарбия марказида инсон, унинг турли манфаатлари, эҳтиёжлари ва интилишлари ётади. Инсон жамиятда ўзига хос орбита бўлиб,



иқтисоддан маънавиятгача, оддий меҳнат қуролидан то коинот кemasигача унинг атрофида айланади.

Жамиятимизда иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар келажакда мамлакатимизнинг интеллектуал имкониятларини белгилаб берувчи ва уни ривожлантиришнинг асосий шarti ҳисобланган таълим тизимига ҳам боғлиқ эканлигини ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши, сифат даражасида ривожлантириш нафақат таълим самарадорлигининг ошишига, шу соҳадаги тизим такомиллашувига ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, балки мазкур ижтимоий тизимнинг барча соҳаларини ўсишига ҳам сезиларли даражада таъсир этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълимдаги стратегик йўналишлардан бири таълим муассасаларининг инновацион фаолияти асосий омил сифатида белгилаб берилаяпти.

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиш, амалиётда таълим муассасаларини инновацион жараёнларга қўшилишини тақозо этмоқда, ўзини яратиш имкони мавжуд инновацион майдонда кўриш ва энг муҳими аниқ янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Бу ҳолат бугунги кунда ўта долзарблиги билан муҳимдир, чунки, ушбу жараён (инновацион жараён) таълим муассасаларини яшаш шarti (бевосита ва кўчма маънода ҳам), келажак авлодлар ва педагоглар жамоасининг алоқаларини ижтимоий ҳимоялаш шarti бўлиб ҳам хизмат қилади. Ҳаёт таълим муассасалари олдига янги, мумкин бўлмагандек туюлган вазифаларни, яъни эскичасига ишлаб туриб, аниқ янгиликларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишни олдимизга қўймоқда.

Барча янгиликларга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашадиган, ўтмиш бойликларга, тажрибаларга эътиқод руҳида тарбияланган, стабилликни ёқтирадиган кекса авлодни, шунингдек ҳеч қандай ўзгаришларни хоҳламайдиган педагогларни ҳам тушуниш мумкин. Бундай ҳолатда “инновацион жараёнлар орқасидан қувиш” бугунги кун ҳаётимизнинг ажралмас қисми эканлигини ҳам тушуниш зарур. Хоҳлаймизми ёки йўқ бизнинг таълим муассасалари деворининг орқасида бозор ва бозор муносабатлари жараёни кетаяпти.

Бу жараён тўғридан-тўғри бизга тегишлидир, чунки таълим муассасалари ўртасидаги рақобат тушунчаси уларни рақобат қобилияти, таълим сифати, ижтимоий буюртмалар буларнинг ҳаммаси турмушимизга кириб келаяпти. Тўғрироғи, бу жараён биз яшаётган муҳит, ҳаёт тарзи эканлигини ҳар доим хис этиб туришимиз керак.

Бу жараёнга қарши туриш бефойда ва ҳавфлидир. Биз танлаш имкониятига эга эмасмиз ва ушбу тезкор жараён (қувиш жараёни) да иштирок этишга мажбурмиз. Мазкур жараёнда энг муҳими ақл билан, фойдали тарзда,

ўз ташкилотимиз учун иштирок этишдан иборат. Кўпчилик мутахассислар фикрича, ўзгаришларга қобилият, бугунги кунда ривожланишнинг ҳал қилувчи омили, у ёки бу таълим муассасаларининг рақобат қобилиятини таъминловчи асосий омил деб ҳисоблайдилар.

Бугунги кунда мактаб ва олий таълим тизимидаги анъанавий ва оммавий кўринишдаги таълим ва тарбия жараёнлари ўрнига таълим муассасалари ривожланишида ўзига хос янгилик бўлиб инновацион жараёнлар кириб келмоқда. Инновация (ин-“лик”, новус-“янги”) янгилик киритиш, янгилик деган маънони англатади.

“Инновацион фаолият” деганда одатда фаолият жараёнига янги (фойдали) элементлар олиб кириш тушунилади. Шунинг учун ижтимоий-маданий фаолият инновация ўзгартириш билан бевосита боғлиқ. Бундай ўзгартиришлар ижтимоий- маданий фаолият тизимининг:

- мақсадига, мазмунига, метод, технологиясига, ташкил этиш шакли ва бошқарув тизимига;
  - фаолиятдаги ўзига хослик ва фаолият жараёнини ташкил этишга;
  - ижтимоий ҳаёт даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизимига;
  - ўқув-методик таъминотига;
  - тарбиявий ишлар тизимига;
  - ҳуқуқий асосларига;
  - ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятига боғлиқ.

Янгилик тарихий аспектда нисбийлик аҳамият касб этади. Янгилик аниқ тарихий характерга эга, яъни ўз вақтидан олдин пайдо бўлиши мумкин, ўз вақтида меъёр бўлиши ёки эскириши ҳам мумкин.

Тизимнинг ривожланиш жараёнида, эҳтимол тизими бутунича:

- абсолют янгилиги (ўхшаши, прототипнинг йўқлиги);
- нисбатан янгилиги;
- ўзига хос, ихтирочилиги кўринишидагилар ҳисобга олинади.

Янгилик хиллари (типлар) фаолият турига қараб турлича асосларга кўра гуруҳланади:

Биринчи классификация (гурух) янгиликларни киритиш, тизимда содир бўладиган жараёнга алоқадорлиги билан асосланади. Ушбу жараённи тушунишга таяниб, қуйидаги кўринишдаги янгилик хилларини ажратиш мумкин:

- таълим мақсади ва мазмунига;
  - жараён методикаси, вазибалари, усуллари, технологияларга;
- Ижтимоий-маданий фаолиятни ташкил этиш шакллари ва воситалари;
- раҳбарият, ҳодим фаолиятига.

Ижтимоий-маданий фаолият тизимига иккинчи классификация (гуруҳ) янгиликни киритиш масштаби (ҳажми) белгисига асосланади. Бу ерда қуйидаги ўзгаришларни ажратиш мумкин:

- бир-бирлари билан боғлиқ бўлмаган локал ва алоҳида (бир томонламалилик);
- комплекс, ўзаро бир-бири билан боғлиқ;
- бутун фаолиятни қамраб олувчи, тизимли.

Учинчи классификация (гуруҳ) инновацион имкониятларга қараб амалга оширилади. Бу ҳолатда эътиборга олинади:

- Ижтимоий-маданий фаолият дастурларини ишлаб чиқиш, тузилмаларни такомиллаштириш, ихтирочилик, кўринишларни ўзгартириш билан боғлиқ маълум ва қабул қилинганларни модификациялаш;
- комбинаторликка (ўзгартиришлар) хос янгилик киритиш;
- радикал ўзгартиришлар.

Янгилик киритишнинг тўртинчи классификацияси (гуруҳ) олдингиларига нисбатан белгиларига асосланиб, гуруҳланади. Бундай ёндашувда янгилик ўрин алмашувчи, бекор қилинувчи ёки очиб берувчиларга қараб белгиланади. Бу ҳолатда ижтимоий-маданий фаолият тизимида янгиланиш манбаи сифатида:

- мамлакат, регион, шаҳар, туманнинг эҳтиёжи сифатидаги ижтимоий буюртмаси;
- ижтимоий буюртмани регион ва вилоят аҳамиятига молик қонун ва ҳужжатларда акс этиши;
- инсон тўғрисидаги комплекс фанга эришиш, илғор педагогик тажриба;
- хато ва камчиликларни синашда раҳбар ва шахс интуицияси ва ижодкорлиги;
- тажриб-синов ишлари;
- чет эл тажрибалари.

Ижтимоий-маданий фаолият инновацияни келажакда ривожлантириш стратегиясида “инновацион инсонни” яратиш, яъни ишлашидан қатъий назар у инновация ва янги билимларга мойил бўлиши керак. Бугунги кунда замонавий инновацион яроқлилик юзага келмоқда.

Ҳозирда бошқа фаолият соҳалари, жумладан, ишлаб чиқариш ривожланишининг инновацион йўлига ўтгач, таълим соҳаси уларга фақат етакчиларни тайёрлаш функциясини бажарди. Лекин аслида эса бошқача кўриниш кўзга ташланади. Илгари жамият учун унча кўп бўлмаган ва мустақил шаклланган инноваторлар етарли эди.

Ҳозирги давр тараққиёти янги йўналиш – инновацион ёндашувни майдонга олиб чиқди.

Инновация (инглизча инноватион) - янгилик киритиш, янгиликдир. А.И.Пригожин инновация деганда муайян ижтимоий бирликка - ташкилот,

аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб боровчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятidir.

Тадқиқотчилар инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи. Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади. Иккинчи ёндашувда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар. Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Илмий адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.

2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.

3. Яратилган янгиликни амалда қўллаш билиш босқичи.

4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.

5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

6. Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар. Биринчи шаклга янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиш киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир. Иккинчи шаклга янгиликни кенг қўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир.

Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

Инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутаяди. Шунингдек, ижтимоий-маданий фаолият хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

Хусусий янгилик жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда тутаяди. Мураккаб ва

прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси шартли янгилик ҳисобланади. Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади. Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу воситадир: янги метод, методика, технология ва бошқалар.

Инновация жараёни таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир. Илмий адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонунияти фарқланади:

- инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;
- ниҳоят амалга ошиш қонуни;
- қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни;
- инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни.

Аёвсиз бемаромлик қонунида жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, онг бўлинади, янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қиммати кенг ёяди. Ниҳоят амалга ошиш қонуни янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.

Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни шундан иборатки, унда инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда қолип (стереотип) қоқоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсиқ бўлишга мажбур бўлади.

Инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади. Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки типини фарқлайдилар:

1. Инновациянинг биринчи типи стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт шароитлари тизими, усуллари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди.

2. Инновациянинг иккинчи типи онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Инновацион жараёнлари негизида қуйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

- маданиятшунослик жиҳатидан (инсонни билишнинг устувор ривожланиши) ёндашув;
- шахсий фаолият жиҳатидан (янги технологиялар) ёндашув;
- кўп субъектли (диалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириш;
- индивидуал-ижодий ( шахсларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.

Жамият аъзолари ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир. Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, кистовлар, ҳукмга бўйсунуш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу шахсларнинг ижоддаги ҳамкорлигидир.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш. Демак, ижтимоий-маданий фаолият ходими янги технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги жамият, маданият тараққиёти шароитида ижтимоий-маданий фаолият ходимининг инновация фаолиятига бўлган зарурият қуйидагилар билан ўлчанади:

- ижтимоий-иқтисодий янгиланиш маънавий тизими, методология ва технологиясининг тубдан янгиланиш талаб қилади. Бундай шароитда ижтимоий-маданий фаолият ходимининг инновация фаолияти янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;

- фаолият мазмунини инсонпарварлаштириш доимо янги ташкилий шакллари, технологияларини қидиришни тақозо қилади;

- янгиликни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ижтимоий-маданий фаолият ходимининг муносабати характери ўзгариши.

Ижтимоий-маданий фаолият ходимининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик киритишнинг самардорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меъёрларга - янгилик, мақбуллик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради Янгилик ижтимоий меъёри сифатида ўзида таклиф қилинадиган янгини, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради.

В.А.Сластенин ўтказган тадқиқотлар инновацион фаолиятда касбий тайёргарлигини аниқлаш имкониятларини беради. Улар қуйидаги тавсифлардан иборат:

- мўлжалланган янгиликни ялпи ва унинг алоҳида босқичлари муваффақиятини башорат қилиш;

- келгусида қайта ишлаш мақсадида янгиликнинг ўзидаги ва уни татбиқ қилишдаги камчиликларни аниқлаш;

- янгиликни бошқа инновациялар билан қиёслаш, улардан самарадорларини танлаб олиш, уларнинг энг аҳамиятли ва пишиқлик даражасини аниқлаш;

- янгиликни татбиқ этишнинг муваффақиятлилик даражасини текшириш;

- янгиликни татбиқ этадиган ташкилотнинг инновация қобилиятига баҳо бериш.

Ижтимоий-маданий фаолият ҳодимининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳрир қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади. Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади.

Ижтимоий-маданий фаолият ҳодимини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

- янгиликни идрок қилишга инновацион шайликни шакллантириш;
- янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Ижтимоий-маданий фаолият ҳодимининг инновацион фаолиятининг энг муҳим компонентларидан бири юксак профессионализм – акмеология, юнонча энг олий нукта, энг гуллаган давр, юксак профессионализм маъноларини беради. Касбий интеллетуал етуклик ва маҳоратни билдиради. Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- истеъдод нишонлари;
- уқувлилик;
- қобилият;
- истеъдод;
- оила тарбияси шароити;
- ўз хатти-ҳаракати.

Акмеология илмий нуктаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- ижодий индивидуаллик;
- ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жараёни;
- ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.

Ижтимоий-маданий фаолият ҳодимининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал - ижодий ташаббус;
- билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;
- ахборотларга ташналик, муаммолардаги ғайри одатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик.

Ижтимоий-маданий фаолият ҳодимининг инновацион фаолиятининг энг муҳим компонентларидан бири креативликдир. Креативлик термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ижтимоий-маданий фаолият биламизки, ижтимоий тизим асосида йўлга қўйилади. Ижтимоий тизим - бу ташкил этувчиларнинг бирлаштирилган мажмуи бўлиб, улар ўзгаришларда ҳам барқарорлигича қолаверади. Агарда ўзгаришлар (янгилик киритиш) қандайдир мумкин бўлган чегарадан ошиб кетса, тизим бузилади, унинг ўрнига янги бошқа хусусиятли тизим юзага келади.

Ижтимоий тизим - элементларнинг жуда мустаҳкам бирлашувидир. Ҳар қандай ижтимоий тизимнинг тузилиши ҳозирги даврда қуйидаги элементлар йиғиндисидан иборат бўлиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда қуйидаги кўринишга эга: тарбиянинг мақсади, тарбия мазмуни, тарбия жараёни, техник воситалари, фаолиятнинг ташкилий шаклларидан иборат бўлади.

Бу тизимнинг таркибий қисмларидан ҳар бири ҳар қандай даражада элементларга бўлиб, ёйиб кўрсатилиши мумкин.

Кўрилган тизимни мукамал таркибий тузилиш эмас деб ҳисоблашга асосларимиз бор. Кўрсатиб ўтилганларга қўшила олмайдиганлар педагогик тизимнинг муҳим таркибий қисмлари, шунингдек, «натижалар», «тарбиявий жараёни бошқариш», «технология»лардан иборат, деб ҳам ҳисоблашлари мумкин.

Улар берилган чизмадаги ижтимоий тизим моделида кўзга ташланади. Мақсадлар натижалар билан мос келиб, узлуксиз жараён ташкил этади. Мақсадларнинг натижа билан тўла мос келиши педагогик жараённинг ишончи, ўлчов кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Педагогик тизим бошқарув, бирлаштирувчи ҳамма таркибий қисмлари нисбатан мустақил қисм ҳисобланади, чунки улар ўз мақсад ва тузилишларига эгадир.



Ижтимоий тизимнинг ташкил этувчи таркибий қисми сифатида алоҳида омиллар бирлиги деб таъкидлаган ҳолда уларни кўпинча, тарбия жараёнининг технологияси деб кўрсатадилар. Бундай ёндашишда ижтимоий тизим кўзланган мақсадга эришишни таъминлайдиган мустаҳкам ташкилий технологик комплекс бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, педагогик тизим ҳар доим ҳам технологиядир. Ана шу белгиси бўйича ижтимоий тизимнинг таркибий қисмлар ихтиёрий «тўпламидан» ажратиб олиш осондир. Технология - бу қатъий ташкилий мантиққа бўйсунувчи имкониятларини белгиловчи тизимнинг ички сифатидир.

### **Бошқарувнинг турли хорижий мактаблари классификацияси**

Бошқариш назарияси асосини ташкил этган қонун-қоидалар хусусиятига боғлиқ равишда хорижий бошқарув мактаблари 4 гуруҳга бўлинади:

- “Илмий бошқарув” мактаби
  - “Классик (маъмурий бошқарув)” мактаби
  - “Инсон муносабатлари” мактаби
  - “Микдорий, тизимли ёки зомонавий бошқарув” мактаби
- “Илмий бошқарув”

- Хорижий бошқарув монополистик капитализм даврида вужудга келган. Унинг шаклланишидан олдин бошқарув вазифаларининг ажратилиши, унга хос бўлган бошқарув меҳнатининг тарқалиши, унинг махсус назарий асос яратилишига эҳтиёж ўсиши юз берди.

Бошқарув назариясини асосчилари Тейлор, Форд, Гильберт, Эмерсон, Файоль ва бошқалардир. Бошқарув назариясининг тарихан дастлабки йўналиши “классик” (анъанавий) мактаб номини олган. Бу мактабнинг вужудга келишида америкалик муҳандис ва тадқиқотчи Фредерик Тейлорнинг хизмати катта. Тейлор хизмат поғонасининг барча даражаларини АҚШдаги Бестлегемдаги йирик металлургия корхонасининг кичик хизматчисидан бошқарувчисигача бўлган лавозимларни эгаллаган. У биринчилар қарорида ишлаб чиқаришнинг айрим жараёнларини ташкил этиш ҳамда бутун корхонани бошқаришга илмий ёндошишни қўллади. Унинг “корхонани илмий бошқариш асослари”, “Бошқаришни илмий ташкил этишнинг тамойил ва усуллари”, “Саноат корхоналарини маъмурий-техникавий ташкил этиш” каби машҳур асарлари хорижда чоп этилган ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий ташкил этиш бўйича адабиётларнинг катта тўпламига асос солди. Тейлор меҳнат жараёнларини махсус функционал бошқариш зарурлигини асослаб берди, жисмоний меҳнат билан бир қаторда ишлаб чиқаришни ташкил этишни таркибий унсурларга ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилган томонидан ишланган схемада ўлда-жўлда, пала-партиш

ишлаш мумкин эмаслиги, ҳар бир нарса олдиндан қилинган, ишнинг барча шартлари ва усуллари олдида аниқ, белгиланган бўлиши акс эттирилган.

Тейлор киши ақл-заковатига катта эътибор берган. Масалан, у корхона устаси куйидаги тўққиз сифатга эга бўлиши кераклигини таъкидлаган:

- 1) Ақл-заковатга;
- 2) маълум маълумотга;
- 3) иш тажрибасига;
- 4) одобга;
- 5) ғайратга;
- 6) зийракликка;
- 7) халолликка;
- 8) тўғри фикр юритишга;
- 9) яхши саломатликка;

Шу билан бирга Тейлор бу сифатларнинг барчасига эга бўлган кишини топиш жуда мушкул эканлигини айтган. Кўпчилик фақат учта сифатга эга бўлади - улар оддий иш хақи тўланадиган ишга олиниши мумкин. Бу сифатларнинг тўрттасига эга бўлган киши нисбатан кўп ҳақ тўланадиган ишга олиниши керак. Бешта сифатни ўзида жам этган кишини топиш анча мушкул, олти, етти, саккиз сифатга эга кишини топиб бўлмайди. Агар юқорида санаб ўтилган тўққиз сифатга эга бўлган киши топилса, уни уста лавозимига эмас, бошқарувчи лавозимига қабул қилиш лозим. Тейлор айниқса иш жойларини ташкил этиш. Ишлашнинг мақбул усулларини танлаш, аниқ вазифаларни белгилаш, кишиларни тўғри танлаш ва ишга қўйишга алоҳида аҳамият берарди. У томонидан ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича қатор тавсиялар ишланган. Масалан, у бошқариш бўйича фаолиятнинг 8 та вазифасини ажратиб кўрсатган:

1. Ишларни бажариш ва тақсимлаш тартиби;
2. Чизмалар ва қўлланмаларни тузиш;
3. Вақтни меъёрлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш;
4. Интизомга риоя қилиш;
5. Иш услубларини белгилаш;
6. Ускуналар иш тартибига риоя қилиш;
7. Ускуналарни таъмирлаш ва сақлаш
8. Сифатни назорат қилиш.

Тейлорнинг функционал бошқарув тизими ҳозирги даврда саноатда қўлланмасада, бошқариш жараёнини функционал тақсимлаш ғоясидан бошқаришнинг тартибли (линейний) тизимидан ҳам фойдаланади. Тейлор маъмурият ва таъминловчи ижтимоий жиҳатларни ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлаб, бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг муҳим тамойилларидан бири эканлигини айтган. У ижтимоий

демагогия усулларини инкор этмай, улардан фойдаланишни тавсия қилган. У ишчилар ва тадбиркорлар ўртасида “синфий ҳамжихатлик”ни таъминлаш, улар ўртасида мунозарага йўл қўймаслик заруриятига таянган ва уни бошқарувнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаган. Тейлор фикрига биноан, бундай вазифани фақат илмий жиҳатдан ташкил этилган бошқарув тизими - бошқарув назариясигина ҳал этиши мумкин.

Тейлоризм илмий бошқарув ҳаракатини бошлаб берди. Бу ҳаракат АҚШни қамраб олиб, бошқа капиталистик мамлакатларга ҳам ёйилди. Тейлор тизими илмий бошқарув ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Иқтисодиётни бошқариш соҳасининг яна бир йирик назарийчиси-Гаррингтон Эмерсон (1853-1931) эди. У “Унумдорликнинг ўн икки тамойили” асарини ёзиб, бу асарда у биринчи бўлиб инсон фаолиятини мақбуллаштиришга қарашлар тизимини баён қилиб берди. Эмерсон қуйидаги тамойилларга асосланган максимал меҳнат унумдорлигига эришиш усулини ишлаб чиқди.

1. Аниқ белгиланган гоё ва мақсадлар;
2. Ақли расолик;
3. Асосли маслаҳат;
4. Қатъий интизом;
5. Ходимларга нисбатан адолатли муносабат;
6. Марказлаштириш;
7. Тезкор, ишончли, тўлиқ, аниқ ва доимий ҳисоб;
8. Меъёр ва тартиб;
9. Шароитни нормаллаштириш;
10. Операцияларни меъёрлаш;
11. Ёзма стандарт қўлланмалар;
12. Унумдорлик учун рағбатлантириш.

Ўз хулосаларига қўшимча қилиб бошқариш услубини баён қилиш билан муаллиф классик концепцияга салмоқли хисса қўшди.

Саноат корхоналарини ташкил этиш ва бошқариш масалаларини ўрганган яна бир америкалик иқтисодчи Гамильтон Черч (1866-1936) ўз диққат эътиборини бошқаришнинг умумий назарий тамойилларига қаратди. Америкалик бошқа назарийчилардан фарқли Г.Черч тайёр қонун -қоидаларни тавсия қилмаган. У барча саноат корхоналарини бошқаришнинг умумий назарий тамойилларини белгилаб берди, бошқарувнинг умумий вазифалари билан уни ташкил этиш тамойилларини кўрсатиб берди. Ўзининг «ишлаб чиқаришни бошқариш асослари» китобида у бошқариш вазифаларининг қуйидаги классификациясини баён қилиб берган: лойихалаштириш, ускуна билан таъминлаш, буюрувчилик, ҳисоб ва амалга

ошириш. Г.Черч китобининг айрим назарий қоидалар ҳозирги даврда ҳам илмий ва амалий қимматга эгадир.

Илмий бошқарув ривожланишига ҳисоб ва режалаштиришнинг чизма усулини ишлаб чиққан Генри Гант (1861-1919) ва ишини мақбуллаштириш учун стандарт ҳаракатларни қўллаб айрим ишларни бажариш усулларини таклиф этган Френк Гильберт (1868-1924) салмоқли хисса қўйганлар. Шунингдек бошқарув назариясига Француз муҳандиси Анри Файоль муҳим хисса қўшган, у бошқарув вазифалари мақбуллаштириш - олдиндан кўра олиш, ташкил этиш, буюриш, келишув, назорат қилишга тенглаштирган 1916 йилда унинг «Умумий ва саноат бошқаруви», 1924 йилда «Меҳнатни илмий ташкил этиш» ва «Ижобий бошқарув» асарлари чоп этилди. Генри Форд ишлаб чиқариш корхоналарини бошқаришнинг ташкилий-техникавий тамойилларини яратган. Фордизм фақат бошқарув техникаси ва ташкил этиш ривожланишида эмас, балки меҳнат унумдорлиги ўсишида ҳам янги босқич бўлди. Форд ҳам Тейлор сингари кам ҳаражат билан юқори меҳнат унумдорлигига эришишни мақсад қилиб қўйган бўлсада, унга бошқа йўл билан эришишга ҳаракат қилди. Тейлор инсон меҳнатини ташкил этишга алоҳида эътибор берган бўлса, Форд техника, технология, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга эътибор берган.

Шундай қилиб, Тейлор ва унинг издошлари буржуа бошқарув назарияси ривожланишининг бошқарув концепцияси вужудга келган XIX-XX асрлар чегарасидан асримизнинг 20-йилларигача давом этган даврни қамраб олган биринчи босқичи намоёндаларидир.

XX асрнинг 20-йилларидан бошқарув ривожланишининг йирик капиталистик ишлаб чиқариш эҳтиёжларига асосланган янги босқичи бошланди. Назарийчилар Тейлоризмни нисбатан мослашувчан тизим билан алмаштиришга ҳаракат қилдилар. Улар бошқаришнинг социологик ва психологик жиҳатларига эътибор бериб, уларни илмий бошқарув таркибига киритдилар.

Давлат ва иқтисодиётни бошқариш назариясининг айрим жиҳатлари шарқнинг иқтисодий ғоя ривожланишига хисса қўйган йирик аллома ва давлат арбоблари - Фаробий, Ибн Сино (IX-X аср), Хос Хожиб (XI-XII аср), Амир Темур, Ибн Холдун (XIII-XIV аср), Бобур, Алишер Навоий асарларида ёритилгандир.

### **4.3. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши.**

Россияда Ижтимоий маданий фаолият фани XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб шакллана бошлади. Бу даврда меҳнат ва бошқарув муаммоларига бағишланган ўнлаб журналлар, жумладан “Маданий оқартув ишлари” каби ойномалар нашр қилинди, хорижий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва

ижтимоий маданий фаолият бўйича мутахассислар асарлари рус тилига таржима қилинди. 1921 йилда Марказий меҳнат институти ташкил этилди.

А.К.Гастев раҳбарлиги остида ММИ да меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини ўрганиш, лойихалаш ва жорий қилиш, турли мутахассисликка эга ишчиларни ўқитиш ва малакасини оширишнинг мақбул тизимини яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. А.К.Гастев асарлари жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга, у томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ҳозирги даврда ҳам долзарбдир. Меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқарув фанининг яна бир ташаббускори - Платон Михайлович Корженцев (1881-1940). П.М. Корженцев 1923-1924 йиллар давомида Бутун Иттифок меҳнатни ташкил этиш Кенгаши президиуми аъзоси бўлган ва “Правда” газетасида ишлаган. Бу фил - давомида у “Меҳнатни илмий ташкил этиш”, “Ташкил этиш тамойиллари”, “Вақт учун кураш”, “Ўзингни ўзинг ташкил эт” сингари асарларини ёзди. П.М.Корженцев томонидан тавсия этилган ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаш, меҳнат шароити, моддий воситалардан тўғри фойдааниш ҳақидаги таклифлар жуда долзарб эди.

Меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш назариясига бу муаммо бўйича тадқиқот олиб борган П.А.Попов, О.А.Ерманский ва бошқалар ҳам салмоқли хисса қўйганлар.

Республикамиз ўзининг ижтимоий мақсадлари ва иқтисодий дастурларини фақат бозор механизми орқалигина амалга ошириш мумкин. Бунга бизни кейинги вақтдаги товар пул муносабатлари ва бозор иқтисодиётининг ривожига ҳам ишонтирмоқда.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари амал қилган шароитда миллий иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлмиш корхона ва бирлашмаларнинг ҳуқуқ ва маъсулиятлари кенгайди, уларнинг товар ишлаб чиқарувчилар сифатида роли ошади.

Ижтимоий маданий фаолиятнинг маркетинг талабини қондиришга қаратилган фаолият бўлибгина қолмай, балки талабга таъсир ҳам қилишдир. Хўш, бу таъсир қандай бўлиши керак, бошқа ижодий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш ва янги талабни вужудга келтириш керакми? Маркетинг фаолиятининг бу аниқ мақсадларини – бозорда мавжуд бўлган вазиятни ҳисобга олиш билан, харидорлар қизиқиши даражаси билан, корхонанинг ўз иқтисодий ва ижтимоий вазифалари билан, у ёки бу бозорга кириши билан аниқланади. Шундай қилиб, талаб маркетинг мақсадини, шу билан бирга керакли маркетинг стратегиясини танлашга имкон беради.

Ижтимоий маданий фаолият маркетинг моҳиятини англашда унинг энг характерли томонларини тушуниб олиш керак: унинг асосий субъектлари, маркетинг муносабатларининг иштирокчилари ким, маркетинг нималар

билан ишлайди, унинг объектлари қандай, у қандай вазифаларни ҳал қилади, ва унинг функциялари ва тамойиллари нималардан иборат?

1. Маркетинг тушунчаси ва унинг моҳияти нимадан иборат.
2. Маркетингнинг мақсади ва вазифалари.
3. Қандай талаб турларини биласиз.
4. Маркетинг турларини изоҳлаб беринг.
5. Ремаркетинг нима ва унга мисоллар келтиринг
6. Демаркетинг нима ва унга мисоллар келтиринг
7. Маркетингнинг асосий мақсадларини айтинг.
8. Маркетинг типларининг асосий фарқли белгилари нималардан иборат.
9. Келтирилган концепсиялардан қайси бири, фикрингизча, узок муддатли муваффақиятти таъминлаши мумкин.
10. Янги шароитларда яшаб қолиш ва муваффақиятга эришиш учун корхоналар қандай чора-тадбирларни қўллаши керак.

### **Таянч иборалар.**

Маркетинг, бозор, айрибошлаш, эҳтиёж, истеъмолчилар, товар, талаб, нарх белгилаш, товарлар ҳаракати, бизнес фалсафаси, ишлаб чиқариш, савдо фаолиятлари, товарлар рекламаси, хизматлар маркетинг концепциялари, маркетинг эволюцияси, маркетинг субъектлари, объектлари, маркетинг турлари.

### **Адабиётлар:**

1. С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.:«ГЭОТАР-Медия» 2008 43 с.
1. Селевко С.Современные образовательные технологии, Москва.1998.- 75-90 с.
2. Махмутов, Ибрагимов, Чошанова "Педагогические технологии развития мышления учащихся", Казань,1993.- 75с.
3. Хўжаев Н,Хасанбоев Ж,Мамажонов И, Мусахонова Г.Янги педагогик технологиялар.Ўқув қўлланма.Т,ТДИУ.-2007.71-74
4. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет.
5. Очилов М. "Янги педагогик технологиялар",Қарши,2000.
6. Голиш Л.В."Замонавий педагогик технологиялар", М. 1999.
7. Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: «Иқтисод-молия», 2009.
8. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент:«Фан», 2010.
9. Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Тошкент: «Фан», 2010.

- 10.Толипов Ў.К., М. Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари – Т.: “Фан ва технология”, 2006
- 11.Саидахмедов Н., Очилов М. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси – Т.: ХТБ РТМ, 1999
- 12.Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия. нашр, 2003
- 13.Войе Ҳаралд, Якобсон Уве. Рыночная экономика. Общество, предприятие, потребитель (в 15 книгах). М: Внешнеторгиздат, 2000.
- 14.Дейл Карнеги. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей, Выступая публично. М.: Прогресс,
- 15.М.Шарифхўжаев, Я.Абдуллаев. “Менежмент” Ўқитувчи 2002 й
- 16.Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. “Менежмент асослари”. – Т.: Ўқитувчи, 2003.
- 17.<http://www.dis.ru/manag/index.html>

# **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

## **1-амалий машғулот:**

**Ижтимоий-маданий фаолият объектлари: ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий жамғармалар фаолияти. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг замонавий тенденциялари.**

### **амалий иш топшириғи:**

Ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий жамғармалар фаолияти анализи. Амалий дастурий воситалар ёрдамида квалификациясини яратиш

## **2-амалий машғулот:**

**Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳаси бўйича қабул қилинган қонун, қонун ости ҳужжатлари ва уларнинг моҳияти, мазмуни.**

### **амалий иш топшириғи:**

Ижтимоий соҳага оид Қонунлар, қонун ости ҳужжатлари тартибли тизимини ишлаб чиқиш. 2017 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича Қарорлари, фармонлари таҳлили.

## **3-амалий машғулот:**

**Ўзбекистон Республикасида ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантириш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари). Ижтимоий-маданий фаолиятда соғлом турмуш тарзи тарғиботи.**

### **амалий иш топшириғи:**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ** бўйича Назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.

Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услугий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услугиёти.

## **4-амалий машғулот:**

**Ижтимоий-маданий фаолият соҳасига кадрларни тайёрлаш сиёсати. Хорижий давлатларда ижтимоий-маданий фаолият тизими. Ижтимоий-маданий фаолият фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши.**

### **амалий иш топшириғи:**

Мавзу бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва топшириш.



## Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчилар
Тайёргарлик Босқичи	1.Тингловчиларни мазкур мавзусидаги амалий машғулот мавзуси, режаси ҳамда тайёргарлик учун адабиётлар ройхати билан таништирилади. (1-илова).	Амалий машғулотнинг режаси билан таништирилади, машғулотга тайёргарлик кўрадилар.
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (10- минут)	1.1. Ўқув машғулотнинг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси эълон қилинади.	1.1.Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
	1.2. Гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларда ишлаш қоидалари билан танишадилар “беш минутли эссе” технологияси (2-илова).	1.2.Саволга оғзаки жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий босқич. Кичик гуруҳларда ишлаш (55- минут).	2.1. Ҳар бир гуруҳга амалий топшириқларни ёзма равишда бажариш топшириғи берилади. “Амалий топшириқни бажаринг!” (3-илова)	2.1. Саволларга оғзаки ва ёзма жавоб берадилар
	2.2. Кичик гуруҳларда ишлаш давомида уларнинг ишларини кузатади, кўрсатмалар беради.	2.2.Гуруҳларга бўлинган тингловчилар ўзларининг саволларини логопед ва ўқитувчига берадилар, методик ёрдам оладилар
	2.3.Хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бўйича “Консептуал жадвал” тўлдириш	2.3.жадвал тўлдирилади
	2.4. Мавзу бойича билимларни умумлаштиради.	2.4. Мавзу бойича билимлари умумлашади.
3-босқич. Якуний босқич яқунловчи 15-минут.	3.1. Вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар берилган жадвални тўлдириш асосида чиқарилади. Иш яқунларини эълон қилади.	3.1. Жадвални тўлдирадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Фикр ва мулоҳаза билдирилади.
	3.2.Дарсда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳоланади	3.2.Рағбатлантирилади.
	3.3.Мустақил иш учун вазифа беради.	3.3. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.

## Педагогик назорат турлари ва уни ташкил қилиш шакллари.

### таълим технологияси модели.

Тингловчилар сони	Ўқув соати – 2 соат
Ўқув машғулотивининг шакли	Амалий
Ўқув машғулотивининг тузилиши	1.Амалий машғулотивга тайёргарлик. 2.Вазифаларни эълон қилиш. 3.Саволларга жавоб бериш. 4.Гуруҳларда ишлаш. 5.Гуруҳлар тақдимоти. 6.Мавзуни мустаҳкамлаш. 7.Мустақил вазифалар бериш.
Ўқув машғулотивининг мақсади	Тингловчиларда педагогик назорат турлари ва уни ташкил этиш шакллари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш
Педагогик вазифалар: 1. педагогик назорат турларини назарий асослари ҳақида тушунчаларини кенгайтириш. 2. педагогик назоратни ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар ҳақида билимларини мустаҳкамлаш 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштириш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: 1. педагогик назорат турларини назарий асослари ҳақида тушунчаларини кенгайтиришади. 2. педагогик назоратни ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар ҳақида билимларини мустаҳкамлаш 3. нутқ маданияти ва нутқ техникасидан фойдаланиш малакаларини такомиллаштирилади; 4. педагогик технологиялардан фойдаланиш малакасини такомиллаштирилади;
Ўқитиш усуллари	Суҳбат, баҳс -мунозара, амалий топшириқ.
Ўқитиш шакллари	Якка, гуруҳли
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Маниторинг ва баҳолаш	Оғаки назорат, жадвални тўлдириш.

3-илова

Назорат турлари - ёзма иш ва тестни қиёсий таҳлилини вен диаграммасида ишлаб чиқинг.

# АССИСИМЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ

## Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисимент” лардан маъруза машғулотида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўрганиш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз –ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассисиментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

#### «Баҳо»бу -

- 1) Талаба томонидан ўзлаштирилган кўникма ва малакаларнинг таълим мақсадига мос ёки мос эмаслигини аниқлаш.
- 2) Ўқитувчининг талаба ҳақида шахсий фикрининг ифодиси
- 3) Талабанинг ахлоқий нормаларга жавоб бериш даражаси
- 4) Талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш



### Муаммоли вазият

- Дарс жараёнида эшикдан декан муовини кириб келди ва сизни зудлик билан декан хузурига чақираётганини айтди. Мавзу жуда қизиқарли. Сиз дарсни кичик гуруҳларда ўтмоқдасиз. Сизнинг хатти – харакатингиз...



### Тушунча таҳлили

- Педагогик назорат бу...



### Қиёсий таҳлил

- Иш юритаётган муассасангиздаги баҳолаш мезонларини хорижий олий таълим муасссаларидаги баҳолаш мезонлари билан таққосланг

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**“Кейс-стади”** методи «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» - аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» - ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## Кейснi бажариш босқчилари ва топшириқлар:

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	^ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ^ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ^ ахборотни умумлаштириш; ^ ахборот таҳлили; ^ муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейснi аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	^ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ^ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ^ асосий муаммоли вазиятни
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	^ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ^ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ^ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ^ муқобил

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### 1. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъерий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

## VII. ГЛОССАРИЙ

**Ижтимоий-маданий фаолият**- жамият аъзоларини ижтимоий-бирлашуви асосида жамият қонуниятлари, қадриятларини маданий ўзлаштириш, жамият аъзоларини маданий эҳтиёжларини қондириш ва онг тафаккур ислоҳотларини кечишига йўналтирилган узлуксиз фаолият тизимини ташкил этган жараён

**Ижтимоий маданий фаолият** - Россиялик профессор В.В.Туэв фикрича бошқариладиган жамият ва унинг ижтимоий институтлари таъсирида инсонларни маданийлаштириш жараёнидир ҳамда ушбу жараённинг асосий иштирокчиси инсондир.”

**Ижтимоий** - бу кишилик жамияти, унинг ҳаёти ва қонуниятларига оид, бирор ижтимоий табақа,синфга оид, жамиятга, жамоатчиликка оид, жамиятнинг, омманинг маънавий-маърифий эҳтиёжлари учун ихтиёрий равишда хизмат этишга алоқадорликдир.

“**Ижтимоий** – атамаси арабча бўлиб, “яқдиллик”, “ҳамкорлик” маъноларини англатади”.

“**Ижтимоий**” сўзи гуруҳга, жамоага оид сўз бўлиб кўпинча якка ҳолда қўлланмай маълум бир сўз билан қўлланади. Масалан: Ижтимоий гуруҳ, ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳамкорлик ва ҳоказо.

**Маданият** арабча «мадина» (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга бўлиб, бирини бадавий ёки саҳроий турмуш, иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик бу кўчманчи ҳолда чўл саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик эса шаҳарларда ўтроқ яшаб,

шаҳарга хос турмуш тарзида яшовчи халқларга нисбатан ишлатилган.

**Маданий-** атамаси бу маданиятга оид, маданиятга хослик билан ҳарактерланган.

**Фаолият** -бу бирор соҳада олиб бориладиган иш, машғулот, ҳаракат, жараён.

**“Фаолият сўзи** — кишиларнинг ташқи оламга фаол муносабати шакли, инсоннинг ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, инсон борлигининг муҳим хусусиятларидан бири”. Фақат фаолият замиридагина инсон моҳияти намоён бўлиши, жамиятнинг, ҳар қандай ижтимоий тузилманинг мавжудлиги таъминланиши мумкин. Инсон ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фаолият шакллари, асосан, қуйидагича туркумлаштирилади:

**Моддий фаолият.** Бунда инсоннинг ўз хавфсизлиги таъминланиши, озиқ-овқат, кийим-кечакка бўлган дастлабки эҳтиёжларининг қондирилиши ва меҳнат қуроллари орқали ташқи табиатнинг ўзгартирилиши тушунилади;

**Ижтимоий-сиёсий фаолият** бу - ижтимоий муносабатларга, ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатиш;

**Маънавий-фаолият** - эса илм-фан, санъат, дин, бадий ижод ва бошқа соҳалардаги фаолиятдир. Ижтимоий-маданий фаолият ҳам айнан фаолиятнинг мана шу туркумига киради.

**“Ижтимоий-маданий фаолият** – аҳолини маънавий камол топтириш, маданий савиясини ошириш, билимини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш, ижодий қобилиятини

ривожлантириш, бўш вақтини самарали ўтказишга кўмак берувчи ижодий-ташкилий ишлар мажмуасидир

**Миллий қонунчилик** – халқнинг миллий манъфаатларини ифодаловчи

миллий қонун қабул қилиш механизми. Бу борада Ўзбекистон Республикасида миллий парламентаризм шаклланган.

2006 йил 3 апрелдаги "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий - маърифий ва тарғибот - ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган кўшимча чора - тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-317 сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий - ғоя тарғиботи ва маънавий - маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 2006 йил 25 августдаги ПҚ - 451-сонли қарори

1997-йил 27-августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 360 сонли қарори .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ПФ-3154-сонли фармони

2011 йил 13 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонуни



Вазирлар Маҳкамасининг “2011- 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 322-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 178-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 27 февраль 8-сонли ва «Камолот» Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгашининг 2012 йил 27 февраль 01-04/14-сонли қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари Низоми .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.06.2012-йилдаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 175-сонли қарори.

**Матбуот** -оммавий ахборот ва ташвиқот (тарғибот)нинг асосий воситаларидан бири — ижтимоий ва сиёсий кураш, маърифат, илмий билимларни тарқатиш, маданиятни ривожлантириш, дунёқарашни шакллантиришнинг қудратли қуроли бўлган рўзнома ва журналлар каби вақтли нашрлар.

**Монумент** — бирор муҳим воқеа ёки улуғ кишилар шарафига кўрилган катта архитектура (меъморий) иншооти, хайкал.

**Музей** — фаолиятнинг асосий шакли экспозиция ва кургазмалардан иборат бўлган тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва кенг омма ўртасида билимларни тарғиб қилиш билан шуғулланадиган илмий, илмий-маърифий муассаса, маданий-тарихий, табиий-илмий кадриятларни йиғувчи ва улар ҳақидаги маълумотларни музей ашёлари воситасида, тарғиб қилувчи ижтимоий институтдир

**Мушоира** — шоирлар мусобақаси, тортишуви. Мушоира адабий анъанага кура икки шоир ўртасидаги шеърий айтишувдан иборат бўлиб, унда шоирларнинг ҳрзиржавоблик маҳррати равшан намоён бўлган.

**Театр** — 1. Актёрларнинг сахнадаги хатти-харакатлари ва сўзлари воситаси билан ҳаётни, ҳаётий ходисаларни бадиий ифодаловчи санъат тури. 2. Шундай томошалар кўрсатиш билан шуғулланувчи муассаса. 3. Театр томошалари қўйиладиган бино (майдон).

**Телевидениэ** — ҳаракатдаги ёки ҳаракатсиз объектларнинг тасвирини электр ва радио алоқа қурилмалари ёрдамида узокка узатиш, узокдан кўриш ва унинг воситалари.

**Туризм** - дунёни куриш, билиш, ўрганиш ва дам олиш мақсадида килинадиган сайр-саёҳат.

**Экскурсия** - музей, диққатга сазовор жойлар, кўргазмалар ва шу кабиларни жамоавий равишда бориб кўриш, илмий, спорт ёки кўнгил очиш мақсадидаги саёҳат, сайр.

**Экспозиция** - бадиий асар сюжетининг таркибий қисми бўлиб, унда воқеалар юз берувчи ўрин-жой, асар қаҳрамонларининг характерини шакллантирувчи ижтимоий муҳит ва шарт-шароит кабилар тасвирланади. Экспозиция бадиий асар

композициясининг компонентларидан бири сифатида ижодкорнинг мақсадига бўйсинган ҳолда турлича ўринда ва характерда берилиши мумкин. Масалан, А. Каххорнинг "Анор" хикоясида Туробжоннинг ҳовли ва уйи тасвири экспозициясини ташкил этади.

**Этнография** — тарих фанининг халқларнинг таркиби, уларнинг урф-одати, моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятини ўрганадиган бўлими.

**Аттракцион** -1. Муайян ғоя ва мазмун асосида бир-бири билан боғланган сирк томошалари дастури. 2. Истироҳат боғларида болаларнинг кўнгил очишлари учун кўрилган мосламалар (чархпалак, кема, арғимчоқ ва шу кабилар).

**Аудио-видео материаллар**- эшитиб ёки куриб идрок қилишта мўлжалланган материаллар ва қурув қўлланмалари.

**Афиша** - спектакллар, концертлар ва бошқа тадбирлар, томошалар тўғрисида хабар берувчи, кўзга кўринарли жойларга ёпиштириладиган махсус эълон.

**Байрам** *Туркча* «тўймаросим, хурсандчилик, шодиёна», қадимги яҳудий (др.эвр.) тилида «хачхачат» – рақсга тушмоқ, *лотинча*. фестивус – «байрамона» деган маънони англатади.

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. 2017 йил
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2017 йил
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда қураимиз. 2017 йил
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.

### **Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсульмиз, 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. -Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”. -Т.: 2011.-440 б.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Махсус адабиётлар**

1. М.Бекмуродов, А.Умаров ва бошқалар. “Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти” . – Дарслик, Т.: “ Маънавият”. – 2016.
- 2.Толипов Ў, Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари - Т.: 2006 й. 163 б.
- 3.Хўжаев Н,Хасанбоев Ж,Мамажонов И, Мусахонова Г.Янги педагогик технологиялар.Ўқув қўлланма.Т,ТДИУ.-2007.71-74
4. Чичерина Я., Нуркельдиева Д.,Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: “Ғап уа 1ехпо1о§1уа1аг, 2013й
5. Andrew Пакуэтте. Ан Интродустион то Сомпьютер Грапҳис фор Артист.- Спрингер Публишинг Сомпанй, Инсорпоратед, УСА 2013
6. Фиола Керриган, Петер Фрасер, Мустафа Озбилинг. Арт маркетинг. - Папербаск Германй, 2004.
- 7.С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.:«ГЕОТАР-Медия» 2008 43 с.

### **Интернет сайтлари:**

1. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.dsmi.uz](http://www.dsmi.uz)
6. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
7. [www.mrdi.uz](http://www.mrdi.uz)
8. [www.dsmimarkaz.uz](http://www.dsmimarkaz.uz)